БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (528)

19 ФЕВРАЛЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 тийин.

Партия ишлари оммани ташкил этиш ва тарбиялашга, хўжаликка раҳбарликни яхшилашга, социалистик хўжаликни тўхтовсиз ўстиришга, совет халқининг моддий фаровонлигини оширишга, унинг маданиятини юксалтиришга қаратилиши керак.

(КПСС Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҳисобот докладидан).

Партия ва халқимизнинг қудратли монолит бирлиги

Шу кунларда қаҳрамон совет халқининг, ер куррасидаги юз миллионларча тинчлик тарафдорларининг назар-э'тибори Улуғ Москвага, Катта Кремль саройига — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг шонли XX с'езди ўтаётган жойга қаратилгандир.

Коммунизм тантанаси учун қаҳрамонона кураш тарихида жуда муҳим давр очган партиямизнинг XX с'езди бутун совет халқининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят кучли суратда юксалган бир вазиятда ўтмоқда. Совет кишилари КПСС Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҳисобот докладини баланд рух, зўр меҳнат кўтаринкилиги блан кутиб олдилар. КПСС Марказий Комитетининг ҳисоботида Совет Иттифоқининг ички ва халқаро аҳволи марксча-ленинча чуқур анализ қилинган, совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлиги остида эришган оламшумул — тарихий ғалабаларининг якунлари тўпланган.

«Партия XIX с'ездидан буён ўтган давр, — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев ўзининг докладида,—уч йилу, тўрт ой—вақт жиҳатидан унча катта давр эмас: Лекин партия томонидан қилинган ишларнинг ҳажми жиҳатидан, шу давр ичида мамлакатимизда ва унинг ташқарисида юз берган воқиаларнинг аҳамияти жиҳатидан бу давр Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихида, партиямизнинг Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш учун, бутун дун'ёда тинчлик учун олиб борган кураши тарихида муҳим даврлардан биридир».

Тарих шонли Коммунистик партия зиммасига ғоят буюк вазифани — инсоният учун коммунизмнинг нурли чўққилари сари йўл очиб бериш вазифасини юклаган. Бу олижаноб вазифани бажаришда партиямизнинг халқ блан мустаҳкам ва чамбарчас боғланганлиги, партиямиз ленинча коллектив раҳбарлигининг донолиги, партиямиз ўз фаолиятида асосланиб келаётган марксча ленинча та'лимотнинг ғолиб кучи ёрқин намоён бўлмоқда. Коммунистик партия битмас-туганмас ғайрат блан, буюк ижодий планлар блан яғи бешйилликка кирмоқда, совет халқини янги тарихий ғалабалар сари илҳомлантирмоқда.

Коммунизмнинг муҳташам биноси барпо қилинаётган бизнинг мамлакатимизда партия ва халқ бир-биридан ажралмас ягона кучдир, партия манфаатлари блан халқ манфаатлари бирдир. Коммунистик партия халқ манфаатлари тўғрисида, унинг бахт-саодати, моддий ва маданий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ҳақида доимо ғамхўрлик қилишни ўз фаолиятининг олий қонуни деб билади. Шунинг учун ҳам халқимиз ўз жонажон партиясини чин кўнгилдан астойдил севади ва унга қизғин муҳаббат қўйган.

Партия ва халқимизнинг қудратли монолит бирлиги с'езд ўтаётган ҳозирги тарихий кунларда жуда яққол кўринмоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҳисобот докладидан илҳомланган совет кишилари Коммунистик партиянинг доно сиёсатини якдиллик блан ма'қуллаб-мақтадилар, партиямизнинг олий органи томонидан мамлакатимиз олдига қўйилган улуғвор вазифаларни шараф блан бажариш учун бутун куч ва ғайратимизни сарф қиламиз, деб қасам'ёд қилмоқдалар.

Бутун мамлакатимиздагидек Тошкент областининг саноат корхоналарида, қурилишларида, темир йўл транспортида, колхоз, совхоз ва МТСларида, муассасаларида ва ўқув юртларида КПСС XX с'ези муносабати блан кўпкишилик митинглар бўлиб ўтмоқда. Бу митингларда меҳнаткашлар партия ва ҳукуматимизнинг доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин ма'қуллаб, КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида ҳозирги халқаро вазият ҳартомонлама марксча-ленинча чуқур анализ қилиб берилганлигини, партиямизнинг мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришга ва тўхтовсиз юксалтиришга, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган сиёсати тўла акс этдирилганлигини фахрланиш туйғулари блан та'кидламоқдалар.

Чирчиқдаги И. В. Сталин номли электрохимия комбинатида бўлиб ўтган митингда инженер ўртоқ Омон Ил'ёсов бутун ўзбек халқининг фикрини ифодалаб, бундай деди:

— Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз докладида она-Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлаш, коммунизм қурилиши соҳасида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритишга тайёр турган совет халқининг иродасини ифодалади. Ўртоқ Хрушчев айтдики, Совет мамлакати ҳозир кескин юксалиш даврини кечирмоқда. Агар тасвирий ибора блан айтсак, бизи ҳозир шундай тоққа, шундай баландликка кўтарилдикки, бу баландликдан бизнинг туб мақсадимиз — коммунистик жамиятга олиб борадиган йўлнинг кенг горизонтлари энди яққол кўринниб турипти. Бу сўзлар бизнинг қалбимиздан чуқур жой олди. Биз коммунизм қурилишини тезлаштириш учун куч ва ғайратимизни аямай ишлаймиз, фидокорона меҳнатимиз блан мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдан иборат улуғ мақсадни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшамиз.

— Бизларнинг ҳарбиримиз, — деди Тошкентдаги «Под'ёмник» заводи ремонт-механика цехининг мастери ўртоқ Р. Каримов,—Коммунистик партия томонидан олдимизга қўйилган буюк вазифаларни амалга оширишда энг актив қатнашиш истаги блан тўлиб-тошганмиз. КПСС Марказий Комитетининг ўртоқ Н. С. Хрушчев қилган ҳисобот докладининг ҳарбир сатрида партиянинг меҳнаткашлар тўғрисида ғоят катта ғамхўрлик қилаётганлиги кўринниб турипти. Яқин вақт ичида иш қунининг қисқартирилишини, реал иш ҳақининг анча оширилишини, кенг исте'мол товарлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилишини, пенсияларнинг ортишини, ўқув юртлари сонининг кўпайтирилишини билиш жуда қувончлидир. Ана шу ғамхўрликка жавобан мен ҳар сменада камида икки норма бажаришга ва'да бераман ва ҳаммани шундай қиришга чақираман.

Областимизнинг бошқа саноат корхоналарида, колхоз қишлоқларида ҳам меҳнаткашлар КПСС XX с'ездининг тарихий материалларини қизғин муҳокама қилиб, ўз зиммаларига оширидган янги мажбуриятлар олмоқдалар. Мингларча агитаторлар КПСС Марказий Комитетининг партия XX с'ездига ҳисобот доклади ва с'езднинг бошқа материаллари юзасидан суҳбатлар ўтказмоқдалар. С'езд материалларини ўрганиш ишчилар, инженер-техник ходимлар, колхозчи-деҳқонлар ва совет интеллигенцияси ўртасида меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборди, уларнинг ижодий ташаббусини ошириди. Партия ташкилотларининг вазифаси — меҳнаткашлар ўртасида вужудга келган юксак ватанпарварлик ҳаракатини ҳартарафлама қўллаб-қувватлашдан, уларнинг ижодий ташаббусини янада ўстиришдан, коммунизм учун курашнинг буюк йилномасига энг муҳим давр бўлиб кирган КПСС XX с'ездининг материалларини кенг пропаганда қилишдан иборатдир.

Буюк қудрат ва ижодий кучга тўлган улуғ социалистик Ватанимиз КПСС раҳбарлиги остида коммунистик жамият қуриш йўлидан зўр ишонч блан олга бормоқда. Совет халқининг монолит бирлиги, унинг жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига маҳкам жипслашганлиги — коммунизм қурилишида янги тарихий ғалабаларга эришувимизнинг гаровидир.

ПАРТИЯ БИЗНИ ЯНГИ ҒАЛАБАЛАРГА ЕТАКЛАМОҚДА

17 февраль куни кечки пайт смена алмашиш вақтида «Ташсельмаш» заводида кўпкишилик митинг бўлиб ўтди. Митингда завод партия ташкилоти секретари ўртоқ Қабуловнинг КПСС XX с'ези иши тўғрисидаги қисқача ахборотидан сўнг биринчи бўлиб, кекса қозончи И. А. Митин сўзга чиқади.

— Партиямизнинг бу с'ези, — деди у, — бизнинг олдимизда мамлакатимизда коммунизм қуришнинг улуғвор йўлларини янада аниқроқ қилиб кўрсатиб беради. Ҳозирги пайтда бизнинг мамлакатимиз дун'ёдаги энг қудратли мамлакатлардан бири бўлиб, у дадил қадамлар блан олга томон бормоқда. Бу эса биз совет кишиларининг қалбини қонуний равишда фахрланиш ҳисси блан тўлдирмоқда. Цех коллективи февраль ойининг охиригача пуркагич машина ва запас қисмлар ишлаб чиқариш юзасидан биринчи квартал планини бажариш учун барча имкониятларни сафарбар этмоқда.

Ўртоқ Митиндан сўнг сўзга чиққан 15-нчи механика цехининг ишчиси ўртоқ Тўлқин Замонбоев бундай деди:

— Партиямиз томонидан кўрсатиб берилаётган улуғвор режаларнинг муваффақият блан амалга оширилиши учун биз ҳаммамиз ғайратимизга-ғайрат кўшиб ишлашимиз зарур. Мен ойлик ишлабчиқариш топшириғини 220 процентдан кам бажармасликка ва'да бераман.

— Марказий Комитетнинг ҳисоботида, — деди ўз сўзида қолипчи Анатолий Минакин, — олтинчи бешйиллик мобайнида ишчиларнинг моддий ва маиший шароитини кескин даражада яхшилаш тадбирлари кўрсатилган. Партия ва ҳукумат томонидан амалга ошириладиган бу тадбирлардан ғоят қувонган қуючилар коллективи ҳар сменада аввалгига қараганда икки ҳисса кўп металл эритмаси бермоқда. Қуюв цехи коллективи номидан ва'да бериб айтаманки, биз бундан кейин ҳам илғор иш методларини жорий қилиш, иш вақтининг ҳарбир минутидан унумли фойдаланиш йўли блан меҳнат унумдорлигини янада оширамиз.

Митинг охирида йиллик маҳсулот ишлабчиқариш планини 25 декабрьгача бажариш, мажбурияти қабул қилинди.

Г. ДЕМИДОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

РОСТОВ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ ЗАВОДИНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Ростов қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи ишга туширилганига йигирмабеш йил тўлганлиги муносабати блан ва унинг қишлоқ хўжалигини янги техника блан та'минлаш ишидаги хизматларини тақдирлаб, «Ростсельмаш» заводи Ленин ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль.
1956 йил 17 февраль.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

С'ЕЗД КУНДАЛИГИ

17 февраль эрталабки мажлис

Ўртоқ **В. П. Мжаванадзе** раислигида очилган 17 февраль эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети ва Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладларини муҳокама қилиш давом этди.

Шу кунларда партиянинг энг катта ташкилотлари — Москва ва Ленинград, Украина ва Белоруссия, Қозоғистон ва Ўзбекистон, Грузия ва Озарбайжон, Латвия ва Свердловск, Горький ва Олтой ўлкасининг вакиллари ҳамда бошқа ташкилотларнинг вакиллари с'езд минбаридан сўзладилар. Ҳамма нутқлар партиянинг бузилмас бирлигини, Марказий Комитет теварагида жипслашганлигини кўрсатучи ёрқин далилдир. Делегатлар партия ўзининг XIX с'ездидан буён ўтган давр ичида Марказий Комитет раҳбарлиги қонуний ифтихор ҳислари блан та'кидламоқдалар. Улар Марказий Комитетнинг Н. С. Хрушчев томонидан қилинган ҳисобот докладида ҳозирги халқаро вазият маркса-ленинча анализ қилиб берилганлигини, мамлакатда хўжалик ва маданий қурилиш якунлари илмий асосда умумлаштирилганлигини, совет халқининг коммунизм чўққилари сари олға ҳаракат қилишнинг программаси белгилаб берилганлигини якдиллик блан қайд қилмоқдалар.

Партия с'езди ишлаб турган кунларда бутун халқ ғоят катта активлик кўрсатиб, партиянинг ташқи ва ички сиёсатини, унинг бош йўлини чексиз қўллаб-қувватлаётганлигини изҳор қилмоқда. С'езд шарафига бўлаётган социалистик мусобақа байроғи совет ўлкаси устида тобора баланд кўтарилмоқда. Шахта ва заводларнинг, колхоз ва МТСларнинг, олимлар лабораторияларининг ва совхозларнинг жонажон Коммунистик партия с'ездига бераётган меҳнат салюти бутун дун'ёга эшитилмоқда.

...Эрталабки мажлисда биринчи сўз ўртоқ **В. М. Суслов**га (Краснодар партия ташкилоти) берилади. У айтадики, XIX с'ездан кейин ўтган давр ичида Совет Иттифоқининг халқлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида совет давлатининг қудратини янада мустаҳкамладилар, унинг халқаро обрўсини оширдилар, коммунистик жамият қуриш йўлида олга томон янги қадам қўйдилар. Бешинчи бешйиллик планнинг муваффақият блан ва муддатидан илгари бажарилганлиги партия томонидан олиб борилган ташкилотчилик ишининг улуғ якунидир.

Ўртоқ Суслов ўз нутқининг анча қисмини қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларига бағишлади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалигида планлаштиришнинг янги тартиби тўғрисидаги қарори, дейди у, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Бу қарор мавжуд имкониятлардан ва резервлардан тўлароқ фойдаланиш имконини берди, буни жумладан, Кубань мисолида кўриш мумкин. Ўтган йили Краснодар ўлкасида бундан аввалги йилдагига қараганда 20 процентдан ҳам кўпроқ дон йиғиб олинди. Бунга маккажўхори экин майдонларини анча кенгайтириш ва унинг ҳосилдорлигини ошириш туфайли эришилди. Қанд лавлаги, каноп, сабзавот, узум, гўшт, жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча кўпайди. Колхозларнинг бўлинмас фондларидаги маблағлар кўпайди ва колхозчиларнинг даромадлари ошди. Ўлкадаги колхозларнинг деярли ҳаммаси эндиликда миллионер колхозлар бўлиб қолди.

Сўнгра ўртоқ Суслов Кубань қишлоқ хўжалигини ривожлантириш перспективалари тўғрисида гапиради. У айтдики, шу йилнинг ўзидаёқ гўшт етиштиришни 1955 йилдагига нисбатан икки баравар кўпайтириш мумкин; 1957 йилда гўшт етиштириш уч баравар, сут етиштириш икки баравар, тухум етиштириш тўрт баравар кўпайтирилади. Бу блан олтинчи бешйиллик план топшириғи икки йил ичида бажарилади.

Ўртоқ **М. Торез** сўзлайди. С'езд делегатлари уни самимий кутиб оладилар. У Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'ездига Франция коммунистик партиясидан ва Франция меҳнаткашларидан оташин ва дўстона салом топширади.

Меҳнаткашлар оммаси, бутун дун'ёдаги прогрессив кишилар, дейди ўртоқ Торез, Совет Иттифоқи халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик планлари юзасидан Директивалар проектини зўр ҳурсандчилик блан кутиб олдилар. Улар совет халқининг ўз Коммунистик партияси раҳбарлиги остида ёрқин истиқбол йўлини умумий мўл-кўлчилик ва ҳамма учун бахт-саодат йўлини очиб бераётганлигини кўриб турибдилар. Совет Иттифоқининг илҳомбахш намунаси шуни исбот этадики, мамлакатнинг ишлабчиқаручи кучларини планли суратда тўхтовсиз ривожлантириш ҳамда меҳнаткашларнинг аҳволини тубдан ўзгартириш, уларнинг моддий ва маданий эҳтиёжларини қондириш ҳокимиятнинг ишчилар синфи қўлига ўтиши блан боғлиқдир.

Ўртоқ Торез Совет Иттифоқининг тинчлик йўлида актив кураш олиб бораётгани ҳақида гапириб айтадики, француз халқининг СССРга нисбатан миннатдорчилиги ва муҳаббати ҳечқачон ҳозиргидек кучли бўлмаган эди, социалистик лагерьнинг ва тинчлик учун курашучи давлатларнинг кучи тобора ўсиб бораётганлиги туфайли урушнинг олдини олиш мумкинлигига ишонч ҳечқачон ҳозиргидек мустаҳкам бўлмаган эди.

Ўртоқ Торез та'кидлаб айтадики, француз коммунистлари тинчлик учун ва ўз мамлакатининг порлоқ истиқболи учун курашда ишчилар синфининг ҳаракат бирлигини, социалистлар блан коммунистларнинг ҳаракат бирлигини вужудга келтириш устида ҳормай-толмай иш олиб бормоқдалар. Франция компартияси ишчилар синфининг ҳаракат бирлиги учун олиб борилган ана шу курашда омма ўртасида ўз та'сирининг ўсишига эришди, 2 январьда бўлган парламент сайловида катта муваффақият қозонди. Бу сайлов, дейди нотиқ, француз халқи Совет Иттифоқига нисбатан тинчлик сиёсатини ўтказилишини истаганлигини, у ўзининг Атлантик блок агрессив сиёсатига тортилишига эндиликда йўл қўймаслигини кўрсатди.

Франция коммунистик партияси, деди правардида ўртоқ Торез, шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бой тажрибасидан илҳомланмоқда. Франция коммунистлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан намуна олиб, ўз халқининг бахт-саодати тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қиладилар, улар Франция халқига унинг буюк революцион традицияларига мос бўлган истиқболни та'минлаш учун курашадилар.

Сўз ўртоқ **П. Тольятти**га берилади. У минбарга чиққанида делегатлар уни давомли қарсаклар блан кутиб оладилар.

Ўртоқ Тольятти КПСС XX с'ездига Италия коммунистик партиясидан, Италия ишчилар синфидан, итальян халқининг бутун демократик ва прогрессив қисмидан қизғин қардошлик саломи топширади. У айтадики, ҳозирги вақтда бутун дун'ёдаги сингари Италияда ҳам коммунистларнинггина эмас, балки шу блан бирга коммунист бўлмаган кўп миллионлаб меҳнаткашларнинг ҳам назар-э'тибори ва фикри-зикри с'ездга қаратилган. Сизнинг ишларингиз уларнинг қалбида умид ва ишонч туғдирмоқда. Улар биладилар-ки, сизнинг қарорларингиз меҳнаткашларни капитализм эксплуатациясидан ва зулмидан озод қилиш ишининг ғалабасига, демократия ва тинчлик ишининг ғалабасига сизнинг улуғ партиянгизнинг янги ажойиб ҳиссаси бўлиб қўшилади.

Сўнгра ўртоқ Тольятти уқтириб ўтадики, с'езд делегатларининг ишдаги камчиликларни дадиллик блан танқид қилиб, ўз олдиларида турган масалаларни муҳокама қилишда қўлланаётган методлари қай манфаатлари ҳамма нарсадан ҳам юқори қилиб қўйиладиган чинакам демократизм намунасидир.

Биз, дейди нотиқ, марксизм-ленинизм та'лимотига содиқ бўлишга, халқ блан, фабрикаларда, далаларда, муассасаларда, ўқув юртларида меҳнаткаш аҳолининг ҳамма табақалари блан маҳкам боғланган бўлишга ҳамиша интилиб келдик. Шунинг учун ҳам биз қарийб 20 йиллик яшириш фаолиятдан ва 2 йиллик партизан курашидан кейин, ишчилар, деҳқонлар, халқ орасида кенг томир отган бақувват партияни вужудга келтириш имкониятига эга бўлдик. Партиямиз ёшлар ташкилотларини ҳам қўшиб олганда ўз сафларида 2,5 миллион кишини бирлаштирган, булардан ярим миллиони хотин-қизлардир.

Ўртоқ Тольятти айтадики, итальян ишчилар синфи ўз бирлигини амалга оширишда катта ютуқларга эришдики, бу бирлик даставвал, коммунистик партия блан социалистик партиянинг қардошларча ҳамкорлигидан иборатдир.

Ўртоқ Тольятти ўз нутқининг охирида бундай дейди:

— Бу ерда, с'езда биз ўз ишимизнинг, социализм ишининг енгилмаслигига янги ишонч ҳосил қилдик. Биз ишчиларимизда, деҳқонларимизда, маданият арбобларимизда, яхши ҳаётда яшашни истаган барча оддий кишиларда ҳам шу ишончни туғдирамиз. Биз уларни яхши ҳаёт учун курашга бошлаб борамиз, социализм байроғи остига жипслашаётган меҳнаткашларнинг сафларини кучайтирамиз.

Ўртоқ **А. Ю. Снечкус** (Литва партия ташкилоти) КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладидаги чуқур фикрлар ҳозирги вақтда Совет Литвасининг шаҳар ва қишлоқларига ёйилаётганлиги тўғрисида гапиради. Литва халқи улуғ рус халқи блан ва Совет Иттифоқидаги барча халқлар блан маҳкам ҳамкорлик қилиб, халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантириш соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Ўртоқ Снечкус Литва саноатининг муваффақиятлари ҳақида, қишлоқ хўжалигининг аҳволи тўғрисида, олтинчи бешйиллик планни бажариш учун катта имкониятлар борлиги ҳақида гапиради.

— Ҳисобот даврида, — дейди сўнгра нотиқ, — идеология масалалари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, кадрларимизни марксча-ленинча чиниқтириш масалалари КПСС Марказий Комитетининг қарорларида кенг равишда акс этдирилди. Литва партия ташкилотлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Лекин бундан идеология ишларини сусайтириш мумкин деган ма'но келиб чиқмайди.

Ўртоқ Снечкус КПСС миллий сиёсати буюк принципларининг тантанаси тўғрисида гапиради. Литва халқи улуғ Совет Иттифоқининг составида бўлиб, чинакам давлат мустақиллигига эга бўлди. Нотиқ Эйзенхауэрнинг ва Иденнинг туҳматдан иборат Вашингтон декларациясини эслатиб ўтадики, капитализм зулмидан озод бўлган халқларнинг мустақил яшаётганлиги Эйзенхауэр блан Иденни ташвишга солаётир.

— Литва халқи, — дейди Снечкус, — бир вақтларда Ғарб империалистлари литва халқининг, Литва давлатининг мустақил бўлиб яшаши тўғрисида ҳатто эшитишни ҳам истамаган эдилар. 1919 йилда империалистлар Литвада Совет ҳокимиятини қонга ботирган эдилар, кейинчалик эса империалистлар гитлерчиларни қуроллантирдилар. Гитлерчилар Литванинг шаҳар ва қишлоқларига ўт қўйиб, кўп минглаб литвалиларни ўлдирдилар.

Литва меҳнаткашлари биладиларки, литва халқи бахт-саодатининг ва гуллаб-яшнашининг гарови бўлган нарса учун, унинг улуғ Ватанга — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига содиқ бўлганлиги учун империалистлар Литвани ҳақорат қилмоқдалар.

Сўз ўртоқ **Ф. Е. Титовга** (Иваново партия ташкилоти) берилади.

— XIX с'ездан кейин уч йилдан сал кўпроқ вақт ўтди, — дейди у. — лекин ана шу тарихан қисқа муддат ичида Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитетининг улуғ илҳомбахш ва ташкилотчилик кучи яна ва яна ёрқин кўринниб турди. Партия Марказий Комитети бутун Ленин кўрсатган йўлдан ишонч блан бориб мамлакатга, бутун хўжаликка ва маданий қурилишга донолик ва башорат блан раҳбарлик қилди, Совет давлати халқаро обрўсининг янада ўсишини та'минлади.

Сўнгра ўртоқ Титов Иваново области партия ташкилотининг саноатга, айниқса областьда етакчи тормоқ бўлган тўқимачилик саноатига раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларига муфассал тўхталиб ўтди. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган бутун ип газлама ва штапель газламаларнинг қарийб 30 процентини Иваново области бериб турибди, деди у. Шу сабабли область партия ташкилоти мавжуд ишлабчиқариш майдонларида меҳнат унумдорлигини ошириш ва машина-ускуналарни модернизациялаш асосида газлама ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, газламалар сифатини оширишни ва унинг таннархини камайтиришни ўзининг асосий вазифаси деб билди.

Нотиқ область саноатининг ишдаги камчиликларга тўхталиб айтдики, кўпгина партия ташкилотлари ишлабчиқариш экономикасини чуқур ўрганмадилар, зарур ташкилотчилик ва сиёсий ишлар олиб борилишини та'минламадилар, коллективларни ишлабчиқариш резервларидан яхшироқ фойдаланишга етарлик сафарбар қилмадилар. Ўртоқ Титов СССР ва РСФСР Тўқимачилик саноати министрликларини, Машинасозлик ва Химия саноати министрликларини корхоналарни янги машина-ускуналар блан етарлик та'минламаётганликлари, хомаш'ё блан узлуксиз та'минлаб турмаганликлари, фабрика ички транспортини ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаштириш масалаларини қониқарсиз ҳал этаётганликлари учун танқид қилди.

Партиянинг XIX с'ездидан кейин, дейди ўртоқ **Н. Н. Органов** (Красноярск партия ташкилоти) коммунистик қурилишнинг барча участкаларида ғоят катта муваффақиятларга эришилди. Партиямиз янада мустаҳкамланди. Марказий Комитет теварагига янада маҳкамроқ жипслашди, халқ блан иноқлашди. Марказий Комитет ва унинг Президиуми, Совет Ҳукумати энг муҳим масалаларда меҳнаткашлар кенг оммаси блан ҳамиша маслаҳатлашмоқдалар, бу эса партиянинг омма блан алоқасини янада кўпроқ мустаҳкамлаётганлигини ва партиянинг халқ блан бузилмас бирлигини мустаҳкамлаётганлигини исбот этмоқда.

Ўртоқ Органов коммунистик қурилиш муваффақиятларини Красноярск ўлкаси мисолида кўрсатиб беради. Ўлкада рангли металлургия, химия саноати янгидан барпо этилди, машинасозлик, кўмир ва ўрмон саноати ривожланмоқда. Янги бешйиллик да хўжалик ва маданий қурилишнинг янада ажойиб перспективалари очилмоқда. Катта Красноярск гидроэлектростанцияси, алюминий комбинати қурилишига тайёргарлик ишлари бошланди, нефть тозалаш заводи ва бошқа бирканча катта корхоналар қурилади. Мамлакатнинг Шарқида Н. С. Хрушчевнинг докладида кўрсатиб ўтилган учинчи металлургия базасининг вужудга келтирилиши Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга доир туб масалаларни доно-лик блан ҳал этиш намунасидир. Совет халқи партиянинг бу дадил режаларини якдиллик блан ма'қуллайди ва уларни амалга ошириш учун ўз кучларини аямайди.

Шарқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида партия томонидан қўйилган янги вазифалар бирканча министрликлар томонидан бу районларнинг аҳтиёжларига катта э'тибор берилишини талаб қилади. Нотиқ Ўрмон саноати министрлиги томонидан ёғоч тайёрлаш учун моддий-техника базасини вужудга келтиришга етарлик э'тибор берилмаётганлиги тўғрисида гапиради. Олий та'лим министрлиги инженер кадрларнинг айрим категорияларини тайёрлаш блан боғлиқ масалаларни, жумладан Сибирьда ўрмон-техника олий ўқув юртларини ва техникумларини кенгайтириш блан, янги политехника институтларини ривожлантириш блан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда сусткашлик кўрсатмоқда.

Ўртоқ **А. Н. Несмеянов** (Москва партия ташкилоти) ўз сўзини фан вазифаларига бағишлади.

Партия ва ҳукумат, дейди у, фанни янада ривожлантириш ва унинг моддий базасини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилдилар. Энг янги техника блан та'минланган бирқанча янги текшириш институтлари, шу жумладан ядро проблемалари институти, фанлар академиясининг электрофизика лабораторияси ва шу каби бошқа уникал муассасалар вужудга келтирилди. Асосан, яхши тайёрлиги бўлган ёшлар ҳисобидан илмий кадрлар ўсди.

Атом энергиясини ўрганиш ва уни тинч мақсадларда қўлланиш соҳасидаги муваффақиятлар совет фанининг порлоқ ютуғидир. Атом энергиясидан ҳали тажриба тариқасидагина фойдаланилаётганлигига карамай, олтинчи бешйилликда атом энергетикаси чор Россиясидаги ҳамма электростанцияларнинг қувватига нисбатан икки баравардан зиёд кўпроқ қувватга эга бўлади.

Бизнинг олдимизда — термоядро реакцияларини тартиблаштиришни эгаллаш вазифаси турибди, бунинг натижасида водород бомбасидаги ва шу кабилардаги реакциялар тинч мақсадларга хизмат қилдирилади. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида изотопларни қўлланишни ўрганиш ишлари муваффақиятли бораётир. Полупроводникларнинг термоэлектрик хусусиятларининг кейинги текширилиши чўллардаги иссиқлиқ ва ёруғликни бевосита электр энергиясига айлантириш мумкин бўладиган вақт яқин қолди деб умид қилишга имкон беради. Тез ҳаракат қиладиган электрон ҳисоб ускуналарини яратишда фанлар академиясининг кўрсатган ташаббуси ва тез ҳаракат қиладиган шу типдаги машиналарнинг ўзини конструкциялаш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фанлар академиясининг цифр машинаси бирнеча ўн минглаб ҳисоб машиналарининг ишини бажаради ҳамда илгари ҳисоблаб чиқиш мумкин бўлмаган масалаларни ечади. Бир тилдан иккинчи тилга электрон машиналар блан автоматик таржима қилишни амалга ошириш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди.

Ўртоқ Несмеянов химикларнинг кейинги ишлари ҳақида, геологларнинг янги кашфиётлари тўғрисида, халқ хўжалигининг бирқанча муҳим проблемаларини ҳал этишда фаннинг роли тўғрисида гапиради.

Фанлар академиясининг асосий вазифаси, деб кўрсатади нотиқ, табиатдаги ва жамиятдаги янги ҳодисаларни топиш ва ўрганишдан иборат бўлиши лозим. Олтинчи бешйилликда назарий ишни ва биринчи навбатда, физика-математика, химия, биология соҳасидаги фан комплексларини ривожлантиришни кучайтирабошлаш зарур. Бу фан комплекслари янги техника ва ишлабчиқаришнинг ҳали ўрганилмаган келажагига олиб борадиган йўлни ёритиб туриши лозим.

Ўртоқ **А. И. Струев** (Молотов партия ташкилоти) ўз сўзида та'кидлаб ўтдики, КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида мамлакатимизнинг халқаро ва ички аҳволини марксча-ленинча чуқур анализ қилиш асосида, Марказий Комитет ва Совет ҳукумати томонидан яқин йиллар учун қўйилган жуда катта халқ хўжалик вазифаларини назарий жиҳатдан асослаб кўриб чиқиш асосида КПСС Марказий Комитетининг Ленин йўлидан огишмай борётганлиги яққол кўрсатиб берилгандир. Ўртоқ Струев Марказий Комитет ўз Пленумларининг ишида қатнашишга жойлардаги партия, совет ва хўжалик раҳбар ходимларини кенг жалб этаётганлигини мамнуният блан та'кидлайди.

Нотиқ Молотов партия ташкилотининг иши тўғрисида гапириб, областьнинг ўтган бешйиллик мобайнида эришган ба'зи муваффақиятларини кўрсатиб ўтади. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва яхшилаш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди. Саноат ишлабчиқариш планини йил сайин ошириб бажармоқда. Бироқ, ҳали кўпгина жиддий камчиликлар бор. Кўп корхона ва қурилишларда янги техника ва илғор технология сust жорий қилинмоқда, механизмлардан ва машиналардан қониқарсиз фойдаланилмоқда, меҳнат унумдорлигини ошириш учун кураш бўш ривожлантирилган, социалистик мусобақага раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Сўнгра ўртоқ Струев шуни кўрсатиб ўтдики, Молотов области маҳсулотнинг айрим энг муҳим турларини ишлаб чиқаришни олтинчи бешйиллик юзасидан партия с'езди директивларида кўзда тутилгандан кўра анча тезроқ сур'атлар блан ривожлантириш имкониятига эгадир. У жумладан, Рангли металлургия, Металлургия ва химия саноати корхоналари қурилиши, Химия саноати министрликлари олдига талаблар қўйди. Бу министрликлар саноатнинг энг муҳим тармоқларини ривожлантиришда областьга етарлик ёрдам бермаётирлар.

Ўртоқ **Г. А. Денисов,** (Саратов партия ташкилоти) қайд қиладики, партиямизнинг ички ҳаёти ҳозирги вақтда айниқса мазмундор ва актив бўлиб қолди. Бунга биз даставвал Марказий Комитетнинг партия ички демократиясини ривожлантиришга, партиялилар оммасининг активлигини оширишга, партия турмуши нормаларига ва партия раҳбарлигининг буюк Ленин ишлаб чиққан принципларига қаттиқ риоя қилишга қаратилган йўлни қат'ий ва изчиллик блан амалга ошираётганлигини туфайли эришдик.

Ўртоқ Денисов ўз нутқининг анча қисмини область саноатининг ишига бағишлади. Область саноатининг маҳсулоти

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

С'ЕЗД КУНДАЛИГИ

17 февраль эрталабки мажлис

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

1950 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайган. Нотиқ электр қувватининг етишмаганлиги область саноатини ривожлантиришга анча тўсқинлик қилаётганлигини айтди. Шу муносабат блан у Саратовда иккинчи теплоэлектро централь қурилишининг муддатларини тезлаштириш ва Куйбишев ГЭСидан Саратовгача юқори вольтли электр линияси ўтказиш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Ўртоқ **А. А. Сурков** (Москва партия ташкилоти) ўз нутқини совет адабиётини ривожлантириш масалаларига бағишлади. У совет кишиларининг катта ма'навий талабларини қондиришлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишида партиягa ёрдам беришлари лозим бўлган маданият арбобларининг юксак бурчи ҳақида гапирди.

Бизнинг адабиётимиз ва сан'атимиз, деди Ўртоқ Сурков, мазмунининг бойлиги жиҳатидангина эмас, балки бадиий кучи ва маҳорати жиҳатидан ҳам мукаммал бўлиши лозим. Совет ёзувчилари ўз ижодларини халқ блан янада маҳкам боғлашлари, унинг ҳаётини чуқур билишлари керак. Биз партиянинг ва унинг Марказий Комитетининг ёрдами блан ишимиздаги камчиликларни тугатамиз ва адабиётимизни коммунизм қурувчиларга муносиб қиламиз.

Ўртоқ **Георгиу-Деж** Руминия ишчи партияси, ишчилар синфи ва бутун румин халқи номидан с'езднн табриклайди. Ҳозир бўлган кишилар уни самимий кутиб олдилар. У айтадики, КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида ҳозирги замонда урушнинг олдини олишнинг, турли социал системалардаги давлатларнинг тинч тотув яшашларининг конкрет имкониятлари ҳақида, турли мамлакатларда капитализмдан социализмга ўтишнинг формалари ҳақида баён қилинган чуқур назарий қоидалар ва амалий хулосалар — буларнинг ҳаммаси тинчликни сақлаш учун, социал прогресс учун курашда ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Социалистик мамлакатларнинг халқлари Совет Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсат соҳасида эришган буюк ғалабаларини бутун социалистик лагерьнинг иқтисодий потенциалини мустаҳкамлашнинг, бу лагерьдаги мамлакатлар ўртасида қардошларча ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг ҳал қилучи фактори деб биладилар.

Ўртоқ Георгиу-Деж яна айтадики, Руминия меҳнаткашлари халқ-демократик тузум барпо этилгандан бери ўтган вақт ичида социализмнинг иқтисодий асосларини қуришда ҳал қилучи муваффақиятга эришдилар. Руминия ишчи партиясининг ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган с'езди социалистик саноатни янада тўхтовсиз ривожлантириш ва шу асосда қишлоқ хўжалигининг социалистик асосда қайта қурилишини та'минлаш вазифасини қўйди.

Руминия ишчи партияси румин халқи блан совет халқи ўртасидаги, румин халқи блан социалистик лагерьдаги барча халқлар ўртасидаги абадий, бузилмас дўстликни халқнинг бебаҳо бойлиги деб билиб сақламоқда. Партия бу улуғ дўстликни ривожлантирмоқда ва тинмай мустаҳкамламоқда. У меҳнаткашларни пролетар интернационализми руҳида ҳамда тинчлик, демократия ва социализм лагерини янада мустаҳкамлашда актив қатнашиш руҳида тарбиялямоқда.

Ўртоқ Георгиу-Деж Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езлига бу с'езд ишида чин кўнгиллан тўла муваффақият тилайди ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига, қудратли тинчлик, демократия ва социализм лагери шарафига, румин ва совет халқлари ўртасида абадий дўстлик ва қардошларча ҳамкорлик шарафига табрик хитоблари айтади.

17 февраль кечки мажлис

КПСС XX с'ездининг кечки мажлиси Ўртоқ **Я. Э. Калнберзин** раислиги остида ўтди.

Ўртоқ **И. Р. Раззоқов** (Киргизистон партия ташкилоти) КПСС Марказий Комитети ва Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокараларда сўзга чиқиб бундай деди: Н. С. Хрушчевнинг докладида партиямизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳала қилган буюк ижодий ишларининг якунлари тўпланди. мамлакатни янада тараққий этдириш перспективалари белгиланди. Кейинги йилларда амалга оширилган катта сиёсий ва иқтисодий тадбирлар социалистик тузумни мустаҳкамлашни, Совет давлатининг қудратини оширишни та'мин этди, халқнинг сиёсий активлигини кучайтирди. ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини, мамлакатимиз халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлади.

Киргизистон партия ташкилоти, деди Ўртоқ Раззоқов, ўз ишини яхшилади, аммо шундай бўлса ҳам ташкилий ишдаги камчилик ва нуқсонлари ҳали тугатган эмас. Республикада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кескин суратда кўпайтириш учун мавжуд бўлган катта имкониятлардан ҳали етарли даражада фойдаланилмаётир.

Ўртоқ **В. Червенков** минбарда пайдо бўлганида с'езд делегатлари уни қарсаклар блан кутиб олдилар. У, Болгария Коммунистик партияси ва Болгариянинг бутун халқи номидан XX с'езда, Совет Иттифоқи коммунистларига ва бутун қаҳрамон совет халқига қардошларча қизғин салом топширади.

— Бутун дун'ё меҳнаткашлари блан биргаликда болгар халқи ҳам, — дейди В. Червенков, — Совет Иттифоқининг кейинги йилларда ташқи сиёсат соҳасида ҳам, ички сиёсат соҳасида ҳам эришган жаҳоншумул-тарихий муваффақиятларидан асосидил кувонмоқда. Бизнинг партиямиз бутун дун'ё ишчилар синфи ва халқларининг улуғ устози Владимир Ильич Ленин ташкил этган ва дун'ёда энг қудратли ва энг доно бўлган партиядан та'лим олиб келди, та'лим олмоқда ва бундан кейин ҳам та'лим олади.

Азиз ўртоқлар ва дўстлар, Совет ҳукумати томонидан яқинда болгар халқига зўр саҳийлик блан яна ёрдам кўрсатилганлиги учун болгар халқининг энг самимий ташаккурини қабул қилгайсиз. Совет ҳукумати дўстлик ва мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик принципларига амал қилиб, трактор, комбайн, виндромуэрлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олиш учун, шунингдек машина-ускуналар, проект ишлари ҳақини ва азот-ўғит заводи ҳамда суперфосфат заводи қурилишида кўрсатиладиган техника ёрдами ҳақини тўлаш учун Болгария Халқ Республикасига энг қулай шартлар блан 370 миллион сўм миқдорида узоқ муддатли кредит берди. Бу ёрдам бизга қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришни тезлаштириш, қишлоқ хўжалиги тараққиётини янги босқичга кўтариш, қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини ва чорвачилик маҳсулдорлигини анча ошириш имконини берди.

Биз, Болгария коммунистлари шу с'езд ишларининг ленинча руҳда ўтаётганлигидан, с'ез дининг Совет Иттифоқи ва бутун социалистик лагерьнинг халқаро ҳамда ички аҳволи ҳақидаги анализга асосланиб берган баҳолари ва чиқарган хулосаларидан илҳомланиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ҳартомонлама буюк тажрибасидан ижодий фойдаланиб, марксизм-ленинизмнинг ғолиб та'лимотига амал қилиб, ўз ишимизни тинмай яхшилаш, социалистик қурилишга раҳбарликни юксак даражага кўтариш учун бутун кучларимизни сафарбар қиламиз.

Шундан кейин Ўртоқ **М. Ракоши** Венгрия меҳнаткашлар партияси ва венгер халқи номидан с'ездни табриклади. Залда ҳозир бўлган кишилар уни давомли қарсаклар блан кутиб олдилар.

— КПСС нинг XX с'езди, — дейди Ўртоқ Ракоши, — ҳозирги вақтда бутун прогрессив инсониятнинг диққат марказида турибди. Венгер халқи ҳам бу с'езнга жуда катта э'тибор қилмоқда. Венгрия меҳнаткашлар партияси ва венгер халқи Совет Иттифоқи халқларининг ўз Коммунистик партияси раҳбарлиги остида олтинчи бешйиллик планнинг барча буюк режаларини амалга оширажакларига аминдирлар.

Венгрия, дейди Ўртоқ Ракоши, Совет Иттифоқининг озодлик йўлидаги ғолибона кураши туфайли озодлик ва мустақилликка эришди. Асрлар бўйи қуллиқда яшаган Венгрия халқи ниҳоят, ўз бахт-саодати ва порлоқ истиқболини вужудга келтириш учун эркин меҳнат қилиш имконига эга бўлди. Шу сабабдан Венгриянинг бутун меҳнаткаш халқи Совет Иттифоқи халқларига ва Совет Иттифоқининг шонли Коммунистик партиясига миннатдорчилик ва муҳаббат туйғуларини изҳор қилмоқда.

Ўртоқ Ракоши сўзининг охирида бундай дейди:

— Марксизм-ленинизмнинг ғолиб идеялари байроғи остида ўтаётган КПСС XX с'езди Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг мустаҳкам бирлигини ва унинг жинслигини яққол кўрсатди ва шу блан барча прогресс интернационализми, халқларнинг қардошларча дўстлиги ҳаётбахш идеяларини ёркин ифода этди. Венгрия меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети номидан, бутун венгер халқи номидан Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езд чиқарадиган ҳамма қарорларни амалга оширишда катта муваффақиятларга эришувини чин кўнглимиздан тилаймиз.

Шундан кейин Ўртоқ **Г. М. Маленков** нутқ сўзлади.

Ўртоқ **Н. Г. Игнатов** (Горький область партия ташкилоти) ўз нутқида айтдики, бутун партия, бутун совет халқи Марказий Комитетнинг ҳисобот докладини олдимизда турган вазифаларни ҳал этишда ижодий илҳом бағишловчи қудратли бир манба' деб билади.

Партия ва Ҳукуматнинг доимий э'тибори натижасида, дейди Ўртоқ Игнатов, Горький область ишлаб саноат марказига айланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1913 йилдагига нисбатан 96 баравар кўпайди. Бизнинг областимизда бешинчи бешйилликда саноатни ривожлантириш йўлида олга қараб катта қадам қўйилди.

Ўртоқ Игнатов планлаштиришдаги камчиликларга тўхталиб ўтади. Горькийдаги автозавод 16 хил автомашина ишлаб чиқармоқда, лекин шу блан бирга заводга велосипедлар ва неча ўнлаб бошқа хил машиналар ишлаб чиқариш ҳақида топшириқлар берилмоқда. Заводнинг фақат автомобильлар ишлаб чиқаришини та'минлаш учун ани ана шундай заказлардан халос қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

С'езд 18 февральда ўз ишини давом этдиради.

* * *

Шу кунларда Коммунистик партиянинг XX с'езди номига неча юзлаб табрик телеграммалари ва хатлар олинмоқда. Ана шу телеграмма ва хатларнинг ҳарбири совет халқининг ўз жонажон партиясига чексиз муҳаббатини, Советлар мамлакатидаги янги халқ оммасининг Коммунистик партия блан мустаҳкам бирлигини ифода этади.

Совет кишилари с'ездолди мусобақасида олган мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида с'ездга рапорт бермоқдалар, олтинчи бешйиллик топшириқларини муддатидан илгари бажаришга тайёр эканликларини билдирмоқдалар. Масалан, Оржоникидзе номли Старо — Краматорск заводи коллективининг телеграммасида токарь Николай Япур ташаббуси блан корхонада меҳнат унумдорлиги юзасидан бешйиллиннинг охирига мўлжалланган даражага муддатидан илгари эришиш йўлидаги мусобақа кучайиб кетганлиги айтилади.

Россия Федерацияси, Украина, Ўзбекистон ва бошқа иттифоқчи республикаларнинг колхозчилари, совхоз ва МТС ходимлари қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтиришга қат'ий бел боғлаганликлари тўғрисида ёзадилар.

С'езд номига олинган бошқа жуда кўп табрикномалар орасида Донбасс шахтёрларидан, совет Антарктида экспедицияси қатнашчиларидан, Ҳиндистонга боратган «Ким» теплоходи экипажидан, Каховка ГЭСи қурувчиларидан олинган телеграммалар ҳам бор. (ТАСС).

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети ва ўртоқ П. Г. Москатовнинг КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар

Ўртоқ М. А. СУСЛОВ нутқи

Ўртоқлар!

Ўртоқ Хрушчев ўз докладида партиямизнинг ҳисобот давридаги ишини, унинг ўз Марказий Комитети раҳбарлиги остида эришган жуда катта муваффақиятларини ёркин, чуқур ва тўла-тўкис қилиб гапириб ўтди, коммунизмнинг янги ғалабалари учун курашда партия олдида турган вазифаларни баён қилиб берди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети қилган ишларнинг натижалари ҳаммага яққол кўриниб турибди. Партия с'езди, бутун партиямиз ва барча совет кишилари шу натижаларга ҳартомонлама баҳо берганларида бу натижалар блан фахрланишга ва бу натижаларни чуқур мамнуният ҳислари блан ма'қуллашга тўла равишда ҳақлидирлар. (Қарсаклар).

Марказий Комитетимиз партиянинг XIX с'езди блан XX с'езди ўртасидаги даврда ўзи ҳал қилган жуда катта вазифалар юксаклигида турди, у ички сиёсат соҳасида ҳам, шунингдек ташқи сиёсат соҳасида ҳам партиянинг тўғри, чинакам ленинча бош йўлини ўтказиб келди. (Қарсаклар).

Ленин та'лим бериб айтган эдики, партия қарқайси пайтнинг талабларини ҳисобга олиб борганидагина, турмушнинг талабларига сезгирлик блан қулоқ солганидагина унинг сиёсати муваффақиятга олиб келиши мумкин. Агар ҳисобот даврига шу нуқтаи назардан қаралса, шуни айтиш мумкинки, партия ўз Марказий Комитетининг бошчилигида шу йиллар ичида турмушга, халққа айниқса яқин бўлиб турди, ички ва ташқи вазиятга баҳо бериш алоҳида зийраклик блан иш олиб борди, вақтнинг етилган эҳтиёжларини тўғри пайқаб турди, хўжалик масалаларини ҳам, шунингдек сиёсий масалаларни ҳам ижодий ҳал қилди.

Марказий Комитетнинг ҳисобот доклади партиянинг XIX с'езидан кейин мана шундай ижодкорлик, жанговарлик руҳи блан ишлаганлигини, Марказий Комитетнинг жуда катта активлигини ва ташаббускорлигини тўлиқ акс этдиради. Марказий Комитетимиз партияни ва совет халқини партия сиёсий йўлини амалга оширишга моҳирлик блан сафарбар қилди. (Қарсаклар).

Докладда мамлакатимиздаги ва халқ-демократияси мамлакатларидаги социализм қурилишининг улуғвор якунлари, бутун дун'ёдаги прогрессив кучларнинг халқаро кескинликни юмшатиш учун, халқларнинг миллий мустақиллиги ва демократик ҳуқуқлари учун, мустаҳкам тинчлик ва умумий хавфсизлик учун олиб борган курашнинг якунлари баён қилинди. Мамлакатимиз меҳнаткашлари учун, бутун дун'ёдаги илғор кишилар учун докладда келтирилган рақамлар ва фактлар, унда ривожлантирилган назарий қоидалар ва сиёсий хулосалар тинчлик, демократия ва социализм ишининг албатта тантана қилишига бўлган ишончнинг янги манбаи бўлади.

Шу блан бирга, Марказий Комитетнинг ҳисобот доклади ленинизм традицияларини тўла равишда давом этдириб, ишимизда бўлган камчиликларни, заифликларни ва ҳал этилмаган вазифаларни партиядан ҳам яширмади. Бу ҳол партиямизнинг эришилган муваффақиятлар блан ҳотиржам бўлиб қолмаганлигини, ўз олдига янги, жуда катта вазифаларни қўяётганлигини кўрсатади. Қилинган ишларга танқидий баҳо бериш — большевикча раҳбарликнинг муқаррар шартидир. Фақат шундай қилганларгина ишда тўғрилик бўлишига йўл қўймаслик ва янги, энг яхши натижаларга, илғорликка интилиб муттасил олга боришни та'минлаш мумкин. Улуғ Ленин бизга шундай деб ўргатган эди.

«Ҳамма гап шундаки, биз илгариги тажрибамиз натижасида ҳосил бўлган моҳирлигимиз блан қаноатланмасдан, **албатта, олга қараб** боришимиз, **албатта кўпроқ** натижаларга эришаборишимиз, албатта енгилроқ вазифалардан оғирроқ вазифаларга ўтаборишимиз керак. Бусиз умуман ҳеч қандай прогресс бўлиши мумкин эмас, социалистик қурилишда ҳам прогресс бўлиши мумкин эмас» (Асарлар, 28 том, 200 бет).

Мустаҳкам тинчлик учун, социализм учун курашда

Ўртоқлар! Ҳозирги замон халқаро ривожланишнинг хусусиятларини ва бутун инсониятнинг илғор кучлари олдида турган вазифаларни чуқур тушуниш Совет давлатининг ташқи сиёсати соҳасида партиямизнинг ҳисобот даврида кучайиб кетган жуда катта активлигини белгилаб берди. Шу йилларда бутун дун'ё халқларини ҳаяжонлантирган битта ҳам муҳим халқаро проблема йўқки, бу проблема устида Совет Иттифоқи ўз сўзини айтмаган бўлсин, уни ҳал қилишга ўзининг катта ҳиссасини қўшмаган бўлсин.

Бу соҳада партия тинчликнинг тақдири ҳал қилинишига боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳаммасини ҳал қилишни амалий, конкрет ташкил этишга интилиб, актив, етакчи куч позициясида турди. СССРнинг актив тинчлик сиёсати олиб борганлиги ва барча тинчликсевар мамлакатларнинг биргаликда ҳаракат қилишлари натижасида кўп масалаларни ҳал қилишда анча олдинга силжишга муваффақ бўлинди. Совет Иттифоқининг бошқа масалалардаги таклифлари ҳозирги кунда энг реалистик, конструктив таклифлар бўлиб турибди. Бу масалалар шу вақтгача ҳал қилинмаган экан, бунга биз айбли эмас.

Совет давлатининг партия томонидан ишлаб чиқилган ташқи сиёсати чуқур принципиаллик блан ва айни вақтда максимал пишиқлик блан ўтказилиб келинди. Совет Иттифоқи айрим давлатларнинг бошқа давлатларга нисбатан ўз ҳоҳишларини зўрлаб қабул қилдириш йўлидаги ҳарқандай уринишларига қат'иян зарба бериб, айни вақтда манфаатларни ўзаро ҳисобга олишга асосланадиган битимларга келишга ўзининг тайёр эканлигини ҳам кўрсатди.

Совет Иттифоқи ва тинчликсевар бошқа кучларнинг актив кураши икки муҳим натижага олиб келди. Биринчидан, кўп йиллар мобайнида биринчи марта халқаро кескинликни муайян равишда юмшатишга эришилди. Ҳозир ер юзида уруш бораётган битта ҳам район йўқлигининг ўзи халқаро вазиятда нақадар катта силжишлар бўлганлигини кўрсатади. Иккинчидан, тинчлик, демократия ва социализм кучларининг ривожланиши анча мустаҳкамланди. Совет Иттифоқининг ва бутун социализм лагерининг халқаро миқ'ёсдаги обрўси ва та'сири ғоят ошди. Айни вақтда империалистик лагерьнинг позициялари анча заифлашди. Энди буни АҚШнинг собиқ давлат секретари Ачесон жаноблари сингари кишилар ҳам э'тироф қилишга мажбур бўлмоқдалар. «Вашингтон пост энд Таймс геральд» газетасининг яқинда берган хабарида айтилишича, яқинда Ачесон жаноблари бундай деган: «агар биз атрофимизга қайрилиб қарасак, ўтган бирнеча йиллар ичида бўлиб ўтган воқиалар аҳволни бизнинг зararимизга ўзгартирмаган бирор районни топишимиз қийин».

Кейинги вақтларда, Совет Иттифоқининг Осиёдаги тинчликсевар давлатлар блан дўстона алоқалари ва ҳамкорлиги кенгайиб кетгач тинчлик иши янада кўпроқ мустаҳкамланди. Капиталистик мамлакатларнинг ўзларида ҳам тинчлик кучлари ўсди. Буни масалан Францияда яқинда бўлиб ўтган сайловларнинг якунлари кўрсатиб турибди. Бу сайловларда сўл партиялар халқ оммаси орасида ҳам, шунингдек парламентда ҳам ўз позицияларини анча кенгайтирдилар ва мустаҳкамлаб олдилар.

Эришилган натижалар блан ҳотиржам бўлиб қолиш нотўғри бўлур эди, албатта. Халқаро кескинликнинг юмшайбошлаганлигини мустаҳкам тинчликка айлантирмоқ учун ҳали кўп иш қилиш керак бўлади. Халқларнинг тинчлик учун кураши янги босқичга кўтарилиши мумкин ва лозим, Ғарбдаги ба'зи доиралар «совуқ муносабатлар урушини» яна бошлаб юборишга уринаётганликлари сабабли айниқса шундай қилиш керак.

Совет Иттифоқига келганда, у социалистик системанинг капиталистик система блан тинч тотув бўлиб яшаши мумкинлиги ҳақида Ленин берган кўрсатмага аввалгидек амал қилиб келмоқда ва халқаро кескинликни янада юмшатмоқ ва тинчликни мустаҳкамламоқ учун ҳормай-толмай кураш олиб бормоқда, чунки бундай кураш олиб бориш халқларимизнинг манфаатларига, социализм манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушади.

Ички ва халқаро ривожланишнинг туб масалалари с'ездда муҳокама қилинаётганлиги нуқтаи назаридан қараганда, бугунги курашимизнинг тарихий моҳияти бизга яна ҳам равшанроқ бўлиб кўринади. С'езд бизнинг замонамизда, халқлар ҳаётида улуғ силжишлар бўлаётган замонда, империализм системаси емирилаётган ва жаҳон социализм системаси қарор топаётган замонда воқиалар қай томонга қараб ривожланаётганлиги ҳақидаги тушунчамизни чуқурлаштиради.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев докладида қўйилган ҳозирги халқаро ривожланишнинг принципиал масалалари, я'ни икки системанинг тинч тотув бўлиб яшаши, ҳозирги замонда урушларнинг олдини олиш мумкинлиги, турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари ва социал-демократик партияларга муносабат тўғрисидаги масалалар жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бу масалаларнинг Ўртоқ Хрушчев докладида ёритилиши улуғ марксизм-ленинизм та'лимотини ижодий татбиқ қилиш ва ривожлантиришнинг конкрет намунасидир. Ўртоқ Хрушчев ҳозирги халқаро вазиятга ва урушдан кейинги даврда халқаро вазиятда рўй берган жаҳон-шумул тарихий ўзгаришларга маркса баҳо беришга асосланиб, партиямиз, қардош коммунистик партиялар ва бутун халқаро ишчилар ҳаракати тўплаган янги тажрибаларни умумлаштиришга асосланиб барча мамлакатлар халқларини қизиқтираётган энг ҳаётий масалаларга ишончли далиллар блан жавоблар берди. (Қарсаклар).

Ўртоқ Хрушчев кўрсатиб ўтганидек, урушларнинг муқаррарлиги масаласи биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари олдидан қўйилганига қараганда ҳозирги тарихий вазиятда бошқача қилиб янги тарзда қўйилиши лозим. Ҳозирги вақтда жаҳон миқ'ёсидаги кучларнинг нисбати уруш фойдасига эмас, балки тинчлик тарафдорлари фойдасига тубдан ўзгарди. Албатта, модомики, империализм мавжуд экан ҳозирги вақтда ҳам урушларнинг пайдо бўлиши учун иқтисодий негиз мавжуддир, энг реакцион монополист доиралларнинг айниқса социализм мамлакатларига қарши ҳарбий авантюралар бошлаб юборишлари мумкин деган хавф олиб ташланмайди. Шу сабабли, бу соҳада ҳеч қандай бегамликка йўл қўймаслик керак, мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш масалаларига берилаётган э'тиборни бўшаштиришга асло йўл қўймаслик лозим. Аммо, эндиликда урушлар бўлиши мутлақо муқаррар деб ўйлашга ўрин қолмали. Ҳозир янги тарихий шароитда қудратли кучлар бор. Бу кучлар империалистларнинг уруш бошлаб юборишларига йўл қўймаслик учун жиддий воситаларга эгадир, аммо империалистлар ҳарҳолда уруш бошлашга уринсалар — агрессорларни тор-мор келтириш ва уруш блан бирга капиталистик тузумни ҳам гўрга тиқиш учун, аҳолининг катта кўпчилиги бўлган меҳнаткашларни шафқатсиз эксплуатациядга, ҳақиқатда ҳуқуксизликка ҳамда очлик ва қашшоқлик кулфатларига мубтало қилиш блан кифояланмай, уларни вақти-вақти блан мудҳиш, қонли урушлар гирдобига тортаётган ижтимоий тузумни гўрга тиқиш учун жиддий воситаларга эгадир. (Давомли қарсаклар).

Ҳукмрон империалистик доиралар ҳам янги тарихий шароит блан ҳисоблашмасликлари мумкин эмас. Шундай бўлса ҳам, барибир, ҳарбий агрессиянинг олдини олиш ўз-ўзидан автоматик равишда бўлмайди. Бунга фақат тинчлик учун қат'ий кураш олиб бориш блангина эришиш мумкин. Бундай курашда барча тинчликсевар кучлар уруш ва агрессия хавфига қарши уюшган ҳолда ва жуда катта активлик блан ҳаракат қилишлари, уруш игвогарларига нисбатан ҳуш'ёрлик кўрсатишлари, уларнинг кирдикорларини ўз вақтида очиб ташлашлари ва халқларни сафарбарликка тайёр ҳолда сақлаб туришлари керак бўлади.

Ҳозирги замонда урушлар мутлақо муқаррар эмаслигини, уларнинг олдини олиш мумкин эканлигини англашнинг ўзи, шубҳасиз тинчлик тарафдорларининг сафларини янада кенгайтиришга ёрдам берали ва тинчлик учун курашаётганларнинг ҳаммасини янда ҳам кўпроқ руҳлантиради.

Ўртоқ Хрушчев докладида турли мамлакатларда социализмга ўтиш формаларининг хилма-хил бўлиши мумкинлиги тўғрисида айтилган фикрлар ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Халқаро вазиятдаги жаҳоншумул-тарихий ўзгаришлар эндиликда мустаҳкам тинчлик йўлида кураш олиб бормоқ учун яна ҳам қулайроқ шароит вужудга келтириб қолмасдан, шу блан бирга социализм йўлида қурашмоқ учун, носоциалистик мамлакатларнинг социализмга ўтиши учун ҳам янада қулай шароит вужудга келтирди ва шу блан бирликда турли мамлакатларда социализмга ўтиш формаларининг хилма-хил бўлишига ҳам ёрдам беради.

В. И. Ленининг баҳорат қилиб айтган фикрларини, я'ни социализмга олиб борадиган асосий ва бош йўллар яхлит ва умумий бўлгани ҳолда, турли мамлакатларда социализмга ўтиш ончалик бирхилда бўлмайди, ҳарқайси миллат демократиянинг у ёки бу формасига, пролетар диктатурасининг у ёки бу турига, ижтимоий ҳаётнинг турли жиҳатларини социалистик тарзда ўзгартиришнинг у ёки бу хилдаги сур'атларига ўзига хос хусусиятларни киритади, деб айтган фикрларини эндиликда бирқанча мамлакатларда социалистик тузумнинг тўғилиши ва ривожланиши соҳасида ҳосил қилинган тарихий тажриба батамом тасдиқлади.

Бу тажриба шуни тасдиқладики, социализмга ўтишни та'минлаш ишчилар синфининг ўз раҳбар қисми бошчилигида давлатга сиёсий раҳбарлик қилишини талаб этади. Революцион марксистларнинг реформистлардан асосий фарқи шуки, революцион марксистлар социализмга ўтишнинг мана шу асосий ва ҳал қилучи шартини э'тироф қиладилар. Конкрет шароитларга қараб, қисқароқ ёки узоқроқ муддатларда капиталистлар синфини ишлабчиқариш воситаларига эгалик қилишдан маҳрум этмоқ ва ишлабчиқариш воситаларини ижтимоий мулкка айлантирмоқ, ағдарилган эксплуататор синфлар томонидан капитализмни тиклаш мақсадида қилиниши мумкин бўлган ҳамма уринишларга зарба беришни ташкил этмоқ, социалистик қурилишни ташкил этмоқ учун ишчилар синфининг давлатга сиёсий раҳбарлик қилиши зарурдир.

Шу блан бир вақтда, турмуш шуни тасдиқладики, социалистик мамлакатларнинг ҳарқайсисида асосий ва энг муҳим масалаларда бирлик бўлгани ҳолда, шу мамлакатларнинг тажрибалари ва ёрдамларидан, айниқса Совет Иттифоқининг тажрибалари ва ёрдамларидан ўзаро қардошларча фойдаланиб турилгани ҳолда, ишчилар синфининг давлат ҳокимиятида ҳал қилучи куч бўлиб қатнашувига эришишда ҳам, шунингдек социалистик қурилиш ишида ҳам ўзига хос кўпгина ижодий хусусиятлар рўёбга чиқди.

Шундай бир савол туғилиши табиийдир: Хўш, келгусида қандай бўлади, социализмга ўтишнинг янги формалари бўлиши мумкинми? Бу масала биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Халқларнинг социализмга интилаётганлигини асло тўхтатиб бўлмайди, социализм идеяларининг ўзига тортиш кучи қуёш-кун ўсмоқда ва бу куч мамлакатимизда, Хитойда, барча халқ-демократик мамлакатларда янги муваффақиятлар қўлига киритилган сари яна ҳам кўпроқ ортаверади. Бу вазиятда кўпгина мамлакатларнинг илғор кишилари ўз мамлакатларидаги халқларнинг социализмга қандай йўллар блан ўтиши тўғрисида ўйламасликлари мумкин эмас.

Ўртоқ Хрушчев бу жуда муҳим масалага жуда тўғри марксистик жавоб берди. Бундан буён капиталистик мамлакатларда социализмга ўтишнинг ўзига хос бўлган янада кўпроқ хусусиятлари бўлиши мумкинлигга, социализмга ўтишнинг янгиланган формалари келиб чиқиши, бу формаларда ҳозирги тарихий вазиятнинг анча қулай бўлган умумий шароитлари ҳам, шунингдек, шу мамлакатларнинг ҳарқайсисидаги конкрет хусусиятлар ҳам акс этиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Шу блан бирга, ҳамма вазиятларда ҳам социализмга ўтиш муқаррар граждан уруши воситаси блан бўлади, деб да'во қилиш нотўғри бўлур эди. Бунда кўп парса ҳам мамлакат ичидаги, ҳам халқаро миқ'ёсдаги кучларнинг нисбатига, революцион синфларнинг уюшқоклиги ва онглилигига, қай даражада эканлигига, реакцион синфларнинг қаршилик кўрсатиш кучига боғлиқ бўлади. Россия пролетариати ўз мамлакатидаги революцион ўзгаришга раҳбарлик қилганида, у империалистик давлатларнинг бирлашган фронтига дуч келган эди. Ҳозирги вақтда бошқа мамлакатлардаги илғор кучлар бу соҳада анча қулай перспективаларга эгадирлар. Ҳозирги вақтда капиталистик мамлакатларнинг ўзларида ҳам янги шароитлар мавжуддир. Шу мамлакатларда тинчликни, демократик эркинликларни, миллий мустақилликни ҳимоя қилиш сингари масалалар сиёсий курашнинг марказида турибди. Бундай шароитда ишчилар синфи ва унинг сиёсий партиялари миллатнинг катта кўпчилигини — деҳқонларни, майда буржуазияни, интеллигенцияни ва ҳатто буржуазиянинг ватанпарварлик кайфиятидаги доираларини яхлит демократик платформа асосида ўз теварагида бирлаштирмоқ учун тўла имкониятга эгадир. Бу эса, шубҳасиз, ишчилар синфининг ғалаба қозониш шароитини енгилдантиради.

Бироқ, шундай шароитда ҳам бирқанча капиталистик мамлакатларда, я'ни реакцион кучлар ва ҳарбий полиция машинаси айниқса кучли бўлган бирқанча капиталистик мамлакатларда социализмга ўтиш вақтида эксплуататор синфлар қутуриб қаршилик кўрсатадилар, шу сабабли ишчилар синфининг революцион кураши ўткирлашади. Шу блан бир вақтда реакцион кучлар ва ҳарбий-полиция машинаси унчалик кучли бўлмаган бошқа ба'зи капиталистик мамлакатларда социализмга кўчишда революцияларнинг осойишталик блан ўтиши ҳам мумкин. Жумладан, ишчилар синфининг парламентда кўпчиликни ташкил этиши ва парламентни амалда халқ парламентига айлантириш йўли блан қонунларни тинчлик блан қўлга киритиши ҳам мумкин. Пролетариатнинг, меҳнаткаш деҳқонларнинг, интеллигенциянинг ва аҳоли орасидаги барча прогрессив табақаларнинг оммавий революцион ҳаракатига таянучи бундай парламент реакцион кучларнинг қаршилигини синдириб, жамиятни социалистик асосда қайта қуриши мумкин.

Коммунизм душманлари коммунистларни қуролли қўзғолонлар, зўрлик қилиш ва граждан урушлари қилиш тарафдорлари қилиб тасвирлайдилар. Ҳамма вақт ва ҳамма ҳолларда бундай тасвирлаш ишчилар синфининг вакиллари бўлган коммунистларга ва ишчилар синфининг ўзига қилинган бема'ни туҳматлир. Коммунистлар ва ишчилар синфи, ўз-ўзидан ма'лумки, бир ижтимоий системадан иккинчисига ўтишнинг энг осон формаларини афзалроқ кўрадилар. Бироқ, Ўртоқ Хрушчев бу ерда кўрсатиб берганидек, бу ўтишнинг формалари конкрет тарихий шароитга боғлиқ бўлади, бунда осойиштароқ ёки озлир-кўплир зўрлик ишлатиладиган методларнинг қўлланилиши ишчилар синфига боғлиқ бўлишдан кўра кўпроқ ҳокимият тепасидан ағдариб ташланаётган, ўз қўлларида бўлган йирик мулкдан, сиёсий ҳокимиятдан ва бошқа имтиёзлардан ихтиёрий равишда ажралиб қолишни истамаётган эксплуататор синфларнинг қай даражада ва қай формада қаршилик кўрсатишларига боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда социал-демократик партияларга қандай муносабатда бўлиш масаласида партиямизнинг принципиал позицияси Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида баён қилиб берилган.

Ҳеч шубҳасиз, халқларнинг бутун кучлари янги уруш хавфига қарши курашиш учун бирлаштирилиши лозим бўлган шароитда халқаро ишчилар қаракатини парчалаб юборишга айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Турмуш биз социал-демократлар билан фикр алмашиш мумкин бўлган бирқанча катта масалаларни келтириб чиқармоқдаки, бинобарин, шу масалалар устида улар блан амалий алоқалар боғлаш, яқинлашиш ва ҳамкорлик қилиш учун имконият туғилмоқда. Бундай имконият шундан келиб чиқмоқдаки, ҳозирги замон шароитида ишчилар ҳаракати олдида тинчликни, миллий эркинликни ва демократияни ҳимоя қилиш сингари вазифалар асосий вазифалар бўлиб турибди. Кўпгина капиталистик мамлакатларда ишчилар оммаси кучли равишда сўллашиб бораётир. Социалистик партиялар, христиан касаба союзлари ва бошқа ташкилотлардаги оддий а'золарнинг жуда катта кўпчилиги тинчликка тарафдор кайфиятдадирлар.

Бирлик идеяси ишчилар синфининг турли отрядларини тобора кучли равишда ўзига тортаберади ва амалий натижаларга олиб келади дейиш мумкин. Бироқ, бу парса ўзибўларчилик блан бўлмайди, буни рўёбга чиқариш эса кўп жиҳатдан бизларга, коммунистларга, бизларнинг

Ўртоқ М. А. СУСЛОВ нутқининг охири

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

ишларини қанта қуришга чақирди ва жуда катта ташкилотчилик ишлари олиб борди. Далил айтиш мумкинки, индустриялаш ва коллективлаш ўтказилган вақтдан бери партиямиз ҳозирги вақтда мамлакатимизда ўтказаётган хўжалик тадбирларидек катта тадбирларни амалга оширган эмас. Мамлакатдаги экин майдонларини икки йил ичида 30 миллион гектардан ҳам зиёдроқ кўпайтиришга, я'ни Европадаги бирнеча давлатларнинг ҳаммасида бўлган экин майдонига тенг келадиган миқдорда кўпайтиришга муваффақ бўлганлигимизнинг ўзи эндиликда партиямиз жуда катта вазифаларни уддалайолишини кўрсатади.

Партия томонидан олиб борилган жуда катта ишлар ўзининг самараларини бермоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасида дон, техника экинлари етиштиришни кўпайтиришда ва чорвачиликни ривожлантиришда биринчи катта қадам қўйилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни мамлакатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондирадиган миқдорда яқин йиллар ичида кескин равишда кўпайтирмоқ учун шароит вужудга келтирилди. Саноат соҳасида бешинчи бешйилликнинг тўрт йилу тўрт ойда бажарилганлиги ҳам халқ хўжалигимизнинг бу тормоғида нақадар катта резервлар очилаётганлигини кўрсатади.

Эндиликда биз эришилган муваффақиятларга таяниб жуда катта янги вазифаларни қўйишимиз мумкин. Эндиликда биз бутун халқ хўжалигининг фундаменти бўлган фақат оғир саноатнигина тез сур'атлар блан ривожлантириб қолмасдан, шу блан бирга халқ истe'мол қиладиган буюмлар ишлаб чиқаришни ҳам тез сур'атлар блан ривожлантиришимиз, ижтимоий бойликни ҳаҳа купайтиришимиз ва шу асосда халқ оммасининг фаровонлигини жиддий равишда кўтаришимиз мумкин. С'езднинг олтинчи бешйиллик план тўғрисидаги Директивалари проектида мана шу вазифалар қўйилган. Олтинчи бешйилликни амалга ошириш натижасида социалистик экономикада янги муваффақиятлар қўлга киритилади, халқ истe'мол қиладиган буюмларни мўл-кўл қилиб яратишда, коммунизм қуришда мамлакатимиз янги катта қадам қўяди.

Ўртоқлар! Олтинчи бешйилликда совет кишиларининг турмуш ва тирикчилик шароитини янада яхшилаш соҳасида партия Марказий Комитети томонидан белгиланган ва Ўртоқ Хрушчев айтиб ўтган тадбирларни: олтинчи бешйилликда ҳамма ишчилар ва хизматчилар учун етти соатлик иш кунига ўтиш, кўмир ва кон-руда саноатида, ер остидаги ишларда ишловчи етакчи касбдаги ишчиларни, шунингдек ўсмирларни, уларнинг ишқаҳини камайтирмасдан туриб, олти соатлик иш кунига ўтказиш, шанба ва байрам олди кунларида яқин фурсатларда иш кунини икки соат қисқартириш, ишчилар ва хизматчиларнинг кам ҳақ тўланаётган группалари олаётган ишқаҳини ошириш, пенсия тўлаш ишини тартибга солиш, уй-жой бинолари қуришни кескин равишда (бешинчи бешйилликдагига нисбатан икки баравар) кенгайтириш, ошхоналарнинг ва маиший хизмат кўрсатадиган бошқа муассасаларнинг ишларини яхшилаш бошқа тадбирларини совет халқи баланд руҳ ва янги меҳнат кўтаринкилиги блан кутиб олади. Мана шу тадбирларнинг ҳаммаси совет кишиларининг фаровонлигини янги босқичга кўтаради. Партия ҳамма тўғрисида гамхўрлик қилмоқда: меҳнаткашлар, умидимиз ва келажагимиз бўлган ёшлар, меҳнат ветеранлари, хотин-қизлар, болалар тўғрисида, ҳарбир киши тўғрисида гамхўрлик қилмоқда, зотан социалистик жамиятда шундай бўлиши керак.

Белгиланган тадбирлар тўғрисида чет мамлакатларда кўп фикрлар баён қилинмоқда. Соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси биз блан бирга қувонмоқда. Лекин буни ёқтирмаётган кишилар ҳам бор. Янги совет бешйиллик планининг э'лон қилиниши ба'зи доираларда норозилик туғдирди. Бу доиралар навбатдаги совет бешйиллик плани бажарилишига энди шубҳаланмайдилар. Эндиликда буни ҳамма э'тироф қилмоқда. Лекин уларни кўрқитаётган бошқа бир нарса бор. АҚШ олий судининг а'зоси У. Дуглас яқинда бу тўғрида ўз фикрини дангал айтди. «Агар Россия, — деди у,— лоақал ҳатто 10 йилга бўлса ҳам тинчликка эришаолса, у бу блан ўз мамлакатидаги турмуш даражасини анча ошириши мумкин. Бу блан у, Оснёга, шунингдек Европага ҳам жуда катта та'сир қилиши мумкин... Кулиб турган. тинч, яйраб-яшнаётган Россия энг мушкул халқаро проблема бўлади».

Дуглас жаноблари икки социал системанинг тинч иқтисодий мусобақа қилишини кўриб жуда безовта бўлмоқда ва биз уни тинчлантирмоқчи эмасмиз. Фақат шуни айтиб ўтиш керакки, тинч, яйраб-яшнаётган Россия бутун дун'ёдаги оддий меҳнаткаш кишилар учун асло «мушкул халқаро проблема» бўлмайди, чунки бу меҳнаткаш кишилар Совет Иттифоқи меҳнаткашларининг муваффақиятларини улуғ тинчлик, демократия ва социализм ишининг ғалабаси деб қаҳли равишда ҳисоблаб қолдалар. (Давомли қарсаклар).

Олтинчи бешйиллик икки системанинг тинч йўл блан иқтисодий мусобақа қилишида муҳим босқич бўлади. Бу босқичнинг хусусияти шундан иборатки, СССРнинг асосий иқтисодий вазифасини, я'ни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг миқдори жиҳатидан энг тараққий қилган капиталистик мамлакатларга етиб олиб, улардан ўзиб кетиш вазифасини тарихий энг қисқа муддат ичида ҳал қилмоқ учун энди Совет мамлакатида бутун зарур шарт-шароит бор.

Бунинг учун эса биз мамлакатнинг бутун халқ хўжалигини янги, янада юқори техника даражасига ўтказишимиз, меҳнат унумдорлигини жиддий равишда оширишимиз лозим. Капитализм блан мусобақада социализмнинг биринчилигини та'миналмоқ учун ҳозирги вақтда талаб қилинаётган энг асосий нарса мана шудир. Шу муносабат блан ишлабчиқариш экономикаси масалалари ҳарқачонгидан кўра ҳам аҳамиятлироқ бўлиб қолади.

Хўжалик раҳбарлиги, министрликларнинг ишлари, корхона раҳбарларининг, колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг ишлари янги даражага кўтарилиши лозим.

Бу шароитда партия ташкилотларининг ишларига ҳам алоҳида талаблар қўйилади.

Бизнинг партиямиз ўзининг XX с'ездига ҳарқачонгидан кўра яхлит бўлиб ва жипслашган ҳолда келди. Партиянинг тўғри сиёсий йўли, партиянинг меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб қилаётган ишидаги битмас-туганмас ғайрати бутун совет халқини партия теварагида ҳарқачонгидан кўпроқ жипслаштирди, ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини ва мамлакатимиз халқларининг бузилмас улуғ дўстлигини яна ҳам кўпроқ мустаҳкамлади.

Партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлиги партия кучи ва мустаҳкамлигининг асосий шартидир ва шу блан бир вақтда партия эришаётган барча муваффақиятларнинг манбаидир. Коммунистик партия ўз сафларининг бирлиги туфайлигина ташқи ва ички сиёсат масалаларини муваффақиятли ҳал қилаолди, хўжалик ва маданий қурилишга муваффақиятли раҳбарлик қилаолди.

Партия ҳаётининг Ленин ишлаб чиққан қоидалари ва партиявий раҳбарлик принципари XIX с'ездга қадар кўпинча бузилиб келган эди, шу қоидалар ва принципларнинг тикланганлиги партия бирлигининг мустаҳкамланишига ва партия активлигининг, ташаббускорлигининг ва жанговарлик қобилиятининг ўсишига кўп даражада ёрдам берди.

Шахсга сиғиниш назарияси ва практикаси марксизм-ленинизмга бутунлай ётдир. XIX с'ездга қадар бўлиб келган мана шундай шахсга сиғиниш назарияси ва практикаси партиянинг ҳам ташкилий, ҳам идеология ишларига анча зарар етказди. Бу зарарли назария ва практика халқ оммасининг ролини ва партиянинг ролини пасайтирди, коллектив раҳбарликни камситди, партия ички демократиясига путур етказди, партия а'золарининг активлиги, ташаббуси ва ижодкорлигининг ўзага чиқишига йўл бермади, айрим кишиларнинг ишларида контрольсизликка, мас'улиятсизликка ва ҳатто ўзбошимчаликка олиб келди, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга халақит берди ва масалаларнинг бирёқлама, ба'зан хато ҳал қилинишига сабаб бўлди.

Коллектив бўлиб раҳбарлик қилишнинг ленинча принципи тикланганлиги партия қурилиши асосларининг асосини тиклаш демакдир. Дарҳақиқат, бизнинг партиямиз жонли, ижодкор ташкилотдир. Коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш, партия органларининг сайланиб қўйилиши ва ҳисоб бериб туриши, танқид ва ўз-ўзини танқид — мана шуларнинг ҳаммаси ташаббус кўрсатишни, ишдаги хатолар ва камчиликларни очиб ташлашни, шу камчиликларни йўқотиш йўлларини топишни, коммунистларнинг активлигини ривожлантиришни та'минлайдиган муҳим шартлардир.

Марказий Комитетдан тортиб бошланғич партия ташкилотларигача ҳамма босқичларда коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш принципи ҳозирги вақтда муваффақият блан тикланаётганлигини танқид ва ўз-ўзини танқиднинг тобора кўпроқ авж олаётганлиги, партия органларида энг муҳим масалалар ҳақиқатан коллектив бўлиб муҳокама қилинаётганлиги ва ҳал қилинаётганлиги кўрсатиб турибди. Ҳеҳбир шаксшубҳасиз шуни айтиш мумкинки, Марказий Комитетда коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш принципи тўла равишда тикланди. Энг муҳим масалаларнинг ҳаммасини ҳал қилиш Марказий Комитетнинг мунтазам равишда тўпланиб турадиган Пленумига— кенг миқ'ёсда коллегиал бўлиб иш олиб борадиган, коммунистик жамият қурилишнинг ҳал қилучи участкалари блан чамбарчас боғланган партиявий марказ қўлига ўтди. Марксизм-ленинизмга таяниб иш олиб бораётган Марказий Комитетнинг коллектив тажрибаси партия ва мамлакатга тўғри раҳбарлик қилишни, партия сафларининг бузилмас бирлигини та'минлайди. (Қарсаклар).

Шахсга сиғинишнинг зарарли назарясини ва практикасини тўла равишда тугатишга ва барча партия органларининг ишларида коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш принципини қат'ият блан ўтказишга эришмоқ керак. Ҳарбир партия ходими коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш принципини охиригача тушуниб олиши лозим, чунки коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш партия бирлигининг, тўғри сиёсат ишлаб чиқишнинг ва бу сиёсатни муваффақиятли амалга оширишнинг, кадрларни тўғри тарбиялаш ва бутун партия ишини янги босқичга кўтаришнинг жуда муҳим шартидир.

Партиянинг жипслашганлиги, уюшқоқлиги, жанговарлик қобилияти партия шахсий составига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Партия сафларига киришни истаган кишиларнинг ҳаммасини ҳам партия қабул қилавермайди. Партия энг илғор ва актив кишиларни ўзига танлаб олади, ўз фаолиятининг у ёки бу босқичида ўз олдида турган вазифаларга қараб партияга қабул қилиш ишини тартибга солиб туради. Индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш даврида партияга кўпроқ ишчилар ва деҳқонлар қабул қилинган эди. Уруш йилларида партияга қабул қилган вақтда фронтнинг олдинги линиясида бўлганларга кўпроқ э'тибор берилди. Моддий бойликларни ишлаб чиқаришни кескин равишда кўпайтириш вазифаси ҳал этилаётган ҳозирги вақтда мана шу бойликларни бевосита ишлаб чиқаручи кишилар, я'ни ишчилар ва колхозчиларни биринчи навбатда партияга қабул қилишга асосий э'тиборни бериш ўринли бўладики, буни исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. (Қарсаклар).

Партияга қабул қилиш иши қандай бораётир? Шуни айтиш керакки, кейинги икки йил ичида партияга қабул қилинганлар составида ишчилар ва колхозчиларнинг салмоғи аввалги даражага нисбатан кўпайди.

Лекин кўлгина партия ташкилотларида партияга қабул қилинганлар составида ишчилар ва колхозчиларнинг салмоғи жуда кам. Кўпинча шундай бўладики, деярлик бирхилдаги шароитда ба'зи партия ташкилотлари ишчиларни ёки колхозчиларни бошқа партия ташкилотларига қараганда партияга анча кам қабул қилмоқдалар. Свердловск области ҳам, Новосибирск области ҳам саноат даражаси деярлик бирхилда бўлган областьлардир. Аммо, Свердловск партия ташкилотида 1955 йилда партияга қабул қилинганлар составида ишчилар ва колхозчиларнинг салмоғи 47,2 процентни ташкил қилган бўлса, Новосибирск партия ташкилотида 32,2 процентни ташкил қилди. Партияга қабул қилинганлар орасида колхозчилар Омск областида 31,7 процентни ташкил қилган бўлса, Сталинград областида эса фақат 11,4 процентни ташкил қилди. Новосибирск областида ишчиларни партияга Свердловск областидагига қараганда кам қабул қилганликларининг, Сталинград областида эса колхозчиларнинг партияга Омск областидагига қараганда кам қабул қилганликларининг сабаби нима? Бунинг сабаби Новосибирск ва Сталинград областьларидаги партия ташкилотларининг партияга қабул қилиш масалаларига э'тиборсизлик блан қараганликларидан бошқа нарса эмас. Афсуски, бошқа бирқанча партия ташкилотларида ҳам шундай бўлмоқда.

Шуни эсда тутиш керакки, ишнинг муваффақиятли бўлиши партия ташкилотининг шахсий составига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Партия ташкилотлари КПССга янги а'золар қабул қилишни тартибга солишда талабчанликни оширишлари ва партияга қабул қилинаётганлар составида ишчилар ва колхозчиларнинг салмоғи аввалги даражага нисбатан кўпайди.

Партия ҳаётининг Ленин ишлаб чиққан қоидалари ва партиявий раҳбарлик принципари XIX с'ездга қадар кўпинча бузилиб келган эди, шу қоидалар ва принципларнинг тикланганлиги партия бирлигининг мустаҳкамланишига ва партия активлигининг, ташаббускорлигининг ва жанговарлик қобилиятининг ўсишига кўп даражада ёрдам берди.

Шахсга сиғиниш назарияси ва практикаси марксизм-ленинизмга бутунлай ётдир. XIX с'ездга қадар бўлиб келган мана шундай шахсга сиғиниш назарияси ва практикаси партиянинг ҳам ташкилий, ҳам идеология ишларига анча зарар етказди. Бу зарарли назария ва практика халқ оммасининг ролини ва партиянинг ролини пасайтирди, коллектив раҳбарликни камситди, партия ички демократиясига путур етказди, партия а'золарининг активлиги, ташаббуси ва ижодкорлигининг ўзага чиқишига йўл бермади, айрим кишиларнинг ишларида контрольсизликка, мас'улиятсизликка ва ҳатто ўзбошимчаликка олиб келди, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга халақит берди ва масалаларнинг бирёқлама, ба'зан хато ҳал қилинишига сабаб бўлди.

Коллектив бўлиб раҳбарлик қилишнинг ленинча принципи тикланганлиги партия қурилиши асосларининг асосини тиклаш демакдир. Дарҳақиқат, бизнинг партиямиз жонли, ижодкор ташкилотдир. Коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш, партия органларининг сайланиб қўйилиши ва ҳисоб бериб туриши, танқид ва ўз-ўзини танқид — мана шуларнинг ҳаммаси ташаббус кўрсатишни, ишдаги хатолар ва камчиликларни очиб ташлашни, шу камчиликларни йўқотиш йўлларини топишни, коммунистларнинг активлигини ривожлантиришни та'минлайдиган муҳим шартлардир.

Марказий Комитетдан тортиб бошланғич партия ташкилотларигача ҳамма босқичларда коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш принципи ҳозирги вақтда муваффақият блан тикланаётганлигини танқид ва ўз-ўзини танқиднинг тобора кўпроқ авж олаётганлиги, партия органларида энг муҳим масалалар ҳақиқатан коллектив бўлиб муҳокама қилинаётганлиги ва ҳал қилинаётганлиги кўрсатиб турибди. Ҳеҳбир шаксшубҳасиз шуни айтиш мумкинки, Марказий Комитетда коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш принципи тўла равишда тикланди. Энг муҳим масалаларнинг ҳаммасини ҳал қилиш Марказий Комитетнинг мунтазам равишда тўпланиб турадиган Пленумига— кенг миқ'ёсда коллегиал бўлиб иш олиб борадиган, коммунистик жамият қурилишнинг ҳал қилучи участкалари блан чамбарчас боғланган партиявий марказ қўлига ўтди. Марксизм-ленинизмга таяниб иш олиб бораётган Марказий Комитетнинг коллектив тажрибаси партия ва мамлакатга тўғри раҳбарлик қилишни, партия сафларининг бузилмас бирлигини та'минлайди. (Қарсаклар).

Шахсга сиғинишнинг зарарли назарясини ва практикасини тўла равишда тугатишга ва барча партия органларининг ишларида коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш принципини қат'ият блан ўтказишга эришмоқ керак. Ҳарбир партия ходими коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш принципини охиригача тушуниб олиши лозим, чунки коллектив бўлиб раҳбарлик қилиш партия бирлигининг, тўғри сиёсат ишлаб чиқишнинг ва бу сиёсатни муваффақиятли амалга оширишнинг, кадрларни тўғри тарбиялаш ва бутун партия ишини янги босқичга кўтаришнинг жуда муҳим шартидир.

Партиянинг жипслашганлиги, уюшқоқлиги, жанговарлик қобилияти партия шахсий составига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Партия сафларига киришни истаган кишиларнинг ҳаммасини ҳам партия қабул қилавермайди. Партия энг илғор ва актив кишиларни ўзига танлаб олади, ўз фаолиятининг у ёки бу босқичида ўз олдида турган вазифаларга қараб партияга қабул қилиш ишини тартибга солиб туради. Индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш даврида партияга кўпроқ ишчилар ва деҳқонлар қабул қилинган эди. Уруш йилларида партияга қабул қилган вақтда фронтнинг олдинги линиясида бўлганларга кўпроқ э'тибор берилди. Моддий бойликларни ишлаб чиқаришни кескин равишда кўпайтириш вазифаси ҳал этилаётган ҳозирги вақтда мана шу бойликларни бевосита ишлаб чиқаручи кишилар, я'ни ишчилар ва колхозчиларни биринчи навбатда партияга қабул қилишга асосий э'тиборни бериш ўринли бўладики, буни исбот қилиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. (Қарсаклар).

Партияга қабул қилиш иши қандай бораётир? Шуни айтиш керакки, кейинги икки йил ичида партияга қабул қилинганлар составида ишчилар ва колхозчиларнинг салмоғи аввалги даражага нисбатан кўпайди.

Лекин кўлгина партия ташкилотларида партияга қабул қилинганлар составида ишчилар ва колхозчиларнинг салмоғи жуда кам. Кўпинча шундай бўладики, деярлик бирхилдаги шароитда ба'зи партия ташкилотлари ишчиларни ёки колхозчиларни бошқа партия ташкилотларига қараганда партияга анча кам қабул қилмоқдалар. Свердловск области ҳам, Новосибирск области ҳам саноат даражаси деярлик бирхилда бўлган областьлардир. Аммо, Свердловск партия ташкилотида 1955 йилда партияга қабул қилинганлар составида ишчилар ва колхозчиларнинг салмоғи 47,2 процентни ташкил қилган бўлса, Новосибирск партия ташкилотида 32,2 процентни ташкил қилди. Партияга қабул қилинганлар орасида колхозчилар Омск областида 31,7 процентни ташкил қилган бўлса, Сталинград областида эса фақат 11,4 процентни ташкил қилди. Новосибирск областида ишчиларни партияга Свердловск областидагига қараганда кам қабул қилганликларининг, Сталинград областида эса колхозчиларнинг партияга Омск областидагига қараганда кам қабул қилганликларининг сабаби нима? Бунинг сабаби Новосибирск ва Сталинград областьларидаги партия ташкилотларининг партияга қабул қилиш масалаларига э'тиборсизлик блан қараганликларидан бошқа нарса эмас. Афсуски, бошқа бирқанча партия ташкилотларида ҳам шундай бўлмоқда.

Шуни эсда тутиш керакки, ишнинг муваффақиятли бўлиши партия ташкилотининг шахсий составига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Партия ташкилотлари КПССга янги а'золар қабул қилишни тартибга солишда талабчанликни оширишлари ва партияга қабул қилинаётганлар составида ишчилар ва колхозчиларнинг салмоғи аввалги даражага нисбатан кўпайди.

Шунинг учун ҳам партия ташкилотларида ишлаш методларидаги жиддий камчиликларни: декларативчиликни, канцелярячиликни, хўжаликни чуқур ўрганмасдан раҳбарлик қилиш, камчиликларни тугатишга ва қийинчиликларни енгишга, илғорларнинг, новаторларнинг тажрибаларини ва фан муваффақиятларини саноат ва қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришида кенг жорий қилишга одамларни ташкил этабилмаслик ҳоллари борлигини Ўртоқ Хрушчев ўз докладида очиб ташлади.

Марказий Комитет раҳбарлик қилишдаги канцелярячилик-бюрократчилик методларига қат'ият ҳотима беришни талаб қилганидан кейин область, ўлка, шаҳар, район партия комитетлари ўз ишларини бирмунча яхши олиб борадиган бўлиб қолдилар. Мажлислар, кенгашларнинг сони камайди. Энди партия ходимлари корхоналарга, колхозларга, МТСларга, совхозларга тез-тез бориб турадиган бўлиб қолдилар ва жойларда ишларни йўлга қўйишга кўпроқ ёрдам беришга ҳаракат қиладиган бўлдилар. Лекин бу соҳада қилинган ишлар ҳали жуда кам. Афсуски, ҳали ҳам анчагина партия органлари борки, уларда ходимларнинг асосий вақти ва кучи омма орасида ташкилотчилик ишларини олиб боришга сарф бўлмасдан, балки аввалгидек мажлисбозликка ва қоғозлар ёзишга сарф бўлмоқда. Бундай иш услуби қандай натижалар бериши мумкинлигини пайқаб олиш қийин эмас. Одамлар ҳарқанча мажлислар қилсалар ҳам, қоғозлар ёзсалар ҳам, барибир иш жойидан силжимайди. Белоруссиянинг Витебск областидаги Меховский район партия комитетининг секретари Ўртоқ Игнатенко яқинда бўлиб ўтган область партия конференциясида бундай деди: «10 йилдан бери бизнинг районимизни ҳам, бошқа бирқанча районларни ҳам ҳамма мажлисларда ва кенгашларда қолоқ районлар, деб танқид қилишмоқда. Шу вақт ичида районда райком секретари 19 марта, район ижроия комитети раиси 6 марта алмашинди. Бизнинг районимизда ишнинг аҳволини текшириш ва ўрганиш блан шуғулланучи 9 комиссия ишлади, броқ, район илгари қандай қолоқ район бўлса ҳозир ҳам шундай қолоқ район бўлиб қолмоқда. Амалда на область партия комитети, на область ижроия комитети районга ёрдам беришнинг конкрет масалаларини ҳал қилаётирлар».

Бошланғич партия ташкилотлари ҳам қоғоз ёзиш касалига мубтало бўлмоқдалар. Бунга кўпинча район партия комитетлари сабабчи бўлмоқдалар, чунки улар йиғилишлар ва кенгашларнинг «кенгайтирилган» протоколларини юборишни, ҳархил ма'лумотлар, справкалар ва шунинг сингариларни беришни талаб қиладилар. Натижада бошланғич партия ташкилоти секретарининг энг катта вазифаси одамлар блан ишлаш ўрнига қоғоз ёзишдан иборат бўлиб қолади. Унинг бутун асосий вақти қоғоз ёзишга кетади.

Шунақа секретарьдан бирининг, Озарбайжон ССР нинг Шамхор районидаги Киров номли колхоз партия ташкилоти секретари Ўртоқ Рустамовнинг ишини мисол қилиб келтираман. Унинг канцелярия папкалари ва дафтарлари стол устида, этажеркада устма-уст қалашиб ётибди. У, партия группаларининг ишлари, хотин-қизлар орасида қилинадиган ишлар, ёш коммунистлар блан қилинадиган ишлар, комсомол ташкилотига ёрдам бериш, аризалар ва шикоятлар, коммунистларга берилган топшириқлар, партия маорифи, бадний ҳаваскорлик тўгаракларининг ишларининг ҳаммасини ҳисобга олиш учун алоҳида-алоҳида дафтар ажратиб қўйган. Унинг «Деворий газеталар», «Жанговар варақалар», «Чорвачилик бўйича мусобақа», «Далачилик бўйича мусобақа», «Дарахт ўтқазиш дўстлари» деб ёзиб қўйилган папкалари бор. «Агитаторларнинг ишларини ҳисобга олиш учун агитаторлар иши ҳисобга олинадиган дафтар», «Оммавий-сиёсий ишлар ҳисоби», «Агитаторларга кундалик топшириқлар» деган учта дафтар олиб борилади. Агар сиз мана шу қоғозбозлик ишини эплаштиришга нақадар кўп вақт кетишини ўйлаб қарасангиз, бундай канцелярячилик секретарьни жонли ташкилотчилик ишидан муқаррар ажратиб қўйганлигини тушуниб оласиз. Аммо колхозда сут согучилар ва чўпонлар орасида ҳеҳқандай тарбиявий иш олиб борилмаётир, фермаларда ҳеҳқандай механизация йўқ. Кун тартиби, чорва молларни овқатлантиришда ҳеҳқандай рацион йўқ. Чорвачиликнинг маҳсулдорлиги жуда паст: бир йилда ўрта ҳисоб блан ҳарбир сигирдан фақат 484 литрдан сут согиб олинган. Секретарьлик папкалари эса ҳеҳқанча сут бермади. Бу масалада ана шу папкалар ишончсиз қисир бўлиб чиқилар. (Кулги қарсаклар).

Партия аппаратининг ишини такомиллаштириш, канцелярячилик методларини охиригача тугатиш керак. Партия ташкилотлари ўзларининг асосий э'тиборини омма блан ишлашга қаратишлари, хўжалик қурилишига ишнинг кўзини билиб конкрет раҳбарлик қилиш масалаларига томон кескин бурилиш ясашлари, илғорлар тажрибасини ва фан муваффақиятларини чинакам пропаганда қилишни ва барча корхоналар, колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг ишига жорий қилишни ташкил этишлари лозим.

Партия аппаратининг штатларини ҳам қисқартиш зарур, токи партия аппарати сони ончалик кўп бўлмаса ҳам, лекин малакали ходимлардан иборат бўлсин. Марказий Комитет ўз аппаратини 25 процент қисқартди. Менимча, бу блан аппаратни янада қисқартишга негиз солинди, холос. Ўлка партия комитетларида, обкомларда, иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларида, шаҳар ва район партия комитетларида партия аппаратини қисқартиш масаласини кун тартибига қўйиш ва буни амалга ошириш керак. Шундай қилганда уларнинг ишлари яна ҳам яхшиланади.

Шу муносабат блан граждан бошқармаларидаги сиёсий бўлимлар тўғрисида икки оғиз гапириб ўтаман. Сиёсий бўлимлар тузилган жойларда улар ўз вақтида ма'лум ижобий роль ўйнаган эдилар, аммо энди улар ўзларини ончалик кўрсатаолмаётирлар ва территориал партия органлари қиладиган ишларни такрорламоқдалар. Ўртоқ Хрушчев темир йўл транспортидаги техника қолоқлиги тўғрисида тўғри гапириб ўтди. Ўз-ўзидан ма'лумки, бу қолоқлик учун темир йўллардаги сиёсий бўлимларнинг ходимлари ҳам жавобгардирлар. Темир йўл транспортининг техника қолоқлиги тўғрисидаги масалани улар кўтариб чиқмасалар, ким кўтариб чиқади. Лекин улар бу тўғрида ўз фикрларини айтдиларми, транспортда техникани тараққий эттиришни талаб қилиб лоақал бир оғиз гап айтдиларми? Йўқ, индамадилар. Бу сиёсий бўлимларни тугатиш масаласи жуда етилиб қолганга ўхшайди. (Қарсаклар).

Идеология ишини турмушдан ажратиб қўйиш сингари зарарли ҳолга ҳотима берайлик

Ўртоқлар! Ўртоқ Хрушчев Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида партия ташкилотлари олиб бораётган идеология ишларига ҳартомонлама характеристика бериб ўтди, идеология ишининг ҳозирги вақтдаги асосий камчилиги бу ишнинг ҳаётдан анча ажралиб қолганлигидан, коммунистик қурилишнинг турмушда синалган илғор намуналарини умумлаштирабилмаслик ва омма ўртасида ёйбилмаслиқдан, шунингдек олга қараб ҳаракат қилишимизга тўсқинлик қилаётган ёмон ҳодисаларга қарши курашда идеология ишларининг тузук активлик қилмаётганлигидан иборат эканлигини кўрсатиб ўтди. Бу тўғри ва ҳаққоний танқид бўлди.

Партия идеология ишига коммунизм қуришдаги ўз фаолиятининг ажралмас қисми деб қарайди. Идеология ишларининг асосий вазифаси коммунизм қуриш ишига, меҳнат унумдорлигини ошириш, омманинг социалистик онглилигини ҳартомонлама кўтариш ишига амалий ёрдам беришдан, кишилар онгидаги капитализм сарқитларига қарши, буржуа идеологиясига ва ахлоқига қарши тўхтовсиз кураш олиб боришдан, меҳнаткашларни ва, аввало, раҳбар кадрларни марксизм-ленинизм назарияси блан қуроллантиришдан, бу назарияни ижодий ривожлантиришдан иборатдир.

Аммо, бизнинг идеология ишларимиз мана шу катта вазифаларни ҳал қилишга тузук йўналтирилган эмас ва кўпинча самарасиз ишга айланиб, ҳаммага ма'лум бўлган бирхилдаги формулаларни ва қоидаларни ёдлатишдан ва кўпинча турмушдан ажралиб қолган қироатхонларни, доғмачиларни етиштиришдан иборат бўлиб қолмоқда.

Пропаган мизнинг асосий э'тибори кўпинча ўтмишга, тарихга қаратилган бўлиб, ҳозирги замон масалаларини четлаб ўтар эди. Яна бунинг устига партиямиз тарихини шу тахлитда ўқитиб келдиларки, бу хилда ўқитишда тарихий тажриба бугунги куннинг масалаларини тўғри тушунишга ёрдам бермай келди. Иқтисодий билимларни ҳамда илғор ишчиларнинг, инженерларнинг, колхозчиларнинг, илғор корхоналар, колхозлар, совхозлар, бригадаларнинг иш тажрибаларини пропаганда қилиш иши ёмон ташкил этилган. Бунинг натижасида миллион-миллион коммунистлар партия маорифи шохобчаларида кўп йиллар мобайнида народникларнинг, экономистларнинг, бундчиларнинг хато қарашларини сурункасига ўрганиб келдилару, аммо бизнинг мамлакатимизда кишилар онгидаги капитализм сарқитларига қарши қандай курашиш кераклигини ва ҳалқаро миқ'ёсдаги ҳозирги ғоявий душманларимизни қандай қилиб фош қилиш кераклигини ўқиб ўрганмадилар, мамлакатдаги иқтисодий процесларни, новаторларнинг, илғор корхоналар, колхозларнинг тажрибаларини, фан муваффақиятларини ўрганмадилар ва шу тарика хўжаликни энг кўп самара берадиган қилиб бошқаришни, меҳнат унумдорлигини оширишни, моддий бойликлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, коммунистик қурилишнинг бошқа вазифаларини муваффақиятли ҳал қилишни ўрганмадилар.

Кўпгина оддий коммунистлар ҳам бунлай аҳволнинг нормал бўлмаган бир ҳол эканлигини тушунадилар. Сталинград областидаги Михайловск МТСнинг комбайнчиси Ўртоқ Игнатов бу тўғрида яхши гапирди:—Мен. — деди у, — ўн уч йилдан бери тўғарак машғулотида партия тарихини ўқиш блан оворaман. Пропагандистлар бизга ўн учинчи марта Бунд тўғрисида гапирадилар. Ахир. бизда Бундни танқид қилишдан бошқа мухимрок иш йўкми? (Кулги). Бизни ўзимиздаги МТСнинг ўз районимиз, областимизнинг ишлари кўпроқ қизиқтиради. Биз ҳозирги ва келгусида бўладиган ишлар блан яшашни истаймиз, аммо бизнинг пропагандистларимиз народникларнинг ва бундчиларнинг ишларига шу қадар ботиб қолганларки, бу ботқоқдан ера чиқолмаётирлар». (Кулги, қарсаклар).

Шундай қилиб, партия пропагандаси ўзининг жанговар большевистик руҳини йўқотиб қўябошлади.

Натижада большевик партия ташкилоти секретарининг энг катта вазифаси одамлар блан ишлаш ўрнига қоғоз ёзишдан иборат бўлиб келтираман. Унинг канцелярия папкалари ва дафтарлари стол устида, этажеркада устма-уст қалашиб ётибди. У, партия группаларининг ишлари, хотин-қизлар орасида қилинадиган ишлар, ёш коммунистлар блан қилинадиган ишлар, комсомол ташкилотига ёрдам бериш, аризалар ва шикоятлар, коммунистларга берилган топшириқлар, партия маорифи, бадний ҳаваскорлик тўгаракларининг ишларининг ҳаммасини ҳисобга олиш учун алоҳида-алоҳида дафтар ажратиб қўйган. Унинг «Деворий газеталар», «Жанговар варақалар», «Чорвачилик бўйича мусобақа», «Далачилик бўйича мусобақа», «Дарахт ўтқазиш дўстлари» деб ёзиб қўйилган папкалари бор. «Агитаторларнинг ишларини ҳисобга олиш учун агитаторлар иши ҳисобга олинадиган дафтар», «Оммавий-сиёсий ишлар ҳисоби», «Агитаторларга кундалик топшириқлар» деган учта дафтар олиб борилади. Агар сиз мана шу қоғозбозлик ишини эплаштиришга нақадар кўп вақт кетишини ўйлаб қарасангиз, бундай канцелярячилик секретарьни жонли ташкилотчилик ишидан муқаррар ажратиб қўйганлигини тушуниб оласиз. Аммо колхозда сут согучилар ва чўпонлар орасида ҳеҳқандай тарбиявий иш олиб борилмаётир, фермаларда ҳеҳқандай механизация йўқ. Кун тартиби, чорва молларни овқатлантиришда ҳеҳқандай рацион йўқ. Чорвачиликнинг маҳсулдорлиги жуда паст: бир йилда ўрта ҳисоб блан ҳарбир сигирдан фақат 484 литрдан сут согиб олинган. Секретарьлик папкалари эса ҳеҳқанча сут бермади. Бу масалада ана шу папкалар ишончсиз қисир бўлиб чиқилар. (Кулги қарсаклар).

Партия аппаратининг ишини такомиллаштириш, канцелярячилик методларини охиригача тугатиш керак. Партия ташкилотлари ўзларининг асосий э'тиборини омма блан ишлашга қаратишлари, хўжалик қурилишига ишнинг кўзини билиб конкрет раҳбарлик қилиш масалаларига томон кескин бурилиш ясашлари, илғорлар тажрибасини ва фан муваффақиятларини чинакам пропаганда қилишни ва барча корхоналар, колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг ишига жорий қилишни ташкил этишлари лозим.

Партия аппаратининг штатларини ҳам қисқартиш зарур, токи партия аппарати сони ончалик кўп бўлмаса ҳам, лекин малакали ходимлардан иборат бўлсин. Марказий Комитет ўз аппаратини 25 процент қисқартди. Менимча, бу блан аппаратни янада қисқартишга негиз солинди, холос. Ўлка партия комитетларида, обкомларда, иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларида

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XX с'езди

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС Марказий Комитети ва ўртоқ П. Г. Москатовнинг КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар

Ўртоқ А. И. МИКОЯН нутқи

Ўртоқлар! Мен партия Марказий Комитетининг ҳисобот докладига батамом қўшиламан ва Марказий Комитет фаолиятининг фақат ба'зибир томонларига тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисоблайман.

Марказий Комитетнинг ҳисоботида ҳозирги даврдаги инсонят тарихига оид янги фактлар ва воқеалар қараб чиқилади. Марказий Комитет бу янги факт ва воқеаларни марксча-ленинча нур блан ёритиб, ижтимоий тараққиёт қонунлари блан боғли бўлган бирқанча муҳим, назарий жиҳатдан дадил, чуқур принципиал хулосалар чиқаради ва бу хулосалардан ҳозирги замон шароитида фойдаланиш масаласини қўяди. Марксистик назариянинг туб масалалари ҳозирги замон вазиятига тадбиқ қилиниб ўртага қўйилган. Бу масалалардан чиқарилган хулосалар фақат назарий қимматга эга бўлиб қолмай, балки шу блан бирга, **программ характерга** ҳам эга бўлади, тараққиётнинг навбатдаги босқичларида коммунизмнинг тўғри сиёсати учун ғоят катта амалий аҳамиятга ҳам эга бўлади. Шу блан марксизм-ленинизм жиддий даражада бойийди, жамият тараққиёти тўғрисидаги марксча-ленинча фанга қимматбаҳо ҳисса қўшилади. **(Қарсаклар).**

Ўртоқ Хрушчев докладида баён қилинган хулосалар ва назарий қоидалар бизнинг Марказий Комитетимиз, ўзига муносиб равишда, Коммунистик партиянинг тарихи блан бойинган энг тажрибали орган сифатида, марксизм-ленинизмнинг ма'лум назарий қоидаларини оддийгина такрорлаш блан чекланмаётир. Марказий Комитет ижтимоий тараққиёт қонунларини билишнинг қудратли марксистик методига амал қилиб, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги замонга хос воқеаларини тушунишни кўрсатиб бермоқда, бу воқеаларни марксистларча тушунтирмоқда ва ишчилар синфини шундай хулосалар блан қуроллантирмоқдаки, бу хулосалар ҳозирданоқ Маркс блан Ленин ҳаётининг ва фаолиятининг даврига оид фактлар ва воқеаларнигина умумлаштириб ва изоҳлаб қолмасдан, шу блан бирга, капитализм мамлакатларидаги, шунингдек социалистик мамлакатлардаги кейнги воқеаларни ҳам умумлаштириб ва изоҳлаб бермоқда. Юқорида кўрсатилган масалалар ғоят муҳим ва актуал бўлганлиги учун, мен улардан ба'зиларига тўхталиб ўтишни лозим топаман.

Марказий Комитет ва унинг Президиумининг сўнгги уч йил ичидаги ишини характерлаб беручи асосий хусусият шундан иборатки, бизнинг партиямизда **узоқ давом этган танаффусдан кейин коллектив раҳбарлик вужудга келтирилди. (Қарсаклар).**

Партиямиз ҳозир мустаҳкам жиналшган раҳбарлик коллективига эгадир, бу коллективнинг кучи фақат революцион курашда кўп йиллар давомида бирга ишлаб келган ўртоқлардан иборат бўлганлигида эмасдир, бу жуда муҳим, албатта, лекин асосий масала шундаки, бу коллектив ленинча идеяларга, партия қурилишининг ва партия раҳбарлигининг ленинча принципларига амал қилиб, қисқа муддат ичида юқоридан пасттага партия ҳаётининг ленинча нормаларини қайтадан тиклашга муваффақ бўлди. **(Қарсаклар).**

Коллектив раҳбарлик принципи пролетар партияси учун, ленинча типдаги партия учун элементар принципдир, лекин бу эски ҳақиқатни та'кидлаб кўрсатиш лозимлигининг сабаби шуки, тахминан 20 йил давомида бизда коллектив раҳбарлик ҳақиқатда йўқ эди. Маркс ва сўнгра эса Ленин қоралаган шахсга сиғиниш авж олиб кетган эди, бу ҳол, албатта, партиядаги аҳволга ва партиянинг фаолиятига ниҳоятда салбий та'сир кўрсатмасдан қолмади. Эндиликда, сўнгги уч йил давомида ленинча принципиаллик ва ленинча бирлик асосида Коммунистик партиянинг коллектив раҳбарлиги қайтадан тиклангач, ленинча раҳбарлик методларининг самарали та'сири тобора кўпроқ сезилмоқда. Сўнгги йилларда партиямизга янги куч бағишлаган асосий манба' ҳам ана шундадир. Худди ана шу нарса ўртоқ Хрушчев докладида кўрсатилган муваффақиятлар учун зарур шарт бўлди ва партиянинг коммунизм қурилиши йўлидан янада дадиллик блан, янада муваффақият блан олга қараб боришига гаров бўлди. **(Қарсаклар).**

Сўнгги йилларда Марказий Комитет, ҳисобот докладида кўрсатиб ўтилганидек, бошқа муҳим ва зарур масалалар қаторида саноатнинг, даставвал, оғир саноатнинг тезлик блан ўсишини та'минлашга, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, савдо соҳасида техника прогресси учун курашни, юқори меҳнат унумдорлиги учун, саноат маҳсулотларининг юқори сифати учун курашни авж олдиришга кўп э'тибор берди.

Қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни тугатиш, бу қолоқлик оқибатида саноат блан қишлоқ хўжалиги ривожланиши ўртасида пайдо бўлган диспропорцияни бартараф қилишга катта аҳамият берилди, бу диспропорция мамлакатимиз учун жуда хавфли эди, унинг давом этиши тараққиётимиз учун жуда жиддий тўсиқ бўлар эди. Бу вазифа бирқанча тадбирлар кўриш йўли блан, масалан, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида кўрилган тадбирлар йўли блан ҳал қилинди. Икки йил ичида 33 миллион гектар янги ер ўзлаштирилди. Биз илгари бирон вақт бу хил нарса тўғрисида ўйлаолармиик, ахир?

Хўш, шу блан бир вақтда АҚШнинг қишлоқ хўжалигида нималар юз бермоқда? АҚШ ҳукумати шу йил январь ойида президентнинг конгрессга юборган мактубида 10 миллион гектар экин майдонини экмасдан қолдириш программасини тақдим қилди. Ахир, бу — қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаручи кучларни тўғридан-тўғри вайрон қилиш, капитализмнинг чириб боғётганлигини кўрсатадиган энг яқол янги ходисалардан бирику. Ма'лум бўлишича, АҚШда ҳам қўриқ ва бўз ерлар проблемаси қўйилибди, лекин фақат американчасига тескари қилиб қўйилибди. Улар ерларни ҳайдаш ўрнига, экинзор ерларни қўриқ ва бўз ерларга айлантирмоқдалар. **(Залда жонланиш).** Қарангки, бу воқеа «жаҳонга раҳбарлик қилиш» да'восини қилиб чиқаётган бир мамлакатда юз бермоқда, яна шундай бир вақтда юз бермоқдаки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг расмий ма'лумотларига қараганда, капиталистик дун'ёдаги кишиларнинг тобора кўпчилиги етарли озиқ-овқатга эга эмасдир, бундай кишиларнинг сони дун'ёдаги бутун аҳолига нисбатан 59 процентга етади, ҳолбуки уларнинг сони 1939 йилда 31 процентни ташкил этар эди. Шундай аҳвол юз бериб турган бир чоқда, АҚШда экин майдонини 10 миллион гектар миқдорида тугатишни таклиф қилмоқдалар!

«Жаҳонга раҳбарлик қилиш» да'воларининг замирида нима ётганлиги лоақал ана шундай бир мисолдан кўриниб турибди: Яқин Шарқда 1955 йилда Америка ва Англия нефть монополиялари 150 миллион тонна нефть чиқарганлар ва бу нефть уларга ҳаммаси бўлиб атиги 240 миллион долларга тушган, я'ни ақлга сиғмайдиган даражада арзонга тушган, шу нефтьдан улар 1 миллиард 900 миллион доллар соф фойда олганлар, шу блан улар шу нефть районига солинган бутун капитал маблағнинг ўрнини бир йилда қоплаб олганлар, масалан, Кувейтда эса, бир квартал ичида улар шуқадар кўп фойда оддиларки, бу фойда шу районга солиниб келган ҳамма капитал маблағга тенг бўлган. АҚШда нефть саноатига солинган капиталнинг ўрнини қоплаш учун камида 6—7 йил керак бўлар эди.

Нефтьдан келадиган даромадларнинг ҳаммаси унинг қонуний хўжайинлари бўлган арабларга ва Яқин Шарқдаги бошқа халқларга қолдирилганида, бу халқлар жуда тезлик блан қашшоқликни тугатган бўлар эдилар ва ўзларининг иқтисодий ва маданий тараққиётларида четэл капитали томонидан кўп йиллар давомида шафқатсиз эксплуатация қилиниб келинган зарарларнинг ўрнини тезда қоплаган бўлар эдилар.

«Жаҳонга раҳбарлик қилиш» тўғрисидаги бу маш'ум да'во яна эксплуатациянинг янги, яширин формаларини ўйлаб чиқаришда ҳам кўринмоқда. Осиё ва Африкадаги кўпгина халқлар мустамлака қарамлигидан қутулдилар, лекин уларнинг ташқи бозорларида Америка ва Англия монополиялари хўжайинлик қилиб келганлигги орқасида, етарли даражада тараққий қилмаган мамлакатлардаги халқларнинг ўзлари айтишича, ноҳақ баҳолар мажбуран жорий қилинган, я'ни экспорт баҳолари блан импорт баҳолари ўртасида «қайчи» симон бирнарса ўрнатилган, шунинг натижасида бу халқлар хозирги вақтда (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ма'лумотларига кўра) ўзларининг ма'лум миқдордаги товарлари эвазига ўз мамлакатларига ташқаридан келтириладиган керакли товарларни шу асрнинг бошларида олган миқдорларидан 40 процент кам олмоқдалар. Етарли даражада тараққий қилмаган мамлакатларга қилинаётган «ғамхўрлик» ва кўрсатилаётган «ёрдам» ана шунақа!

Ўзимизнинг қишлоқ хўжалигимизнинг тараққиёти масаласига қайтиб шуни айтмоқ керакки, бизда қишлоқ хўжалигининг аҳволини тузатишга яна экин майдонларини энг муҳим экинлар ўртасида рационал суратда тақсим қилиш йўли блан, қишлоқ хўжалик ишларини комплекс механизациялаш йўли блан, қишлоқ хўжалигига ташкилий раҳбарликни қайта қуриш, қишлоқ хўжалигида планлаш ишининг ўйлашишни ўзгартиш йўли блан эришилмоқда. Марказдан туриб планлаштириш каби ишга зарар етказадиган бюрократларча планлаштириш бекор қилинди ва экин майдонларини ҳамда экинларнинг ҳосилдорлигини, чорва моллларнинг сонини ва чорва маҳсулдорлигини планлаштириш колхозларнинг ўзига топширилди, марказнинг ихтиёрида эса фақат етказиб бериладиган маҳсулотларнинг миқдорини аниқлаш ва давлатга маҳсулот сотиш миқдорини аниқлаш қолдирилди, холос.

Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигини тезлан юксалтиришни та'минлайди, экономикамизда юз берган диспропорцияни йўқотади ва ишчилар синфи блан деҳқонлар иттифоқини жиддий суратда мустаҳкамлайди.

Ҳозирданоқ қишлоқ хўжалик маҳсулдорлигини кўтаришга муваффақ бўлинди ва шу туфайли аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг исте'мол саноат товарлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга эришилди.

Олтинчи бешйилликнинг охирида халқ исте'моли товарларининг миқдорини урушдан илгариги 1940 йилга нисбатан 3,5 мартага яқин ошириш вазифаси қўйилди, шу жумладан, гўшт ва балиқни 3,2 марта, консерваларни 5,6 марта, мол ёғини 3,9 марта, я'ни қарийб тўрт марта, қанд-шакарни 3 марта, шойи газламаларни 14 марта, шерсть газламаларни 3 марта, тикув машиналарини 22 марта, соатларни 12 марта кўпайтириш вазифаси қўйилди ва ҳоказо.

Ҳозирги кунда энг дефицит бўлган кенг исте'мол товарларини ишлаб чиқаришни бундай тез сур'атлар блан кўпайтиришнинг сабаби шуки, партиямиз Марказий Комитети бирқанча жойларда савдо ишида бўлган узилишлар ва айрим товарларга бўлган очередьлар борлигидан ташвишланмоқда. Ба'зан шундай савол берадилар: нахотки савдо ишидаги айрим узилишлар ва дефицит товарларга очередьлар муқаррар ҳол бўлса-я? Нахотки бу ҳоллар социалистик савдонинг йўлдоши бўлса? Йўқ, албатта. Бу ҳоллар мавжуд товар миқдори блан аҳолининг ҳарид қуввати ўртасида тўғри баланснинг йўқлигидан келиб чиқади.

Социалистик жамиятда талаб—товарлар таклифидан олдинда бўлиши лозим. Тобора ўсиб бораётган талаб товарлар ишлаб чиқаришни олға суради. Бутун масала бу олдинда бўлишнинг даражасидадир. Мавжуд товар миқдори блан аҳолининг пул даромади ўртасидаги жиддий узилиш муомала соҳасида диспропорцияга олиб келади ва совет савдосида салбий ҳодиса бўлиб қолади, айрим товарларни сотишда очередьлар ва узилишлар туғдиради, аҳоли учун ноқулайлик вужудга келтиради, савдо-сотиқ соҳасида хизмат кўрсатишнинг сифатини ёмонлаштиради ва товарларнинг сифатини ошириш учун курашни қийинлаштиради.

Биз ҳозир бундай диспропорцияни бартараф қилиш учун ҳамма имкониятларга эгамиз. Тўғри планлаштириш келажакда муомала соҳасида бундай диспропорцияларга йўл қўймаслик ва айрим жойлардаги очередьларни ва савдо-сотиқдаги узилишларни бешйилликнинг дастлабки йилларидаёқ тугатишга имкон беради. Бу иш харидорлар учун зарур қулайликлар туғдиришни та'минлаши, савдо-сотиқ маданиятини ошириши, харидорларга хизмат кўрсатишни яхшилаши, ҳамма товарларнинг сифатини биздаги ва чет элларидаги энг яхши товарлар намуналари даражасига кўтаришни та'минлаши ҳамда бутун савдони ва жамоат овқатланишини янги босқичга, социалистик жамиятнинг талабларига мувофиқ келадиган янада юқорироқ босқичга кўтариши лозим. **(Қарсаклар).**

Талаб блан таклиф ўртасида тўғри нисбат бўлишига шу йўл блан эришиладики, дефицит товарларни ишлаб чиқариш кескин суратда оширилади ва келажакда товарлар баҳосини камайтириш соҳасида шундай сиёсат юргизиладики, бунда товар миқдорининг ўсишига қараб ва аҳолининг ҳарид қуввати ошишига қараб баҳолар камайтирилади.

Очиқ э'тироф қилиб айтмоқ керакки, бизда магазинлар ва ошхоналарда ишнинг кўйилиши чет элларидаги яхши намуналардан кейинда қолмоқда. Буни э'тироф қилиб, савдо ва жамоат овқатланиши ишини муносиб даражага тездан кўтариш учун янгидан куч-қувват сарф этмоқ керак. Шу блан бирга магазинлар ва ошхоналарнинг сонини кўпайтирмоқ керак, булар бизда ҳали оз, буларни техника жиҳатдан қайтадан қуроллантирмоқ керак, ошхоналарда ҳам, магазинларда ҳам ўз-ўзига хизмат қилишни жорий этиб, ишни, уюштиришни яхшиламоқ керак. Бутун чоралар блан автоматларни жорий қилмоқ керак, бундай автоматлардан ҳозирги вақтда Америкада 2 миллион донага яқини ишлайди, бизда эса, бундай автоматлар бармоқ блан санарлидир. Бу иш харидорга қулайлик туғдириш, муомала харажатларини камайтириш, савдо ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини беради.

Савдони ва жамоат овқатланишини тубдан яхшилаш учун савдо корхоналарини идора қилишни децентрализациялашни тугалламоқ керак, уларни меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советлари ихтиёрига бермоқ керак, савдо ва жамоат овқатланишини доимо контроль қилиб туриш ва яхшилаш ишига энг актив ишчи, хизматчиларни ва уй иши блан шуғулланучи аёлларни тортмоқ керак. Савдо-сотиқ ишидаги ҳамма камчиликларни ҳаммадан олдин кўрадиган, уларни текшириб турадиган ва бу камчиликларни йўқотишга ҳаракат қиладиган кишилар ана шу активлардир. Касаба союзлари контроль қилиш ишида ҳал қилувчи роль ўйнашлари лозим, маҳаллий Советлар эса аниқланган камчиликларни бартараф қилишлари зарур.

Қуйидагилар ҳам Марказий Комитетимиз фаолиятида муҳим йўналишлар бўлди: бюрократларча централизацияга қарши шафқатсиз кураш олиб борилди ва ленинча демократик централизм тўлатўкис ўрнатилди; совет миллатларининг иттифоқи, иттифоқчи республикаларнинг суверен ҳуқуқлари авайлаб сақланди ва мустаҳкамланди, уларнинг иш ва ҳуқуқ доирасига киритилган, лекин илгари нотўғри равишда марказда тўпланган ишлар улар ихтиёрига топширилди; жумладан, саноат корхоналарининг анчагинаси марказ ихтиёридан олиниб, ҳозир маҳаллий органларнинг қарамоғига берилди; маҳаллий Советларнинг ва корхоналарнинг ҳуқуқлари кучайтирилди, хўжалик планларини тузиш ва қараб чиқишда ишчилар оммаси кенг иштирок қилдирилмоқда; ишлабчиқаришни бошқариш масалаларини ҳал қилишда улар янада активроқ қатнаштирилмоқда; давлат аппарати қисқартирилди ва соддалаштирилди, коммунистман, деб мақтаниш ва мағрурланишга қарши. қуруқ мақтанчоқликка қарши, бизга кўпгина зиён келтирган рапортбозликларга қарши юз-хотир қилмаслан тўла равишда танқид қилиш ва ўз-ўзини танқид қилиш учун кураш кучайтирилди.

Госпланни перспектив планлаштиручи ва жорий планлаштиручи Госплан қилиб иккига бўлишни ҳам бошқа йирик тадбирлар қаторида қайд қилиб ўтмоқ керак, Госпланни бундай иккига бўлишдан мақсад келажакдаги эҳтиёжлар блан ҳозирги кундаги эҳтиёжлар ўртасида тўғри мувосабат ўрнатишдир, шу блан бирга бу органлар экономикада диспропорцияларга йўл қўймаслик учун бир-бирларини контроль қилиб турадилар.

Биз Ленининг экономикани тараққий қилдиришни планли суратда олиб бориш тўғрисида жуда кўп ғамхўрлик қилганлигини биламиз, шунинг учун ҳам биз, Марказий Комитетнинг ҳозирги шароитда Госпланни қайтадан тузиш тўғрисидаги бу қарори бир вақтлар Лениннинг Госпланга қўйган талабларига мувофиқ келади, деб ишонаоламиз.

Капиталистик дун'ёда экономикада пропорциялар стихияли тарзда, конкуренция орқали, ишлабчиқаришнинг анархияси ва кризислар орқали ўрнатилади. Бундан фарқ қилиб, социалистик экономикада пропорциялар уюшган жамиятнинг иродаси блан, экономикани ривожлантиришнинг об'ектив қонунлари талабларига асосланган илмий планлаштириш блан белгиланади. Шунинг учун тараққиётнинг планли равишда бўлиши ва экономикада жиддий диспропорцияларга йўл қўймаслик планлаштириш ишининг тўғри, илмий равишда асосланган тарзда қўйилишига боғлиқдир.

Ўртоқ Хрушчев доклади фақат қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисобот эмас. Марказий Комитет докладида ва олтинчи бешйиллик план юзасидан берилган Директивалар проектида с'езд муҳокамасига коммунизм сари тез сур'атлар блан ҳаракат қилишга қаратилган катта ва муфассал программа тақдим қилинди. Бу программада саноат ва бутун халқ хўжалигини ривожлантириш йўллари тўғрисида, аҳолининг турмуш даражасини социалистик тузумнинг тобора ўсиб бораётган имкониятлари блан мувофиқ равишда янада анчагина оширишни та'миилаш учун нималар қилиш кераклиги тўғрисида сўзланади.

Аҳоли жон бошига ишлабчиқариш юзасидан капиталистик мамлакатларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетиш вазифасини қўйганимизда, биз аҳоли жон бошига қилиниадиган исте'мол соҳасида энг бой капиталистик мамлакатларни қувиб етиш ва улардан ўзиб кетиш, ўз мамлакатимизда халқ исте'моли товарларининг ҳамма ва ҳарқандай турларини тамоман мўл-кўл қилиб етиштиришга эришиш вазифасини қўймоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Шунингдек гап энг муҳим социал тадбирларнинг мажмуи устида боради, масалан, иш кунини қисқартиш, ишчи ва хизматчиларнинг кам маош оладиган категорияларининг ишҳакини ошириш, болаларини тарбиялашда уларга ёрдам бериш ва давлат томонидан қариялар учун уйлар очиш ва тегишли пенсия бериш йўли блан қариб қолган ота-оналарни та'минлаш ишларини енгиллаштириш, бепул ўқитиш, болалар боғчалари ва ясли-ларининг кенг тармоқларини ташкил қилиш, мактаб болалари учун интернатлар ташкил қилиш, мактабларда завтраклар уюштириш ва жамоат овқатланишини кенг ёйиш тадбирлари устида боради. Ниҳоят, уй-жой масаласини тезлик блан ҳал қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи ишларини янада яхшироқ йўлга қўйиш ҳам ана шу тадбирлар қаторига киради.

Кам маош тўланалиган ишчи ва хизматчиларнинг ишҳакини ошириш экономикамиздаги ба'зибир диспропорцияни тугатиш, бизда кам маош тўланадиган ишчи ва хизматчилар категориясининг ишҳақи блан юқори маош тўланадиган кишилар категориясининг ишҳақи ўртасида бўлган жуда катта айирмани тугатиш демакдир. Биз деҳқончилик мамлакатида индустрлаштиришни амалга оширган даврда бундай айирманинг бўлиши табиий эди, чунки юқори малакали ишчи кадрларнинг тезроқ ўсиб етишини шу йўл блан рағбатлантириш керак эди, чунки мамлакатимиз бундай юқори малакали ишчи кадрларга жуда муҳтож эди.

Ҳозирги вақтда, маданий даражаси юксак бўлган, қаторлари ҳар йили еттийиллик ва ўнйиллик мактабни битириб чиқучилар блан тўлиб турган юқори малакали ишчилар синфи мавжуд бўлган бир чоқда, ишҳақидаги айирма гарчи сақланиб қолса-да, лекин камайтирилган ҳолда сақланиб қолинади, бу эса, тараққиётимизнинг янги даражасидан келиб чиқади ва коммунизм сари, олға ҳаракат қилишимиз йўлида янги қадам бўлади.

Буларнинг ҳаммаси — коммунизмнинг навдаларидир. Бу иш коммунистик тарзда ҳаёт кечиришга йўл очади. Бу иш ҳаммамизни хурсанд қилади ва руҳлантиради. Ўзларининг бойликлари блан, ўзларининг «американча ҳаёт тарзлари» блан гердайиб юручи мақтанчоқ америкалилар ҳам буни билсинлар, улар бу соҳада ҳам биз блан мусобақа қилсинлар, ана шунда улар халқ бахт-саодати учун қаерда кўпроқ иш қилинганлигига, кимнинг ҳаёт тарзи яхшироқ бўлиб чиқишига ишонч ҳосил қиладилар. Улар зўр бериб қуроллаиш ўрнига ана шундай мусобақага киришсинлар. Биз совет кишиларига, шунингдек америка халқига ҳам бундай мусобақа кўпроқ ёқади! **(Қарсаклар).**

Ташқи сиёсатнинг ба'зи масалалари

Совет ташқи сиёсатининг муваффақиятлари, айниқса кейинги йилдаги муваффақиятлари жуда катта бўлди.

Партиянинг раҳбар коллективи ижтимоий тузуми турлича бўлган мамлакатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаши мумкинлиги тўғрисида Ленин берган қат'ий васиятларга асосланиб, ҳарбий хавфни йўқотишни ва бутун дун'ё учун тинчликни та'минлашни ўзига асосий мақсад қилиб олиб, юксак даражада принципиал бўлган актив ва пишиқ, осойишта ва сўкишкойишсиз ташқи сиёсат ўтказиб, бу соҳада ҳам ўзининг янги ҳиссасини қўшди.

Бизнинг ҳукуматимиз бирқанча халқаро масалаларга доир фактларни, я'ни ўтмишда бизнинг ташқи сиёсатимизда йўл қўйилган айрим хатоларни ҳамда ба'зи ҳолларда бизнинг айбимиз блан ҳам муносабатларнинг кескинлашганлигини дангал айтишдан қўрқмади ва бу блан кўпгина буржуа арбоблари ҳайратда қолдирди. Совет ҳукумати ташқи сиёсат соҳасидаги ишимизда бўлган камчиликларни йўқотиш йўлида қат'ият блан борди. Бу нарса Совет Иттифоқининг Югославия блан муносабатлари тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш мисолида ҳаммадан кўра яққолроқ кўриниб турибди. Албатта, партиянинг XIX с'езди блан XX с'езди ўртасидаги даврда Югославия масаласида Марказий Комитет томонидан қўйилган қадамларни фақат чинакам ленинчиларгина уддалайолар эди. Дадиллик блан қўйилган бу қадамларнинг қанчалик тўғри бўлганлиги, бу тадбирлар тинчлик ва социализм ишининг тақдири учун нақадар самарали бўлиб чиққанлиги энди яхши аён бўлиб турибди. **(Қарсаклар),**

Бундан бошқа бирқанча тадбирлар ҳам — Хитой ва Финляндиядаги ҳарбий базаларимизни тугатганлигимиз, халқ демократияси мамлакатларидаги аралаш жамиятларни тугатганлигимиз, Австрия блан сулҳ шартномаси тузганлигимиз ва бошқа тадбирлар ҳам — сиёсатимизнинг дадиллигини, принципиаллигини, бошқа мамлакатларнинг суверен ҳуқуқларини ҳурматлаётганлигимизни, сиёсатимизнинг активлигини ва шунинг учун ҳам самарали эканлигини кўрсатиб турибди.

Марксизм-ленинизм та'лим берганидек, бизнинг ташқи сиёсатимиз вазиятнинг конкрет хусусиятларини, кучларнинг реал нисбатини ҳисобга олиш, айрим мамлакатлар сиёсатининг муайян даврдаги ва аввало биз учун асосий масала бўлган тинчлик учун кураш масаласидаги фарқлари ва позик томонларига тўғри баҳо бериш асосига қурилмоқда. Бу ишда дипломатиямиз ишидаги ба'зибир қотиб қолган формалар, ташқи савдо ва иқтисодий органларимизнинг чет давлатлар ва шу мамлакатларнинг гражданлари блан муносабатларидаги ба'зибир қотиб қолган формалар улоқтириб ташланди, совет жамоат ва давлат ташкилотларининг ташқи дун'ёдан яккаланганлиги тугатилди, совет ва четэл давлат, партия арбоблари ҳамда жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар кенгайтирилди.

Мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг узилишини олганда бунда Американинг ма'лум агрессив доиралари салбий роль ўйнади. Броқ, улар Совет Иттифоқи «темир парда» тўсиб қўйипти деган баланд-парвоз гапларни ўйлаб чиқариб, бунинг учун айбни гуноҳкор устидан бегуноҳ кишилар устига, ўз айбларини совет кишиларининг устига тўнкашга уриндилар. Улар бу гапни ўйлаб чиқариш блан, бу нарса «совет режимининг ожизлиги»ни кўрсатучи, совет кишиларининг чет эл кишилари блан учрашувидан келиб чиқишни мумкин бўлган ҳамма нарсалардан ғўё бизнинг қўрқишимизни кўрсатучи белги деб да'во қилдилар. Ҳатто улар, бундай алоқалар совет давлат тузумини бўшаштириб қўйиши мумкин деган бема'ни гапларни ҳам ўйлаб чиқардилар.

Биз бу хомхаёл гапларни тез орада пучга чиқаришга ва давлат, жамоатчилик ташкилотлари йўли блан ҳам, шунингдек сан'ат, туризм, спорт ва шу сингарилар йўли блан ҳам чет эл мамлакатлари блан кенг алоқаларни бошлаб юборишга муваффақ бўлдик.

Демократик мамлакатлар бўлган мамлакатлар блан бу алоқалар жуда яхши ривожланиб бормоқда ва бу алоқаларнинг янада ўсиб ривожланиши учун катта перспективалар бор. Ба'зи давлатлар блан, масалан, АҚШ блан бундай алоқаларнинг ривожланиши сust бормоқда, чунки давлат департаменти Америка халқининг ва АҚШдаги кўпгина жамоат ташкилотларининг қизғин истагига қарамай, бунга тўғридан-тўғри қаршилик кўрсатмоқда.

Лоақал шундай бир қулгили мисолни келтириш мумкин. Америка ресторанларининг вакиллари ўтган йил Москвага меҳмон бўлиб келиб, буернинг хушманзараз жойлари блан танишдилар, ўзлари қизиқкан корхоналарнинг ҳаммасини — ресторанларни, ошхоналарни бориб кўрдилар. Биз ҳатто уларнинг меҳмон бўлиб келганлари учун бизнинг кишиларимиз ҳам Американи бориб кўрсинлар деган шартни кўйганимиз йўқ. Америкали меҳмонлар бизнинг меҳмондўстлигимиздан мамнун бўлганларидан, ресторанчилик ишининг москвали мутахассисларини, сизлар ҳам Америкага бориб, у ердаги оммавий овқатланиш корхоналарининг ишлари блан танишинглар деб таклиф қилиб кетдилар. Бу ишда алоқа шу тариқа йўлга қўйилабошланди. Хуллас яқинда Москвадаги умумий овқатланиш корхоналарининг ходимларидан беш киши Америкага боришга отланиб турган пайтларида тўсатдан давлат департаменти хабар юбориб, уларнинг АҚШга келишини номатлуб иш деб ҳисоблаймиз, деди **(залда жонланиш, кулги).** Афтидан, давлат департаментининг ба'зи арбоблари учун ҳатто ошпазларимиз ва пазандаларимиз ҳам хатарли бўлиб кўринганга ўхшайди. **(Кулги, қарсаклар).** Алоқалар бўлишига ким тарафдору, ким қарши эканлигимана шу кичик фактнинг ўзидан ҳам ҳамма ga аён бўлди.

Чет эллардаги душман доираларнинг совет сиёсати агрессив сиёсат деб тарқатаётган қалбаки гапларини ўз сўзларимиз ва ишларимиз блан фош қилиб ташлаб, совет сиёсатининг тамомила тинчликсевар сиёсат эканини исбот қилиб бердик. Совет кишилари чет эл кишилари блан алоқа қилишдан қўрқади, деган аҳмақона ғуйирмаларни бутунлай пучга чиқардик.

Коммунистлар капиталистик мамлакатлар блан алоқа қилишдан қўрқади деб ўйлашнинг ўзи кулгили бир нарсадир. Хўш, Совет Иттифоқидаги ижтимоий тузум яхшими ёки капиталистик мамлакатлардаги ижтимоий тузум яхшими? Бизнинг идеяларимиз — марксизм-ленинизм идеялари юксак идеяларми ёки капиталистик дун'ёнинг идеялари юксак идеяларми? Дуруст, Француз революцияси даврида капиталистик дун'ё ўзининг улуғ идеалларига эга эди, лекин у ўз умрининг охирида прогрессив идеяларсиз қолди. Капиталистик тузумнинг илгариги идеаллари эскириб қолди, аммо энди унинг инсониятни тараққий этдиришга қаратаоладиган янги идеаллари йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки капиталистик тузум — умри тугаб бораётган тузумдир, энди у тарихнинг шалагиччқан аравасида турибди. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

Ғарбдагилар, бизда эркинлик ва демократия бор деб чиранганларида, кишининг кулгиси қистайди. Буржуазия демократиясини пролетар демократияси, социалистик демократия блан таққослаш мумкинми ахир, социалистик демократия бутун халқ учун демократиядир, инсонга тўла ва чинакам эркинлик беручи демократиядир, ваҳоланки, буржуа демократияси тенглик тўғрисида лоф урса ҳам, ҳақиқатда кишининг киши томонидан эксплуатация қилишини мустаҳкамлайди ва сақлаб қолади.

Ҳарқандай буржуа демократизмидан тақ-қослаб бўлмас даражада юқори бўлган совет социалистик демократизми тўғрисида Марказий Комитетнинг ҳисоботида жуда тўғри гапирилди.

Бирдан-бир прогрессив идеаллар фақат ишчилар синфида — ҳозирги замон жамиятининг етакчи кучи бўлган ишчилар синфида, ишчилар синфи идеологиясининг ифодачиси бўлган фақат коммунистик партиядагина бор ва бўлиши мумкин. Марксизм-ленинизм идеяларидан кўра прогрессивроқ идея бўлмайди. **(Қарсаклар).**

Социализмнинг Совет мамлакати яккаланиб қолган вақтлар ўтиб кетди, капиталистик қуршов ичида биз якка мамлакат бўлиб турган вақтлар ўтиб кетди. Энди бу тўғрида ҳеҳандай гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозирги вақтда капиталистик давлатлар системаси блан бир қаторда социалистик давлатлар системаси ҳам яшамоқда. Социалистик давлатлар бир-бирига абадий дўстлик блан, тарихий тақдирларининг умумийлиги блан, бутун дун'ёда тинчликни та'минлашга биргаликда интилаётганликлари блан боғлангандирлар. Эндиликда катта халқаро масаланинг ҳеҳбирини ғарбдаги буюк давлатларнинг иродаси блангина, Совет Иттифоқи, Хитой ва бошқа социализм мамлакатларининг фикри блан ҳисоблашмасдан туриб ҳал қилиб бўлмайди. Социализм дун'ёси кучларининг улуғворлиги Европа ва Осиёдаги аҳолиси қарийб бир миллиард киши бўлган 13 мамлакатнинг социализм қураётганликларидангина иборат эмас,— социализм кучлари яна шундан ҳам иборатки, капитализм ҳукмронлик қилиб турган кўп мамлакатларда социализм идеялари меҳнаткаш аҳолининг жуда катта оммасига, шу блан бирликда эса инсониятнинг кўпчилигига сингиб кетди. Жаҳондаги аҳолининг катта қисми социализм байроғи остида турибди ёки социализм қурмоқда (Совет Иттифоқида эса социализм қурилди), ёки социализм қуриш ҳуқуқи учун курашаётир.

Маркс ва Энгельс бундан 100 йил муқаддам: «Европада бир шарпа юрипти, бу коммунизм шарпаси» деб айтган бўлсалар, эндиликда коммунизм шарпа эмас, балки миллион-миллион меҳнаткаш кишилар онгига сингиб кетган, улар яққол кўриб турган ва уларга яқин бўлган, ўзининг куч ва қудратига эга бўлган коммунизм фақат Европадагина эмас, ҳаттоки бутун дун'ёда забардаст қалам ташлаб бормоқда ва ўзининг мавжудлигини баланд овоз блан ҳаммага эшитдирмоқда. **(Қарсаклар).** Коммунизм идеяларининг ҳозирги инсоният жамиятининг бутун турмушига кўрсатаётган та'сири мислсиз даражада кучайиб кетди.

Империализмга ва мустамлакачиликка қарши, урушларга, уруш хавфига қарши, халқлар ўртасида тинчлик бўлиши учун, халқларнинг эркинлиги ва мустақиллиги учун кураш нуқтаи назаридан қараганда шу нарсани дадил айтиш мумкинки, эндиликда инсониятнинг катта кўпчилиги бу фронтда биз блан биргаликда курашмоқда. Тинчлик кучлари блан уруш кучларининг нисбатини, социализм кучлари блан капитализм кучларининг нисбатини бутун дун'ёда тубдан ўзгартираётган нарса ҳам шунинг ўзидир. Кўпгина бой мамлакатлар, яхши қуролланган мамлакатлар капиталистик мамлакатлар бўлиб қолаётганлиги учунгина капитализм социализмга қараганда кучлироқ деб энди асло айтиб бўлмайди. **Инсоният онгида эндиликда социализм капитализмга қараганда мислсиз даражада кучлидир.**

Шунинг учун ҳам социализм идеялари блан капитализм идеяларининг курашида бизнинг заррача қўрқадигам жойимиз йўқ, шунинг учун ҳам бизнинг партиямиз ва унинг вакиллари бўлган Хрушчев ва Булганин ўртоқлар Ҳиндистонда, Бирмада ва Афгонистонда бўлган вақтларида партия номидан гапириб, мустамлакачиликнинг авра-астарини ағдариб ташладилар ва уни дангал шарманда қилдилар, биз урушга қарши эканлигимизни, лекин иккала социал системанинг мусобақа қилишига тарафдор эканим

Ўртоқ А. И. МИКОЯН нутқининг давоми

(БОШИ ТУРТИНЧИ БЕТДА)

Биз, капиталистик мамлакатлар блан савдо-сотиқ қилишимиз иккала томон учун манфаатли бўлади ва бундай савдо-сотиқнинг янада ривожлантирилиши учун об'ектив негизлар бор деган фикрдамиз. Ижтимоий меҳнат тақсимоти зарурлигининг ўзи, маҳсулотларнинг ҳамма турларини ҳам ҳамма мамлакатларда ишлаб чиқарабериш бир хилда манфаатли бўлавермайди, деган ҳаммага ма'лум қонуннинг ўзи шуни талаб қилади. Бир хил буюмларни бир мамлакатда, иккинчи хил буюмларни иккинчи мамлакатда ишлаб чиқариш осонроқ бўлади, айрим тормоқларнинг ривожланиш даражаси бир-биридан фарқ қилади, бу соҳада ишчилар синфининг малакаси, ишлабчиқариш традициялари ва шунинг сингарилар ўз та'сирини ўтказади. Шу жиҳатдан қараганда халқаро савдо-сотиқ халқлар ўртасида рационал меҳнат тақсимотининг ифодаси бўлиб келган ва ҳатто буни тобора кўпроқ даражада ифодаламоқда.

Айрим мамлакатларда социалистик революциянинг тинч йўл блан ривожланиши мумкинлиги тўғрисида

Ўртоқлар! Марказий Комитет ҳисоботида илгари сурилган назарий масалалардан, барча мамлакатларда ҳаммавақт, ва ҳарқандай шароитларда социалистик революциянинг қуролли қўзғолон йўли блан амалга оширилиши шартми ёки революциянинг тинч ривожланиши ҳам мумкинми? деган масала энг ўткир ва муҳим масаладир.

Социалистик революция ҳаммавақт қон тўкиб қилинадиган гражданлар уруши блан боғлиқдир, деб тарқатилаётган қараш тўғримми?

Булар муҳим масалалардир, буларнинг муҳим бўлишининг сабаби лоақал шуки, капитализм идеологлари ва пропагандистлари коммунистларни ҳаммавақт ва ҳаммажойда зўравонлик қилишга интилучи, қандай бўлса-да гражданлар урушини бошлаб юборишга ҳаракат қилучи қонхўрлар, деб кўрсатмоқчи бўладилар. Ана шуларнинг ҳаммасини улар гўё пролетариат диктатурасига хос бўлган идеялар деб, коммунизм учун курашнинг муқаррар йўлдошлари деб э'лон қилмоқдалар. Улар ана шуни дастак қилиб олиб, бу нарсани социализм идеяларига стихияли суратда ва онгли равишда интилаётган халқ оммаси учун дахшатли олабўжи қилиб кўрсатишга, шу блан халқларни қўрқувга солишга уриниб келдилар ва уринмоқдалар.

Хўш, бу масалаларга биз қандай қараймиз? Ўртоқ Хрущев докладида бу масалаларга равшан жавоб берилди.

Ма'лумки, большевиклар биринчи жаҳон урушигача Россияда революция қуролли қўзғолон йўли блан ғалаба қозонади, деб билар эдилар. Биринчи жаҳон уруши қизиб кетгач, большевиклар империалистик урушни гражданлар урушига айлантириш шиорини майдонга ташладилар. Бизнинг тутган позициямиз тўғри ва ҳаётий эди, чунки империалистик урушни гражданлар урушига айлантириш жаҳон урушини тўхтатиш учун, халқларнинг тинчлиги ва озодлигига эришиш учун бирдан-бир восита эди.

Февраль революцияси натижасида Россия меҳнаткашлари ишчай демократик эркинликларга эришдиларки, бундай эркинликлар ҳатто ўша вақтда энг демократик мамлакат деб ҳисобланган Қўшма Штатларда ҳам йўқ эди. Ленин, ўзгарган вазиятни назарда тутиб, машҳур Апрель тезисларида ишчилар синфи томонидан ҳокимиятни қўлга олиш ва социалистик революцияни тинч йўл блан, Советларда кўпчиликни эгаллаш йўли блан амалга ошириш шиорини майдонга ташлади.

Фақат 1917 йилги июль воқеаларидан кейин. Муваққат ҳукумат Петроград кўчаларида ишчиларнинг тинч намойишини ўққа тутганидан кейин, революцияни тинч йўл блан ривожлантириш шиори олиб ташланган эди, чунки вазият ўзгариб қолган эди. Корнилов фитнасини тайёрлаган буржуазиянинг зўравонлигига зўравонлик блан жавоб қайтариш ва ҳокимиятни қўлга олиш йўли блан қўлга олиш лозим эди.

Ҳақиқатда эса Октябрь революцияси деярлик тинчлик блан амалга ошди, чунки ўша вақтда Советларнинг с'езида ҳам, кўпгина Советларда ҳам кўпчилик революция бўлиб қолган эди. Бу эса, Советларга жиддий қон тўкмасдан туриб ҳокимиятни қўлга олишга имкон берди.

Октябрьдан кейин ҳам Ленин ва большевиклар гражданлар урушини қилишга, зўравонлик қилишга чақирган эмаслар. Йўқ. Партия барҳол Россиянинг тинч йўл блан ривожланиши йўлларини чизиб берди. Бугина эмас, Ленин хўжалик соҳасида Россия ва четэл капиталистлари блан, я'ни Совет ҳокимиятининг контроли остида ишлашни истовчилар блан битим тузиш мумкинлигига чақирган эди. Ленин четэл капиталистларига концессиялар бериш ва давлат-капиталистик типлари корхоналарга эга бўлиш таклифини ўртага ташлаган эди.

Хўш, халқимизни шунчалик азоб-уқубатларга солган гражданлар урушини кандай бошланди?

Бутун дун'ёга ма'лумки, гражданлар урушини империалистик давлатлар бошлаб берган эдилар, қонли гражданлар урушини революция эмас, балки контрреволюция бошлаб берган эди, гражданлар урушини большевикларнинг хоҳиши блан эмас, балки бизнинг хоҳишимизга қарши бошланган эди.

Юқорида айтилганлардан қандай хулосалар чиқариш мумкин? У вақтда қандай ҳолларда Ленин ҳақли эди?

У, биринчи жаҳон урушигача ва уруш даврида қуролли қўзғолонга чақириб, империалистик урушни гражданлар урушига айлантиришни талаб қилганда ҳақли эдими? Ёки Февраль революциясининг дастлабки ойларида революцияни тинч йўл блан ривожлантириш шиорини майдонга ташлаган вақтда ҳақли эдими? Ёки июль воқеаларидан кейин у, қуролли қўзғолон шиорини янгидан майдонга ташлаганида ҳақли эдими?

Хўш, у қачон, қандай ҳолларда ҳақли эди? Бу саволга жавоб фақат битта бўлиши мумкин — Ленин бу ҳолларнинг ҳаммасида ҳақли эди.

Ҳамма ҳолларда Ленин догмага асосланмаган эди, у ўз кучини йўқотган шиорларга ёпишиб олмаган эди, балки ҳаётнинг талабларига асосланиб иш кўрган эди, чунки ҳаёт ўзгармасдан қолаолмас эди. Ленин кунининг шиорларини, синфий кучларнинг реал нисбатини аниқ ҳисобга олиб, бу нисбатларнинг янада ривожланиш тенденцияларини чуқур тушуниб ифодалаб берар эди. Марксист ана шундай. Фақат ана шундай иш кўриши лозим, йўқса шиорлар ўлик догмага, пролетар партиясининг ҳаракатга раҳбарлик қилишига ҳалақит берадиган догмага айланиб кетади. Ленин ҳамиша шу хусусда ташвишланар ва та'кидлаб айтар эдики, «ҳарбир шиорда керагидан ортиқ мустаҳкам шиорга айланиш қобилияти бўлади». (Асарлар, 28 том, 239 бет).

Мамлакатимизда аҳвол шундай эди. Маркс, Энгельс ва Ленининг бошқа мамлакатларга нисбатан ҳам бу масалага қараши принцип жиҳатдан ҳудди шундай эди — улар ҳаммавақт та'кидлаб айтар эдиларки, ҳамма нарса тараққиёт даврига, синфий кучларнинг нисбатига, конкрет суратда юзага келадиган вазиятга боғлиқ.

Ўтган асрнинг 70-ичи йилларида Маркс Европада ҳарқандай ҳақиқий халқ революциясининг дастлабки шарт-шароити «бюрократик-харбий давлат машинасини емиришдан» иборат деб ҳисоблар эди. У, Англияни ва океанинг нариги томонидаги мамлакатларни бундан истисно қилиб қарар эди, чунки у мамлакатларда ишчилар синфи у вақтда ҳокимиятни тинч йўл блан, парламент кўпчилигини ўз томонига оғдириб олиш йўли блан қўлга киритиши мумкин эди. 1872 йилда Амстердамда бўлган митингда Маркс ҳокимиятни қўлга олиш тўғрисида бундай деган эди:

«...биз ҳечқачон, бу мақсадга албатта бирхилдаги воситалар олиб боради, деб айттан эмасмиз.

Биз биламизки, айрим мамлакатларнинг муассасалари, хулқ-одатлари ва традициялари блан ҳисоблашишга тўғри келади; шунинг учун биз Америка, Англия каби мамлакатлар борлигини (агар мен сизнинг муассасаларингизни яхши билганимда, бу мамлакатлар каторига балки Голландияни ҳам қўшган бўлар эдим), бу мамлакатларда ишчилар тинч воситалар блан ўз мақсадига эришиши мумкинлигини инкор қилмаймиз.

Модомики ғап шундай экан, биз шуни ҳам э'тироф қилишимиз керакки, континентдаги мамлакатларнинг кўпчилигида куч бизнинг революциямизга дастак бўлиб хизмат қилмоғи лозим; биз меҳнат ҳукмронлигини узил-кесил барпо қилиш учун ма'лум пайтда ишга солишимиз лозим бўлган нарса ҳудди кучдир». (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 1-ичи нашр, 13 том, II қисм, 669 бет).

Маркс турли мамлакатларда революциянинг ривожланиш йўлини ана шундай тушунар эди.

1917 йилда Ленин ёзган эдики, монополистик капитализмнинг янги шароитида, Англия ва АҚШда полициячилик-бюрократлик аппарати ўсиб бораётганлиги сабабли, Маркс томонидан айтилган бу чеклаш ўз кучини йўқотади; Марксниг юқоридаги сўзларига ёпишиб олиб, «тинч йўлни» барча мамлакатлар учун ва тараққиётнинг барча даврлари учун принцип даражасига кўтаришга ва пролетариатни ҳокимият учун революцион курашдан чалғитишга уринган Каутский ва бошқа ренегатларни Ленин қаттиқ танқид қилган эди, чунки Каутский ва бошқа ренегатлар «тинч йўлни» ўзларича, реформистларча тушунар эдилар.

Шундай қилиб, ҳокимиятни қўлга олиш усули турли вақтларда, турлича халқаро шароитда турли мамлакатлар учун бирхилда бўлиши мумкин эмас. Ҳамма нарса бундан кўра хийли жиддий, доимий хусусияти ва унинг ғалабасини та'минлаган шарт-шароит пролетариат оммасини ташкил қилиш, меҳнаткашларни ташкил қилиш ўсган эди ва шунлай бўлиб қолади. Революция учун энг яхши шароит, унинг ғалабаларининг энг чуқур манбаи ҳам ана шу миллион-миллион меҳнаткашларнинг ташкил қилинишидир». (Асарлар, 29 том, 79—80 бетлар).

Ленин замонидан буён дун'ёда вазият тубдан ўзгарди. Бу эса, бизнинг Марказий Комитетимизга ҳудди ўша марксча, ленинча принципиал позицияларда туриб, турли мамлакатларнинг социализмга ўтиш формалари масаласини янги шароитда янгича қўйиш имкониятини беради.

Халқаро вазиятнинг тублан ўзгаришининг асосий фактори социализмнинг қудратли лагерининг вужудга келиши, ўсиши ва мустаҳкамланишидир. Совет Иттифоқида социалистик жамият қурилди. улуғ Хитой, халқ демократияси мамлакатлари социализм қурилиши йўлидан тез қадам ташлаб бормоқдалар. Жаҳон социалистик системаси қарор топди, мустаҳкамланди, бу система ривожланмоқда, жаҳон капитализмининг системаси эса, кризис ҳолатини кечирмоқда, бу система заифлашиб қолди, позицияларини бирин-кетин қўлдан бермоқда.

Илгарилари капитализмнинг муҳим резерви бўлиб келган мустамлака системаси яна кўпроқ емирилмоқда. Ҳиндистон, Бирма, Индонезия, Миср халқлари эркин ривожланиш йўлига кирдилар; Осиё, Африкадаги, Латин Америкасидаги мустамлака ва қарам мамлакатларнинг барча халқлари эркинликка ва тўла мустақилликка интилмоқдалар. Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг уюшқоқлиги ва синфий онги ўсди.

Шунинг учун биз ҳозирги даврда революциянинг йўллари масаласини қараб чиқар эканмиз, бир вақтлар Маркс ва Ленин қилганларидек, ҳарбир айрим мамлакатда ҳам ва жаҳон миқ'ёсида ҳам синфий кучларнинг нисбатларини аниқ ҳисобга олиб иш кўришга асосланишимиз лозим. Ҳарбир кишига ма'лумки, ҳозирги вақтда ҳечбир мамлакат бошқа мамлакатларнинг ма'лум та'сирига учрамасдан, якка-ёлғиз ривожланаолмайди.

Ленининг ўзиёқ олдиндан кўриб айтган эдики, бирқанча социалистик мамлакат мавжуд бўлиб турган чоқда, кичкина буржуа мамлакатида социализмга ўтиш тинч йўл блан бўлиши мумкин. Ленин тушунтириб айтган эдики, фақат айрим бир мамлакатдаги синфий кучлар нисбатинигина эмас, балки кўпчи мамлакатларда қолиб социализмнинг мавжудлигини ҳам назарда тутмоқ керак.

Ана шуларнинг ҳаммаси муносабати блан Марказий Комитетнинг ҳисобот докладида ҳозирги замон шароитида айрим мамлакатлар учун социализмга ўтишнинг тинч йўлининг реал имконияти тугилмоқда, деган хулоса чиқарилди. Бошқача сўзлар блан айтганда, ишчилар синфи мамлакатдаги синфий кучларнинг нисбати ва юқорида характерлаб берилган қулай умумий вазиятга кўра, айрим мамлакатларда деҳқонлар блан иттифоқ бўлиб, халқнинг кўпчилигини ўз раҳбарлиги остида бирлаштириб, қуролли қўзғолон қилмасдан, гражданлар уруши қилмасдан, тинч йўл блан, мавжуд парламент муассасаларидан фойдаланиб, ҳокимиятни қўлга олиши мумкин. Революциянинг тинч ривожланиш йўли, албатта, ишчилар синфининг кучи, уюшқоқлиги ва синфий онглилиги натижасилагина бўлиши мумкин.

Бошқа ҳолларда, буржуазия кучли ҳарбий-полициячилик машинасига эга бўлган чоқда, буржуазия ўз ҳукмронлигини сақлаб қолмоқ учун пролетариатни албатта қуролли курашга мажбур қилади, бунга эса пролетариат илгаритдан тайёрлаб қўйилмоғи лозим.

Марказий Комитет томонидан масаланинг тўғри қўйилганлигини революцион марксизм-ленинизмнинг ҳаётда тасдиқланган назарий қоидалари ишонч ҳосил қилади. Лениндан кейин ўнлан кўп мамлакатда социалистик революция ғалаба қозонди. Хўш, бу қандай юз берди?

Хитойни олайлик. Бу буюк мамлакатда ўнларча йиллар гражданлар уруши давом этди. Унда узоқ вақтгача революцион армияларнинг четэл империалистларига ҳамда помешчик ва компродор буржуазиянинг контрреволюцион кучларига қарши оғир қонли урушлари давом этди. Пролетариат ва унинг Коммунистик партияси раҳбарлик мавқе'ини эгаллаб ва антифеодал ҳамда антиимпериалистик революцияда қуролли курашни воситаси блан қолиб чиқиб, тинч йўл блан социалистик ўзгаришларга ўтиш имкониятини та'минлаб берилар.

Ленинизм Хитойлаги миллион-миллион энг яхши кишиларнинг миясига ва дилига жо бўлди. Хитой халкига социализмга борадиган тўғри йўлни кўрсатиб, ленинизм **Хитой заминида ҳам гуллаб-яшнади ва улуғ Хитой революциясининг бой тажрибаси блан бойиди. (Қарсаклар).**

Шарқнинг ана шу буюк мамлакатида Хитой коммунистларининг социализм қуриш йўлида тўла муваффақиятга эришишларини тилаймиз. **(Қарсаклар).**

Югославияда революциянинг бериши ўзига хос манзарага эга бўлди. Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига қарши уруш бошлаши блан Югославия Компартияси фашистлар зулмига қарши кўтарилган қўзғолонга бошчилик қилди; Югославия буржуазиясининг бир қисми фашизмга қарши курашдан ўзини четга олиб, эмиграцияга чиқиб кетди ,иккинчи қисми эса, фашистларга қўшилиб, оккупацион режимнинг ёрдамчиси бўлиб қолди. Югославия партизанларининг фашизмга қарши олиб борган урушининг Югославияга хиёнат қилган буржуазия ва помешчикларга қарши олиб борилган граждалар уруши блан қўшилиб кетганлигининг ҳам сабаби ана шу.

Югославия революциясининг ғалабаси бизнинг Югославия коммунистлар партияси ҳамда муваффақиятли суратда социализм қураётган югослав халқи блан тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстлигимиз ва қардошларча иттифоқимизнинг манбаидир. **(Қарсаклар).**

Чехословакияда революция бошқача шаклда юз берди. Чехословакияда урушдан кейин юз берган қулай вазиятга кўра, унда социалистик революция тинч йўл блан амалга ошди; коммунистлар фақат меҳнаткашларга яқин турган партиялар блангина эмас, балки шу блан бирга умумий миллий фронтни қўллаб-қувватлаган буржуа партиялари блан ҳам иттифоқ тузиб, ҳокимиятни қўлга олдилар. Чехословакия халқи революциясининг тинч ривожланиш йўлида ғалаба қозонди.

Болгария, Руминия, Венгрия. Польша ва бошқа халқ демократияси мамлакатларидаги ишчилар синфи ҳам социалистик революциясининг ғалабасига ўзларича, аммо, гражданлар уруши қилмасдан эришди.

Шундай қилиб, тарихнинг бориши қуролли қўзғолон йўлидан бўлак революциянинг тинчлик йўли блан ривожланишини ҳам олдиндан кўрган коммунизм устозларининг ҳақли эканликларини мутлақо шак-шубҳасиз исбот қилиб берди.

Капиталистик мамлакатлардаги қардош коммунистик партиялар битмас-туганмас билим хазинасига — марксизм-ленинизм назариясига, ўзларининг бой амалий тажриба мактабига ҳамда бизнинг мамлакатимизнинг, Хитойнинг ва бошқа халқ демократияси мамлакатларининг эришган тарихий ғалабалари сабоқларига эгадирлар.

Ношуд назариячилар, қироатхонлар ёки сиёсатда тажриба кўрмаган кишилар чиқиб, бундай деб савол беришлари мумкин: масалани бу тахлитда қўйганда марксизм блан реформизм ўртасида нимэ фарқ бўлади, бунда марксизмни ревизия қилучилар танлаб олган йўлга тойиб кетиш йўқмикин?

Реформистлар блан ревизионистлар ҳамиша, илгари ҳам, ҳозир ҳам, ишчилар синфининг курашини майда реформалар блан, капиталнинг меҳнат фойдасига озмоз ён беришлари блан чеклашга ҳаракат қилиб келган эдилар ва ҳозир ҳам шундай қилмоқдалар; уларнинг мақсади капитализм даврида капиталистик тузумнинг ҳукмронлигини қаттиқ ушлаб ишчиларнинг турмуш шароитини оз-моз енгиллатиришдир, холос. Улар аслда капитализмнинг аподогетлари эдилар ва шундай бўлиб қолмоқдалар, улар революционерлар эмас, балки революциядан, меҳнаткашларнинг ҳокимиятни қўлга олишидан бош тортучи эволюционерлардирлар, улар, майда-чуйда, арзимас «ғалабалар» блан кўп йиллар давомида бирор вақт социализмга бориб етиш мумкин, деб ўйлайдилар. Эҳтимол, улардан ба'зилари бундай деб ўйламас, лекин улар халқни шу руҳда аллаб келмоқдалар. **(Залда жонланиш).**

Шундай фактлар ма'лумки, ба'зи социалистик партиялар парламентларда кўпчиликка эга бўлган эдилар, бирқанча мамлакатларда ҳатто социалистик ҳукуматлар бор эди ва ҳозир ҳам бор. Лекин бунда ҳам масала ишчилар фойдасига айрим ёнбериштлар блан чекланиб қолмоқда ва ҳечқандай социализм қурилаётгани йўқ. Шундай бўлиши керакки, жамиятга давлат йўли блан раҳбарлик қилиш ишчилар синфи қўлига ўтсин, ишчилар синфи фақат ташкилий жиҳатдангина эмас, балки сиёсий ва назарий жиҳатдан ҳам социализм учун курашга тайёрланган бўлсин, ишчилар синфи капиталистларнинг дастурхонидан ташланадиган ушоқ-увоқлар блан қаноатланиб қолмасин, балки кўпчиликни ўз томонига ўтказиб, ҳокимиятни қўлга олсин ва асосий ишлабчиқариш воситаларига хусусий мулкчиликни битирсин.

Тарихий материализм, капитализм ўрнида социализм ўрнатилиши, синфий жамиятнинг синфсиз жамият блан алмашиниши революцион сакрашдир, деб та'лим беради. Бу ўтиш аслда бир ижтимоий тузум ўрнида иккинчи ижтимоий тузумнинг революцион йўл блан барпо бўлишидан иборат. Шунинг учун капитализмдан социализмга ҳарқандай ўтиш, ижтимоий муносабатлардаги туб ўзгариш — революциядир, кўпроқ кескин бўлган ёки камроқ кескин бўлган революциядир, лекин барча халқлар қилалиган революциядир. Халқнинг ҳокимиятни ўз қўлига олиши, ишлабчиқариш воситаларининг хусусий формадан ижтимоий формага ўтиши тарихда энг катта ўзгаришлан иборат.

Ана шунинг учун ҳам айрим мамлакатларда революциянинг тинч йўл блан ривожланиши мумкинлиги масаласини реформизм блан аралаштириб юбориш ярамайди. Шуни эсда тутмоқ керакки, **революция — тинчлик йўли блан бўладими, ёки нотинчлик йўли блан бўладими — барибир ҳамиша революция бўлади**, реформизм эса ҳамиша бир жойда самарасиз депсиниб туришдан иборат. Шунинг учун ишчилар синфи ғалабага эришмоқ учун реформизмга қарши ва ўз қаторларида реформизм томонидан тўғирилиладиган иллюзияларга қарши тинмай доимо кураш олиб бормоғи лозим.

Уруш бўлиши муқаррарми?

Урушларнинг муқаррар ёки муқаррар эмаслиги тўғрисидаги ҳамда икки системанинг мустаҳкам ва тинч-тотув бўлиб яшаши тўғрисидаги масаланинг Марказий Комитет ҳисоботида қўйилганлиги диққатга сазовордир.

Ма'лумки, бозорлар учун, мустамлакаларни қайтадан бўлиб олиш учун бир-бири блан рақобат қилучи ва курашучи давлатлар ўртасида бўладиган конфликтлар ва урушларнинг манба'и империализмнинг ўз моҳиятида бор деган установка ленинизмнинг асосий установкасидир. Модомики, империализм тирик экан, бу тенденция яшайберади, уруш хавфи мавжуд бўлаверади.

Ҳозирги замон шароитида империалистик давлатлар ёки империалистик давлатларнинг гуруҳлари ўртасида уруш бўлиши мумкинми? Ҳа, мумкин.

Иккинчи масала. Империалистик давлатларнинг социализм мамлакатларига ҳужум қилиш хавфи борми? Ҳеч шубҳасиз бор. Социализм бутун дун'ёда капитализм устидан катта устунлик олмагунча, бундай хавф бўлаберади.

Бас, шундай экан, эндиликда янги уруш бўлиши мутлақо муқаррарми, бошқа сўз блан айтганда урушнинг олдини олиш мумкинми ёки йўқми? деган савол туғилади. Марказий Комитет ҳисоботи бу саволга равшан жавоб бериб айтадики:

— Модомики, империализм мавжуд экан, урушларнинг пайдо бўлиши учун иқтисодий асос ҳам сақланиб қолаберади деган ленинча қоида янги шароитда ҳам ўз кучида қолади. Лекин урушлар бўлиши мутлақо муқаррар эмас. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида жаҳонгаги кучларнинг нисбатини кўрсатиб туручи ма'лум тарихий шароитлар буни белгилаб беради. Бундай шароитлар иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келди ва мустаҳкамланди.

Эндиликда Совет Иттифоқи ҳам, халқ Хитойи ҳам, бошқа халқ демократик мамлакатлар ҳам урушга қаршидирлар, тинчлик тарафдоридирлар. Улар бу масалада қаттиқ турибдилар. Бу шундай улуғ кучдирки, бундай куч блан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Осиё ва Африканинг мустамлака асоратидан озод бўлган халқлари, Ҳиндистон сингари мамлакат урушга қарши, тинчлик тарафдоридирлар. Улар яқиндагина чет эл ҳукмронлигидан қутилдилар, улар янги уруш мустамлакачилик бўйинтуруғини яна қайтариб солиши мумкин деб ҳақли равишда хавотир бўлмоқдалар. Улар ўз кучлари блан эркин ривожланишни истайдилар, уларга уруш керак эмас, уларга яйраб-яшнаш йўлини та'минламоқ учун тинчлик керак. Улар бу ишда, тинчлик ишида бизнинг иттифоқчиларимиздирлар.

Европанинг Франция, Италия сингари кўпгина мамлакатларида халқ орасида жуда катта та'сири бўлган, камолга етган ишчилар синфи мавжуддир, ишчилар синфи тинчлик тарафдоридир, урушга қаршидир.

Бошқа ҳамма мамлакатларнинг ишчилари, деҳқонлар, меҳнаткашлар, интеллигенциянинг анчагина қисми, буржуазиянинг бир қисми янги уруш бўлишини истамайдилар — улар урушнинг бутун вайрон қилучи кучини биладилар, ўтган урушнинг аччиқ тажрибаси уларнинг кўзини очиб қўйган. Бу эса жиддий ва жуда муҳим фактордир.

Лекин АҚШда бўлгани сингари, масалан, жуда катта империалистик монополиялар борки, уларга уруш қурбонлар келтирмайди, аксинча, улар учун ҳаддан ташқари фойда келтирадиган манба' бўлади, шунинг учун ҳам гарчи, Америка халқи урушга қарши бўлсада, империалистик монополиялар уруш бошлашдан қайтмайдилар. Уларни, жамоатчилик фикридан ташқари, социализм мамлакатларининг катта ҳарбий кучидан ташқари яна бир янги муҳим вазият тўхтатиб турибдики, у ҳам бўлса фақат америкалилардагина эмас, шу блан бирга Совет Иттифоқида ҳам атом ва водород бомбаларининг пайдо бўлганлигидир, шунингдек шу бомбаларни самолётлар ёки ракеталар воситаси блан ер юзининг истаган жойига олиб бора олиш воситаларининг ҳам пайдо бўлганлигидир.

Биронта ҳам урушда бошқа мамлакатнинг на бир бомбаси, на бир снаряди Америка ерига, уларнинг шаҳарларига ва фабрикаларига тушмаган эди, тушиши ҳам мумкин эмас эди, чунки бундай техника ва имкониятлар бўлмаган эди. Аммо ҳозир бунинг учун реал имконият бор. Америка агрессия қиладиган бўлса, бунга жавобан водород бомбалари Америка шаҳарларига ҳам тушиши мумкин. Америка империалистлари ҳам бу бомбалардан бошпана тополмай қоладилар, ўз фабрикаларини ҳам сақлаб қолаолмайдилар. Уруш бу сафар улар учун бойиш манба'и бўлмаслиги муқаррардир. Уруш натижасида улар фақат вайронликка ва емирилишга учрайдилар, холос.

Биз ўйлаймизки, кимда-ким водород бомбани ёки атом бомбани ташлашга уринадиган бўлса, у ҳолда инсониятнинг энг яхши кишилари цивилизациянинг ҳалок бўлишига йўл қўймайдилар, улар дарҳол бирлашадилар, агрессорларнинг оёқ-қўлини боғлаб қўядилар ва ҳарқандай урушларга, шу блан бирга капитализмга ҳам хотима берадилар. **(Давомли қарсаклар).**

Водород ва атом уруши катта вайронгарчиликка олиб келиши мумкин, лекин у инсониятни ёки унинг цивилизациясини емиришга олиб келаолмайди, у эскириб қолган ва турган битгани зарардан иборат бўлган тузумни — империалистик босқичида турган капитализмни емириб ташлайди.

Қуролсизланиш, водород ва атом бомбаларни йўқ қилиб ташлаш, тинч-тотув бўлиб яшаш мустаҳкам тинчликни та'минлашнинг ҳал қилучи воситасидирки, биз бунинг учун курашмоқдамиз ва курашаверамиз.

Лекин Қўшма Штатлар атом ва водород қуролини тақиқлашга қаршилик кўрсатаберар экан, қуролсизланиш амалга оширилмас экан, биз ўз қурол-яроғларимиз, шу жумладан ҳамма техниканинг энг кейинги муваффақиятларига асосланган энг қувватли, ҳозирги замон қурол-яроғ турларини керакли даражада сақлаб туришга мажбурмиз.

Социализм лагери нақадар кучли бўлса, тинчлик учун курашаётган жаҳоншумул ҳаракатнинг ғалабага эришиш имконияти ва агрессорларнинг урушни бошлаб юборишларига йўл қўймайдиган имконият шунчалик кўпроқ бўлади.

Шунинг учун ҳам Марказий Комитет ҳисоботида урушлар бўлиши мутлақо муқаррар эмас дейилган. Эндиликда тарих шундай босқичга ўтдики, бу босқичда уруш хавфининг мавжудлиги гарчи давом этаберса ҳам ва уруш бошланиб кетиши мумкин бўлса ҳам, лекин уруш бошланишига йўл қўймайдиган ва **фақат узоқ давом қиладиган тинчликнигина эмас, шу блан бирга мустаҳкам тинчликни ҳам та'минлайдиган** шароит ва имконият вужудга келди, аммо бунинг учун халқларнинг тинчлик йўлида, уруш хавфига қарши тўхтовсиз кўраш олиб боришлари мутлақо шартдир, бўлиши эҳтимол тутилган агрессияга нисбатан хуш'ёр бўлиб туриш шартдир.

Узоқ давом қиладиган тинчлик ва узоқ муддат тотув бўлиб яшаш тўғрисида гапирилганида, ба'зи бир кишилар: бу узоқ муддатли тинчлик, бу узоқ муддатли тотув бўлиб яшаш қачонгача давом этади? деган ҳақли саволни берадилар.

Бизнинг душманларимизнинг бунга жавобан айтаётган фикрларига қараганда, оқибат натижада биз уруш бўлишига тарафдор эмишмиз, биз уруш воситаси блан бутун дун'ёга коммунизмни ёйиш тарафдори эмишмиз, лекин биз бунинг учун ҳозирча тайёрланган эмасмишмиз ва тинч тотув бўлиб яшашни истаётганлигимизнинг сабаби шу эмишки, яхши тайёрланиб олганимиздан кейин ахир бир кун бориб қўлимизга қурол олиб ҳужум қилар эмишмиз ва коммунизмни ўрнатар эмишмиз. Душманларимизнинг бизга қарши қаратилган «назарий концепциялари» мана шудир. Бу — бизнинг сиёсатимизга бўхтондир. Коммунизм урушга муҳтож эмас, у урушга қаршидир, коммунизм идеялари уруш қилмасдан ҳам ғалаба қозонади! **(Қарсаклар).**

Урушга бундай муносабатда бўлишимизнинг моҳияти фақат совет кишиларининг инсонпарварлигидангина, совет кишиларининг барча халқларга дўстлик ҳислари блан қараётганликларидангина келиб чиқмайди. Муваффақиятли коммунистик қурилиш, халқнинг аҳволини яхшилаш учун кураш манфаатлари зўр бериб қуролланиш сиёсатига, одамларнинг ма'навий кучларини ва моддий кучларини ҳарбий мақсадларга сарф қилишга бутунлай зиддир.

Совет ҳокимияти эндигина дун'ёга келганида унинг биринчи декрети сулҳ тўғрисидаги декрет эди. В. И. Ленин Совет ҳукуматининг бошлиги сифатида, тинчлик бўлсин деб, барча мамлакатлар блан дипломатия ва савдо муносабатлари ўрнатайлик деб таклиф қилишдан ора чарчамаган эди.

Ленин айтган эдики: «Тинчликни сақлаш. . . биз учун ҳар нарсадан ҳам қимматлидир. . .» (Асарлар, 32 том, 114—115 бетлар). «Россия ишчи ва деҳқонлари сулҳнинг яхшилигини ҳаммадан кўра қимматлироқ деб биладилар. . .» (Асарлар, 33 том, 144 бет). «Биз ҳечбир мамлакатни истесно қилмасдан барча мамлакатлар блан иттифоқ тузиш тарафдоримиз». (Асарлар, 30 том, 396 бет).

1920 йил февраль ойида Ленин бундай деган эди: «Америка капиталистлари бизга даҳл қилмасин. Биз уларга даҳл қилмаймиз». (Асарлар, 30 том, 395 бет).

Ленининг тинчлик тўғрисидаги сўзлари ва васиятлари биз учун муқаддасдир. Биз бу сўзларни ва васиятларни қайта-қайта такрорлашга тайёрмиз **(қарсаклар)**, дўстларимиз бу сўзларни ва васиятларни яхши биладилар. Бизга дўст бўлмаганлар ҳам, халқларнинг совет халқи блан мустаҳкам дўстлик ўрнатиш истагига халақит бераётганлар ҳам бу сўзларни ва васиятларни эшитсинлар, қадр қилсинлар ва тўғри тушуниб олсинлар.

Тинчлик бизнинг мамлакатимизда ва социализм енган мамлакатларда коммунизмни жуда қисқа муддат ичида қуришимизни та'минлайди. Ватан уруши вақтида бўлганидек бундан кейин ҳам уруш хўжалик тараққиётимизга фақат тўсқинлик қилиши мумкин.

Коммунизм идеялари олдинроқми, ёки кейинроқми ахир бир кун барча халқларнинг қалбига бориб етади ва бутун дун'ёда қарор топади.

Уруш ва тинчлик масаласининг Марказий Комитет ҳисоботида маркса-ленинча тўғри қўйилганлиги жамоатчилик кучларининг урушга қарши, тинчлик учун умумжаҳон курашини бундан буён ҳам ташкил қилишда тарихий роль ўйнайди ва мана шу олижаноб инсоний ишга тобора кўпроқ ёрдам бераверади. **(Қарсаклар).**

Идеология соҳасидаги ишлар янги даражага кўтарилсин

Мен коммунистларимизнинг идеология соҳасида олиб борадиган ишлари масаласи юзасидан ҳам ўзимнинг ба'зибир мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман.

Об'ектив тарзда айтганда, идеология ишининг қоникарсиз аҳволда бўлганлиги учун айбнинг бир қисмини ўттан бирқанча йиллар давомида илмий ва идеология ишлари учун вужудга келтирилган вазиятга эътиб тақамоқ керак. Лекин шубҳасизки, идеология фронтидаги жиддий қолоқлигимиз учун айбнинг ма'лум қисми шу фронтда ишловчи ходимларнинг ўз устита ҳам тушади.

Таассуфки, сўнгги ўнбеш-йигирма йил ичида мамлакатимизнинг ички ҳаётига доир ҳодисаларни ҳам, халқаро аҳволга доир ҳодисаларни ҳам тушуниш ва изоҳлаш учун ленинча идеяларнинг хазинасига бизда кам, жуда кам мурожаат қилинди. Бундай бўлишига сабаб, албатта, ленинча идеяларнинг эскириб қолганлиги ёки ҳозирги вазиятни тушуниш учун етарли бўлмаганлиги эмасдир.

Империализм ва пролетар революциялари даврида марксизмни ижодий ривожлантиришдан иборат бўлган ленинизм ўзининг бутун илмий-назарий ва сиёсий кучини ҳамда амалий аҳамиятини сақлаб келмоқда ва бундан кейин ҳам сақлаб қолади.

Ленининг ижтимоий тараққиёт қонуниятлари тўғрисида айтган доҳиёна фикрлари ҳозирги замондаги кўпгина воқеаларни тушуниш учун қимматбаҳо манба'дир. Йўқ, бу ҳодисаларни Ленинсиз тушуниб бўлмайди, дун'ёнинг ҳозирги аҳволини, империализм даврида чириб бораётган капитализм тараққиётини, пролетар революциясининг ва унинг ғалабалари тақдирини, социализм ва коммунизм қурилишининг йўлларини Ленинсиз тушуниб бўлмайди.

Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети, четэлдаги коммунистик ва ишчи партиялар ҳамиша тирик бўлган ленинизм та'лимотига суяниб, жамият тараққиётининг ҳозирги даврдаги конкрет воқеалари ва ҳодисаларини анализ қилганда, бу та'лимотни ижодий суратда татбиқ қилмоқдалар ва шу блан марксизм-ленинизмни бойитмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот докладида капитализмнинг ҳозирги аҳволи равшан анализ қилиб берилди. Сўнгги даврда капиталистик мамлакатларда саноат маҳсулотининг ма'лум даражада ўсганлиги кўринди. Лекин бу ўсиш капиталистик ишлабчиқариш зиддиятларининг янада кескинлашуви, унинг экономикасининг беқарорлиги кучай

Ўртоқ А. И. МИКОЯН нутқининг охири

(БОШИ БЕШИНЧИ БЕТДА)

Капитализмнинг мутлоқ турғунлиги назарияси марксизм-ленинизмга ётдир. Капитализмнинг умумий кризиси капиталистик мамлакатларда ишлабчиқаришнинг ўсишини тўхтатишга ва техника тараққиётини тўхтатишга олиб боради, деб ҳисоблаб бўлмайди.

Ҳозирги замон капитализм экономикасининг аҳволини анализ қилганда. Сталининг «СССРда социализмнинг иқтисодий проблемалари» деган асарида АҚШ, Англия ва Франция тўғрисида айтган ма'лум фикри, я'ни жаҳон бозори бўлиниб кетгандан кейин, «бу мамлакатларда ишлабчиқаришнинг ҳажми қисқариб боради» деган фикри бизга ёрдам бераолмаса керак ва тўғри бўлмаса керак. Бу фикр ҳозирги замон капитализмининг мураккаб ва зиддиятли ҳодисаларини ҳамда урушдан кейин кўп мамлакатларда капиталистик ишлабчиқаришнинг ўсаётганлиги фактини изоҳлаб бермайди.

Марказий Комитетнинг докладида айтиб ўтилганидек, Ленин 1916 йилда ўзининг империализм тўғрисидаги асарида империализмнинг қонуниятларини доҳиёна суратда ойдинлаштириб бериб, кўрсатган эдики, капитализмнинг чириши ишлабчиқаришнинг тезлик блан ўсишини истисно қилмайди, саноатнинг айрим тармоқлари, айрим мамлакатлар империализм даврида, бу тенденциялардан гоҳ бирини, гоҳ иккинчисини кўпми ёки озми куч блан намоён қилиб турадилар.

Ҳамма фактлар шуни кўрсатадики, бу ленинча қоидаларнинг бирон қисмини эскирган деб ҳисоблаб бўлмайди.

Ўрни келганда айтиб ўтмаслик мумкин эмаски, «Иқтисодий проблемаларнинг» ба'зи бошқа қоидалари ҳам жиддий текшириб чиқилганда, улар экономистларимиз марксизм-ленинизм нуқтаи назаридан чуқур ўрганиб ва танқидий кўз блан қайтадан қараб чиқишларига муҳтождир.

Тарихнинг бориши шуни кўрсатадики, марксизм-ленинизмнинг ҳамма принципиал қоидалари империализм тараққиётининг ҳозирги даврида ҳам шак-шубҳасиз тасдиқланмоқда. Лекин бундай умумий фикрни айтиш етарли эмас. Биз бу ҳол қачон, қаерда, қай даражада ва қай тарқа юз бераётганлигини конкрет суратда ўрганишимиз лозим.

Биз капитализмнинг ҳозирги босқичини ўрганиш ишида жиддий суратда орқада қолмоқдамиз, фактлар ва рақамларни чуқур ўрганиш блан шуғулланмаймиз, кўпинча шу блан чекланиб қоламизки, агитация мақсадида яқинлашиб келаётган кризиснинг белгилари тўғрисида, меҳнаткашларнинг қашшоқланаётганлиги тўғрисида айрим фактларни юлиб-юлқиб оламизу, лекин четэл мамлакатларининг ҳаётида юз бераётган ҳодисаларга ҳартомонлама ва чуқур баҳо бериш блан шуғулланмаймиз. Бизнинг **экономистларимиз** Совет Иттифоқининг ва халқ демократияси мамлакатларининг экономикасини ўрганганларида, кўпинча юзакичилик блан иш кўрадилар, масаланинг чуқур томонларини текширмайдилар, жиддий анализ қилмайдилар ва умумий хулосалар чиқармайдилар, айрим мамлакатларнинг тараққиётидаги хусусиятларини ойдинлаштириб беришдан қочадилар.

Дарҳақиқат, бизда бу масалаларни жиддий ишлаб чиқиш блан шуғулланаоладиган ким бор? Бизда урушгача жаҳон хўжалиги ва жаҳон сиёсати Институти бор эди, у ҳам тугатилди, Фанлар академияси системасида бўлган биттагина иқтисодий институт эса социализм мамлакатларининг ҳам, капитализм мамлакатларининг ҳам экономикасини чуқур ўрганиш ишини ўлдалайолмаётир ва ҳақиқатда ўдалайолмайди ҳам. Фанлар академияси системасида Шарқ масалалари блан шуғулланадиган яна бир институт бор, лекин бу институт тўғрисида шуни айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда Шарқнинг бутуниси ўйғонса ҳам, лекин бу институт ҳозирга қадар ҳам мудраб ётмоқда. **(Залда жонланиш, кулги).**

Бу институтни ҳозирги замоннинг талаблари даражасига кўтарилиш вақти келмадимикан?

139 йил давом этган Москва шарқшунослик институтини тугатишнинг сабабини ҳам тушуниш қийин, бунинг устига яна ҳулди бизнинг Шарқ блан алоқаларимиз ўсиб мустаҳкамланиб бораётган, Шарқ мамлакатлари блан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқаларимиз кенгайиб борими блан, совет жамоатчилигида бу алоқаларга қизиқиш беқиёс даражада ошиб кетган, Шарқ мамлакатларининг тилларини, экономикасини, маданиятини биладиган кишиларга эҳтиёж кучайган бир даврда, бу институтнинг тугатилиш сабабини тушуниш қийин.

Шундай бир фактга э'тиборни жалб қилмасдан бўлмайдики, айтишларича, АҚШда совет экономикасини ўрганиш блан шуғулланучи 15 дан ортиқ илмий муассасалар бор экан. Мен бу муассасаларнинг нимани ўрганаётганликлари ва қандай қилиб ўрганаётганликлари масаласига тўхталмайман, лекин шуниси фактки, уерда жуда кўп экономистлар Совет Иттифоқининг иқтисодий тараққиёти тўғрисида материаллар тўплаш ва уларни ўрганиш блан шуғулланмоқдалар.

Шуни қайд қилиб ўтмоқ керакки, сиёсий иқтисод дарслигининг босиб чиқарилиши, сўнгра, бу дарсликнинг тўлатилган иккинчи нашрининг ҳам чиқарилиши экономистларимиз коллективининг жиддий ютуғидир. Лекин дарсликнинг капитализм тараққиётининг ҳозирги босқичи тўғрисидаги, жумладан, цикл блан давом этадиган кризисларнинг характери ва вақтлари масаласи тўғрисидаги, шунингдек социализм сиёсий иқтисоди масалалари янада чуқурроқ ўрганишга ва қўшимча равишда ишлаб чиқишга муҳтож эканлиги ҳақида индамасдан ўтиш нотўғри бўлар эди.

Ма'лумки, Маркс ўзининг доҳиёна хулосаларини чиқармоқ учун барча мамлакатларнинг экономикаси тўғрисида, шу жумладан, Россия тўғрисида ҳам тор-тор статистик материаллар тўплаган эди. Ма'лумки, Ленин Россияда капитализмнинг тараққиёти тўғрисидаги китобини ёзмоқ учун шунингдек империализм тўғрисидаги китобини тайёрлаганда мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти тўғрисида ўша вақтда жуда оз бўлган, лекин жуда муҳим бўлган статистик рақамларни топиш учун қанчадан-қанча зўр меҳнат қилган эди.

Биз ҳозирги вақтда харқачонгидан кўра ва бошқа харқандай мамлакатдагидан кўра кўпроқ статистик ма'лумотларга эгамиз, бу статистик ма'лумотларнинг ҳаммасини системага солиб чиқмасдан, уларни анализ қилмасдан ва умумлаштирмасдан туриб, ҳеҳқандай илмий-иқтисодий иш олиб бориш мумкин эмас.

Таассуфки, статистик ма'лумотлар ҳали ҳам Марказий Статистика Бошқармасида Ўртоқ Старовский ихтиёрида тилсим қилиб бекитиб қўйилган. Экономистлар ҳали ҳам уларни ишлаш имкониятидан маҳрум қилинган ва улар эски формулалар, эски ма'лумотларни такрорловчи қироатхонлар ролини бажаришга маҳкум этилган. Экономистларимизнинг ижодий иши кўринмаслигининг сабабларидан бири анашу. **(Қарсаклар).**

Ленининг статистиканинг аҳамияти тўғрисидаги мулоҳазаларини э'тиборсиз қолдириш мумкин эмас. Ленин 1918 йилнинг бошидаёқ бундай деб ёзган эди: «Капиталистик жамиятда статистика фақат «расмий кишилар» ёки тор мутахассислар юргизадиган иш эди, — биз статистикани оммага етказишимиз, оммалаштиришимиз лозим...».

Афсуски, Ленининг «расмий кишилар» тўғрисидаги мулоҳазаси статистика соҳасида ишлайдиган, миясида эски жамиятнинг сарқити ҳали ҳам жой олиб ётган ба'зи ходимларга нисбатан ҳозир ҳам ҳаққонийдир, деган фикр туғилади. **(Залда жонланиш).**

Марказий Комитетнинг ҳисоботида **пропаганда ишимизнинг** қониқарсиз аҳволда эканлиги тўғрисида сўзланган. Асосий сабаблардан бири шундаки, бизда марксизм-ленинизм, одатда, фақат партия тарихининг қисқа курсидан ўрганилади. Бу, албатта, нотўғри. Марксизм-ленинизм идеяларининг бойлиги партиямиз тарихининг чекланган тор тема доирасига сиғаолмайди ва айниқса унинг қисқа курси доирасига сиғаолмайди. Бунинг учун тайёргарлиги турли даражада бўлган ўртоқлар учун махсус назарий дарсликлар тузиш лозим бўлади. Бу биринчидан. Иккинчидан, партия тарихининг мавжуд қисқа курси бизни қаноатлантираолмайди, бунинг сабаби лоақал шуки, унда партиямиз ҳаётидаги деярлик сўнгги йигирма йил ичидаги воқеалар ойдинлаштирилмаган. Бизда сўнгги йигирма йил ичида ишланган партия тарихи бўлмаганлигини важ кўрсатиш мумкинми, ахир?

Сўнгра. Агарда бизнинг **тарихчиларимиз** совет давридаги партиямиз тарихида бўлган фактлар ва воқеаларни, бунинг устига «Қисқа курс»да баён қилинган факт ва воқеаларни чинакам, чуқур ўрганганларида, агарда улар фақат газета комплектларинигина эмас, балки архивларни, тарихий ҳужжатларни яхшилаб текшириб кўрганларида эди, у вақтда улар ҳозир «Қисқа курс»да баён қилинган кўпгина фактлар ва воқеаларни ленинизм позициясида туриб яхшироқ ойдинлаштирган бўлар эдилар.

Иккинчи масала. Октябрьдан кейин қарийб 40 йил яшаб турганимиз бир ҳолда, Октябрь революцияси ва Совет давлатининг тарихи юзасидан на қисқа, на тўла марксча-ленинча дарсликка эга бўлмаслигимиз, бу дарсликда Совет Ватанининг фақат фасад томонигина эмас, балки унинг бутун кўптомонлама ҳаёти безовсиз-бўёвсиз кўрсатилмагани нормал ишми?

Жаҳонда биринчи бўлган улуғ социалистик давлатнинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳартомонлама ойдинлаштириб берилган дарсликни чиқаришнинг назарий ва сиёсий аҳамияти қандай катта бўлган бўлар эди. Бу нарса бизнинг кадрларимиз учун ҳам, бутун дун'ёдаги прогрессив кишилар учун ҳам қандай аҳамиятга эга бўлган бўлар эди. **(Давомли қарсаклар).**

Бизнинг партиямиз ва совет жамиятимиз тарихи соҳасидаги илмий иш, афтидан, идеология ишимизнинг энг қолоқ участкасидир.

Яқин вақтгача бизда Закавказье ва Боку ташкилотлари каби йирик партия ташкилотларимизнинг тарихи юзасидан ёзилган китобларда фактлар соҳталаштириб кўрсатилган эди, ба'зи кишилар ўзбошимчалик блан кўкларга кўтариб мақталган, ба'зилари эса умуман тилга олинмаган эди, ана шундай китобларга яқин вақтларгача кенг тарқалиб ва ҳатто, шубҳасиз бенуҳсон асарлар деб ҳисобланиб келинган эди; бу китобларда иккинчи даражали воқеалар номуносиб равишда юксакликка кўтарилган, муҳимроқ бўлган бошқа воқеалар эса ерга урилган эди, бу китобларда большевиклар партияси ленинча Марказий Комитетининг революциядан илгариги раҳбарлик ва йўлбошчилик роли пасайтириб кўрсатилган эди.

Бизда ҳозиргача гражданлар уруши даври тўғрисида ҳам чинакам марксистик асарлар йўқ. Бу тўғрида нашр қилинган китобларда катта-катта камчиликлар бўлиб, улар илмий қимматга эга эмас, улардан ба'зилари эса, ҳатто салбий роль ўйнашлари мумкин.

1918—1920 йиллардаги гражданлар урушининг ба'зи мураккаб ва зиддиятли воқеаларини ба'зи тарихчилар айрим даврлардаги синфий кучлар нисбатининг ўзгариши блан изоҳламайдилар, балки ўша вақтдаги партия ташкилотларининг айрим раҳбарларининг — тасвир қилинган воқеалардан кейин орадан кўп йил ўтгач халқ душманлари деб нотўғри э'лон қилинган кишиларнинг ёки зараркунандачилик иши деб тушунтирадилар.

Москвали бир тарихчи ҳатто қуйидаги гапларни ҳам айтиб юборган: Украина партия раҳбарлари орасида Ўртоқ Антонов-Овсиенко ёки Ўртоқ Косиор бўлмаганида, эҳтимол, махночилик ва григорьевчилик ҳам бўлмас эди, Петлюра айрим даврларда муваффақият қозонмаган бўлур эди, коммуналарни зўрлаб қуришга берилиб кетиш ҳам бўлмас эди (ўрни келганда айтиш керакки, бу ҳодиса фақат Украинага хос бўлмай, балки ўша вақтда партия учун умумий ҳол бўлган эди) ва Украинада дарҳол бутун партия ва мамлакат янги иқтисодий сиёсат натижасида ўтилган йўл тутилган бўлар эди.

Бундай тарихнависликнинг марксистик тарих блан ҳечқандай алоқаси йўқ. Бу кўпроқ тарихий воқеаларни идеалистларча, эсерларча изоҳлашдир. Менинг фикримча, Украина социалистик давлатининг вужудга келиши ва тараққий қилиши тарихини ба'зи москвали тарихчилардан яхшироқ ёзоладиган украин тарихчилари топилади, ана шу москвали тарихчилар бу ишга киришганлару, лекин уни уддалайолмаганлар, улар бу ишга киришмасалар яхшироқ бўлган бўлар эди. **(Залда кулги).**

Бизнинг **философларимиз** тўғрисида ҳам бир-икки сўз айтмоқ керак. Философларимиз тарихчилар ва экономистларимиздан ҳам орқада қолаётганликларини ва ҳатто партия олдида каттароқ бурчли эканликларини ўзлари тушунмоқлари керак.

Юристларимиз тўғрисида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Шуни айтмоқ керакки, совет юридик фани, қонун чиқаручилик ва процессуал нормалар Совет ҳокиятининг биринчи даврида, Ленин барҳаёт бўлган чоқда ва Ленин вафотидан кейин бирнеча йил давомида марксизм-ленинизм идеяларига, партиямиз программасида тўғри акс эттирилган пролетар социалистик қонунчилиги асосларига мувофиқ равишда тез ривожланиб келган эди.

Кейинроқ давр тўғрисида бундай деб айтиб бўлмайди, шунинг учун бу ҳол КПСС Марказий Комитетини қонуний равишда ташвишга солиб қўйди. Марказий Комитет аҳволни тузатиш учун тездан бу ишга аралашишни лозим топди, Марказий Комитет ленинча социалистик қонунчиликни тўлатўкис ҳолида барқарор қилиш зарурлигига асосланиб, бу ишга аралашдики, бу тўғрида Марказий Комитет ҳисоботида айтиб ўтилди.

Мамлакатимиз иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жуда юксакликларга кўтарилди. Биз экономикамизни янада янгидан юқори даражага кўтариш программасини қараб чиқмоқдамиз.

Бизнинг партиямизда назарий жиҳатдан тайёрланган жуда кўп экономист, тарихчи, философ, юрист кадрлар бор, булар марксизм-ленинизм классикларининг асарларини яхшилаб ўрганиб олган кишилардир: Брок, бу билимларни бошқаларга бериш ниҳоят даражада кам, бизда чуқур марксча-ленинча ижодий иш олиб борилаётганлиги сезилмайди.

Назариётчиларимизнинг кўплари эски цитаталар, формулалар ва қоидаларни такрорлаш ва турли мақомга солиш блан шуғулланиб юрмоқдалар.

Хўш, ижодий иш бўлмаса, қандай фан бўлиши мумкин? Бу нарса кўпроқ мактабхонликка, ўқиш машқларига ўхшайди, аммо фанга сра ўхшамайди, чунки фан, даставвал, ижодий ишдир, ўтилган нарсаларни такрорлаш эмас, балки янгилик яратиш демакдир. **(Қарсаклар).**

Бизнинг илмий-назарий ходимларимиз бутун куч-қувватларини сарф қилиб, воқеликдагиларни янги фактларни, СССР ва чет эллардаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт соҳасида юз берган янги воқеалар ва ҳодисаларни ўрганишлари, бу фактлар ва ҳодисаларни ҳартомонлама ўрганиб, уларни марксча-ленинча нур блан ёритишлари ва шу блан марксизм-ленинизмнинг ғоявий хазинасини бойитишлари керак эди.

Партиямизнинг XX с'езди идеология фронтининг ходимларига жиддий туртки бўлади деб, улар ижодий-илмий ишга чинакам киришадилар, деб умид қилмоқ керак. Бундаги ишларнинг сон-саноғи йўқ, бу ишлар халққа керак бўлган қийин, қизиқарли ва фахрли ишлардир.

Идеология фронтининг ходимлари шуни билсинларки, партия уларнинг бундан кейин ҳам турмушдан орқада қолиб юришларига тоқат қилаолмайди. Экономистлар, тарихчилар, философлар, юристлар партия блан, ҳаёт блан бирга қадам ташлаб боришлари лозим, улар илмий ишдаги қолоқликни тугатишлари ва марксизм-ленинизмни ижодий бойитишни та'минлашлари зарур.

* * *

Ўртоқлар! Ҳисобот доклади Марказий Комитет томонидан, бутун Коммунистик партия, бутун совет халқимиз томонидан партиянинг XIX с'езди блан XX с'езди ўртасида қилинган катта ишларидан гувоҳлик беради, ҳисобот доклади биз коммунистик қурилишнинг улуғ ишида тўғри йўлда эканлигимизни очиқ-ойдин кўрсатади.

Марказий Комитет Коммунистик партиянинг коллектив раҳбарлигига ва бирлигига таяниб, ўтган йилларда йигилиб қолган хато ва камчиликларни дадил очиб ташлади, сиёсий фаолиятнинг, хўжалик, маданий ва партия ички қурилишининг ҳамма участкаларида бу хато ва камчиликларни тузатиш ва бартараф қилиш учун қат'ий йўл тутди. Марказий Комитетимиз ишининг чинакам ленинча хусусияти ҳам ана шунда.

Лениндан кейин партиянинг XX с'езди партиямиз тарихида энг муҳим с'езддир, десак, муболаға бўлмайди. **Ленинча руҳ ва ленинизм бизнинг бутун ишимизга ва ҳамма қарорларимизга сингиб бормоқда,** худди Ленин барҳаёт бўлиб, биз блан бирга бўлгандек туйилмоқда. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Ленин орамиздан кетиши олдидан партиямиз ва революциямиз тақдири учун қандай катта ташвиш тортганлиги ма'лум. У, партиянинг бўлиниб кетишидан ва ишчилар синфи блан деҳқонларнинг бўлиниб кетишидан, айниқса кўпроқ қўрқар эди. У, бу ҳар иккала бўлинишнинг олдини олиш учун чоралар излаб топишга жон қуйидириб ҳаракат қилган эди. У, партия қаторларининг, унинг раҳбарларининг бирлигини сақлаган, ишчилар синфи блан деҳқонларнинг иттифоқини сақлаб қолган ва мустаҳкамлаган тақдирда, коммунизм ишининг енгилмаслигига ишонган эди.

Ленин ҳозир, орадан 32 йил ўтганидан кейин бизда энди партия қаторларининг ва унинг раҳбарларининг ташкилий ва сиёсий бирлиги мавжудлигини кўрганида, марксизм-ленинизмнинг идеялари қандай гуллаб-яшнаётганлигини, ишчилар синфининг деҳқонлар блан иттифоқи бузилмас ва мустаҳкам эканлигини кўрганида, биз Ленин номи блан қасам'ёд қилибгина қолмай, балки Ленин идеяларини бутун кучимиз блан турмушга ошираётганлигимизни ва унинг васиятларини муқаддас тутиб бажараётганлигимизни кўрганида, қандай қувонган бўлар эди. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Партиямизнинг XX с'езди, унинг қарорлари, Марказий Комитетнинг доклади партия ичида, Совет мамлакатида, чет эллардаги барча дўстларимиз орасида кенг ва қизғин ма'қулланди. Партия ва мамлакат олдида туғган янги улуғвор вазифалар баҳарилади. Бу тўғрида бизда заррача ҳам шак-шубҳа йўқ, бизнинг дўстларимиз ҳам бунга қаттиқ ишонганлар, душманларимиз ҳам ўзларининг шубҳаларини ташласинлар.

Бизнинг олға қараб, коммунизм сари ҳаракат қилишимизнинг гарови, даставвал, шундаки, ўлмас доҳимиз ва устозимиз Ленин айтганидек, «Биз дун'ёда энг му'жизали кучга — ишчи ва деҳқонлар кучига таянамиз». **(Узоқ давом этган гулдурос қарсаклар).**

Тошкент области колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг 1956 йилда пахта, каноп, жут, маккажўхори, картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш ва унинг махсулдорлигини ошириш тўғрисидаги

Социалистик мажбурияти

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тинмай кўпайтириш учун социалистик индустриянинг қувватига таяниб, барча моддий ва ташкилий воситаларни вужудга келтирдилар. Қишлоқ хўжалиги йил сайин юз минглаб янги қишлоқ хўжалик машиналари ва тракторлар олмоқда, деҳқончилик маданияти ўсиб бормоқда, галла, сабзавот, картошка, чорвачилик маҳсулотларини тайёрлаш ва харид қилиш учун янги нархлар белгиланди, бу эса колхозларда ва совхозларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш учун колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XX с'ездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик плани тўғрисидаги Директиваларини амалга ошириш натижасида СССРнинг иқтисодий қудрати янада кўпроқ мустаҳкамланади, социалистик қишлоқ хўжалиги янги босқичга кўтарилади ҳамда совет халқининг фаровонлиги ва маданияти анча ошади.

Область колхозлари ва совхозлари, партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалигини кескин равишда юксалтириш тўғрисидаги қарорларини ҳамда пахта етиштиришнинг прогрессив усулларини жорий қилиш тўғрисида ўртоқ Хрушчевнинг кўрсатмаларини бажариб, ўтган йил давлатга пахта, луб экинлар маҳсулоти, галла, шоли, сабзавот, картошка, жун топшириш планларини бажардилар, гўшт ва сутни давлатга анча кўп топширдилар.

Қатор ораларини торайтириб, квадрат-уялаб чигит экишга тўла ўтиш ва 72 минг гектар майдонда ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш пахта тайёрлаш планининг бажарилиши учун ҳал қилучи шарт бўлди. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Киров номли, Маленков номли, Сталин номли, Хрушчев номли, Молотов номли колхозларнинг; Юқоричирчиқ районидаги Сталин номли, Андреев номли колхозларнинг, «Ленинизм» колхозининг, Сирдар'ё районидаги Охунбобоев номли колхознинг, Верхне-волинск районидаги Карл Маркс номли колхознинг, Янгийўл районидаги Свердлов номли ва Ворошилов номли колхозларнинг, Чиноз районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» колхозининг а'золари прогрессив усуллардан фойдаланиб, ўтган 1955 йилда пахтадан мўл ҳосил олишга эришдилар.

Юқоричирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз, «Правда», «Политотдел» колхозлари, Қуйичирчиқ районидаги Димитров номли, Будённий номли колхозлар каноп ва жутдан мўл ҳосил етиштирдилар.

Область колхозлари ва совхозлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети январь Пленуми қарорини амалга ошириб, дастлабки ютуқларга эришдилар: чорва молларини боқиш ва асрашни яхшиладилар, чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтирдилар, жамоат чорва молларининг сонини ўсишини та'мин этдилар.

Колхозлар ва совхозлар маккажўхори экишни анча кўпайтириб, кўлда боқилаётган харбир сигирга 4,5 тоннадан силос бостириб қўйдилар. Ҳарбир сигирдан соғиб олинаётган сутнинг миқдори бир йил ичида 350 килограмм кўпайди ва колхозларда 870 килограммга, совхозларда эса 2603 килограммга етди.

Янгийўл районидаги Сталин номли колхозда ҳарбир сигирдан ўрта ҳисоб блан 3364 килограмм сут соғилди ёки бу колхоз ҳаммаси бўлиб 365 тонна сут олди, ер майдонларининг ҳар 100 гектарига 209 центнердан сут етиштирди.

Калинин районидаги Сталин номли колхоз чорвадорлари ҳарбир соғин сигирдан 2896 килограммдан сут соғиб олдилар. Мирзачўл районидаги «Октябрь» колхозида ҳарбир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори 2036 килограммга етди.

Ўтган йил кўпгина колхозларнинг анчагина ютуқларга эришувлари блан бир қаторда областьдаги пахтакор колхознинг 66 таси ҳарбир гектардан 15 центнерга етар-етмас ҳосил олди, 50 колхоз ва 9 совхоз пахта тайёрлаш планларини бажармади, пахтанинг ўртача ҳосилдорлиги ҳали ҳам паст даражада қолмоқда.

Сабзавот экучи колхозларнинг кўпчилиги сабзавот ва картошкадан жуда паст ҳосил олдилар.

Луб экинлари галла етиштиришдаги, пиллачиликдаги, ем-хашак етиштиришдаги ҳамда жамоат чорвачилигини ривожлантиришдаги жиддий камчиликлар тугатилгани йўқ.

Область қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш манфаатлари ҳарбир колхозчидан, совхоз, машина-трактор станцияси ходимларидан, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан зўр бериб ва фидокорлик блан ишлашни талаб қилади, чунки бу йил область асосий етакчи экин бўлган пахта етиштиришни, шунингдек жут, каноп, шоли, сабзавот, картошка, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириши, ем-хашак экинлари майдони, шу жумладан маккажўхори экини майдонларини кенгайтиришни ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтирмоқ учун қишлоқ хўжалигининг резервларидан, айниқса қолоқ колхозларда тўла равишда фойдаланилиши лозим.

Биз, область қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашининг қатнашчилари қишлоқ хўжалик йилининг якунларини ҳамда 1956 йилда колхозлар, совхозлар ва МТСлар олдига қўйилган вазифаларни муҳокама қилиб, колхозчилар,. МТС ва совхоз ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашлар номидан ўз зиммамизга қуйидаги социалистик мажбуриятларни оламиз:

1. Пахта етиштиришни кўпайтириб, область бўйича 1956 йилда ялпи ҳосилини 465 минг тоннага, шу жумладан колхозларда 375 минг тоннага ва совхозларда 90 минг тоннага етказамиз. Бунда:

Оққўрғон райони колхозларида	26 500 тоннага
Оҳангарон райони колхозларида	3 000 тоннага
Бекобод райони колхозларида	24 200 тоннага
Боёвут райони колхозларида	14 900 тоннага
Бўка райони колхозларида	30 000 тоннага
Юқоричирчиқ райони колхозларида	10 300 тоннага
Верхне-волинск райони колхозларида	23 500 тоннага
Гулистон райони колхозларида	21 000 тоннага
Калинин райони колхозларида	3 400 тоннага
Мирзачўл райони колхозларида	28 300 тоннага
Октябрь райони колхозларида	22 500 тоннага
Оржоникидзе райони колхозларида	20 500 тоннага
Пискент райони колхозларида	18 650 тоннага
Сирдар'ё райони колхозларида	30 200 тоннага
Ўртачирчиқ райони колхозларида	19600 тоннага
Ўртасарой райони колхозларида	19600 тоннага
Чиноз райони колхозларида	19000 тоннага
Янгийўл райони колхозларида	37 000 тоннага

етказамиз.

Биринчи «Боёвут» совхозида	7 600 тоннага
Иккинчи «Боёвут» совхозида	8 400 тоннага
Учинчи «Боёвут» совхозида	10 640 тоннага
Тўртинчи «Боёвут» совхозида	9 000 тоннага
Биринчи «Далварзин» совхозида	7 200 тоннага
Иккинчи «Далварзин» совхозида	5 300 тоннага
Учинчи «Далварзин» совхозида	7 900 тоннага
Сталин номли 16-нчи совхозда	7 850 тоннага
Сталин номли 17-нчи совхозда	8 200 тоннага
«Малик» совхозида	4 800 тоннага
«Ўзбекистон ССР бешйиллиги» совхозида	10 000 тоннага
Бешинчи Кўкорол совхозида	2 000 тоннага
Бушуев номли совхозда	1 800 тоннага

етказамиз.

2. Бу йил пахтадан мўл ҳосил олишни та'минламоқ учун бутун пахта майдонининг камида 65 процентига чигитни квадрат-уялаб экамиз ва ғўза қатор ораларини узунасига, кўндалангига машина блан ишлашни та'минлаймиз.

Чигитни квадрат-уялаб экиш учун кадрлар тайёрлаш, экиш кампанияси бошлангунча техникани янги усулга мослаб ўзгартириш ва текшириб чиқиш ишларининг ҳаммасини 1 мартгача тамомлаймиз.

3. Ўтган йилги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймаслик ва ҳамма пахта майдонларида пахтанинг эрта очилишига тўла равишда эришиш учун қуйидаги мажбуриятларни зиммамизга оламиз:

а) чигитни яхши юмшатилган ва нами тобида бўлган ерга 8 — 10 иш кунида ўз вақтида экиб олишни, бутун пахта майдонларида экилган чигитнинг 20 — 30 апрельдан кечиктирмай биртекида ва бақувват бўлиб униб чиқишини та'минлаймиз;

б) ёз вақтида ғўзаларни парвариш қилиш тадбирларининг ҳаммасини пахтани эрта етилишини та'минлайдиган қилиб ўтказамиз, бунинг учун дала ишларини юқори сифатли бўлишига ҳамда ғўзани парвариш қилишга доир агротехника тадбирларининг ҳаммасини қулай муддатларда ўтказишга эришамиз;

в) бу йил пахтани машина блан териб олишни кенг жорий қиламиз ва колхозларда камида 150 минг тонна пахтани ва совхозларда 45 минг тонна пахтани машиналар блан териб оламиз, бунинг учун пахтаси машина блан териб олинадиган далаларни ҳозирданоқ белгилаб қўямиз ҳамда терим машиналарини ва ҳайдовчи кадрларни ёз вақтида тайёрлаб қўямиз.

4. Пахта етиштиришни кўпайтиришда кам ҳосил олаётган қолоқ колхозларда катта резервлар борлигини а'тиборга олиб, биз бу колхозларни ташкилий хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш асосида ва қўшимча ёрдам бериш йўли блан уларнинг далаларида пахта етиштиришнинг прогрессив усулларини кенг жорий этишни та'минлаймиз ҳамда пахта ва бошқа экинлар ҳосилини кескин оширишга эришиб, шу йилнинг ўзидаёқ қолоқ колхозларни ўрта ва илгор колхозлар даражасига етказиб оламиз.

5. Каноп ва жут экиладиган майдоннинг ҳаммасига бу экинларни торқаторли қилиб экамиз, 4,5 минг гектар каноп ва жут экинларининг қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлашни ҳамда бу йил давлатга 90 минг тонна каноп ва жут пояси ҳамда 1300 тонна каноп уруғи топширишни та'минлаймиз.

6. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг картошка ва сабзавот етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қарорини оғишмай бажараб, колхозларда ва совхозларда ҳосилни кескин ошириб, ҳарбир гектардан 120 центнер картошка, 140 центнер сабзавот ва 150 центнер қовун-тарвуз олишни та'минлаймиз.

7. Галла ва мойли экинларнинг ҳарбир гектаридан олинаётган ҳосилини 25 процент миқдорида кўпайтирамиз, шолининг ҳосилини 25 центнерга етказамиз. Ҳар қути уруғдан олинаётган пилла ҳосилини кескин оширамиз ва давлатга камида 850 тонна пилла топширамиз.

Боғдорчиликни ва узумчиликни тиклаш ва янада ривожлантириш учун барча зарур тадбирларни амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

8. Ҳарбир колхозда ва совхозда планда белгиланган миқдорда бедазорлар бўлишини ва беда ҳосилдорлигини кўпайтириб, ҳарбир гектардан 60 центнерга етказиб қуруқ беда ва 2 центнергача етказиб беда уруғи олишни та'минлаймиз.

9. Ялпи дон ҳосилини кўпайтиришнинг ва чорвачилик емхашак базасини мустаҳкамлашнинг муҳим резерви бўлган маккажўхори экишни кенгайтиришга катта аҳамият бериб, область колхозларида ва совхозларида маккажўхори экиладиган майдонларни 20 минг гектарга етказамиз. Маккажўхорининг ҳарбир гектаридан ўрта ҳисоб блан 30 центнердан дон ва 250 центнердан силосбоп кўк поя олишни та'минлаймиз. 1956 йилда маккажўхори поясидан ҳарбир сигир учун 6 тоннадан силос бостириб қўямиз.

10. Воронеж областининг колхозчилари, МТС ва совхоз ходимларининг олтинчи бешйилликда далачилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планини муддатидан олдин бажариш тўғрисидаги чақиқларини қизғин қувватлаб, биз колхозларда қора моллар сонини кўпайтириб, 85 минг бошга етказамиз, шу жумладан сигирларнинг сонини 26 минг бошга, қўйларнинг сонини 440 минг бошга ва паррандаларнинг сонини 168 минга етказамиз.

Чўчқачилик чорвачиликнинг энг тез етиладиган тури эканлигини ҳисобга олиб, шу йил кўкламдан бошлаб ҳарбир колхозда камида 10 тадан она чўчқа бўлишига эришиш, ҳарбири 80—100 килограммлик, камида 35 минг чўчқани боқиб семиртириб, гўшт мажбурияти ҳисобига топшириш вазифасини ўз зиммамизга оламиз.

Колхозларда қўшимча равишда 10 минг сигирни қўлда боқишга кўчирамиз. Ҳарбир соғин сигирдан олинадиган сутни камида 1200 килограммга етказишни, ҳар 100 гектар ерга ҳисоблаганда гўштни камида 8 центнерга, сутни 30 центнерга, жунни 90 килограммга ва дон экинларини ҳар 100 гектарга ҳисоблаганда 3 минг донадан тухум олишга эришамиз.

11. МТСларнинг колхозларга техника, агрономия, зоотехника хизмати кўрсатиш ишларини кескин равишда яхшилаймиз, техникадан фойдаланишни, колхозлар блан тузилган шартномаларнинг бажарилишини тубдан яхшилаш мажбуриятини оламиз.

12. КПССнинг тарихий XX с'езди шарафига биз кўкламги экиш кампаниясига ҳартомонлама тайёргарлик кўришга бутун кучимизни сарф қиламиз, февраль ойида ҳамма колхозларда ва совхозларда ерларни ҳайдаб қўйишни тугаллаймиз, ирригация-мелиорация ишларини тамомлаймиз, бутун қишлоқ хўжалик техникасини тайёрлаб тахт қилиб қўямиз ҳамда маҳаллий ва минерал ўғитларни ташиб оламиз, уруғликларни жамғариб ва текширишдан ўтказиб қўямиз, шу тарқа кўкламги экишни қисқа ва энг қулай агротехника муддатларида муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлган бошқа тадбирларни ҳам амалга оширамиз.

13. Биз қишлоқ хўжалигини ян